(1) tenglama qator fizik jarayonlarni ifodalaydi: chiziqli bo'lmagan muhitda reaksiya diffuziya jarayonini, bir jinsli bo'lmagan chiziqsiz muhitdagi issiqlik tarqalish jarayonini, chiziqli bo'lmagan muhitda suyuqlik va gazning filtratsiyasini ifodalab, ular politrapiya qonuni va boshqa chiziqli bo'lmagan ko'chishlarning mavjudligini ifodalaydi.  $\varepsilon u^\beta$  had ( $\varepsilon = 1$ ) manbaning yoki ( $\varepsilon = -1$ ) yutilishning mavjudligiga mos kelib, uning quvvati  $u^\beta$  ga teng,  $v(y, x, u) \frac{\partial u}{\partial x}$  esa  $v(y, x, u)$  tezlikka ega muhitning harakatiga mos keladi.

(1) tenglama uchun Koshi masalasi va chegaraviy masalalar bir o'lchamli va ko'p o'lchamli holatlarda ko'plab avtorlar tomonidan kuzatilgan [1-5].  $\varepsilon = \pm 1$  da  $D\left(y, x, u, \frac{\partial u}{\partial x}\right)$  parametrning ayrim xususiy qiymatlari [2-4] da o'rganilgan.

(1) tenglama bilan ifodalangan jarayonlarda temperaturaning chekli tarqalish hodisasi ro'y beradi [4]. Yutilish koeffisienti mavjud bo'lganda esa "orqa" front hodisasi ro'y berishi mumkin, ya'ni chap front ma'lum vaqtdan keyin to'xtashi va muhit harakati bo'ylab harakat qilishi mumkin.

(1)-(3) masala uchun parametrlarning turli qiymatlarida,  $D\left(y, x, u, \frac{\partial u}{\partial x}\right)$ ,  $u^\beta$  funksiyalarga va  $v(y, x, u)$  ga bog'liq holda turli xil yechimlar paydo bo'lishi mumkin (chekli tezlikli, lokalizatsiyalangan, globallashtirilgan va boshqalar).

(1) tenglamani avtomodel yechimi quyidagicha quriladi:

(1) tenglamadagi muhit tezligi o'zgarimas  $\gamma (\gamma = const)$  deb qaralsa, (1) tenglama quyidagicha o'zgaradi:

$$\frac{\partial u}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial x} \left( u^\sigma \frac{\partial u}{\partial x} \right) - \gamma \frac{\partial u}{\partial x} + \varepsilon u^\beta$$

(1) tenglamadagi  $u^\beta$  manba quyidagicha chiziqlashtiriladi:

$$\frac{d\bar{u}}{dt} = -\bar{u}^\beta$$

Natijada (1) tenglama quyidagicha o'zgaradi:

$$\bar{u}(t) = [T + (\beta - 1)t]^{-\frac{1}{\beta-1}}$$

Avtomodel yechimni quyidagi ko'rinishda izlaymiz:

$$u(t, x) = \bar{u}(t) \cdot w(\eta(t, x), \tau(t))$$

(1) tenglamada  $\sigma$  ga nisbatan 2 ta holat mavjud:

$$\tau(t) = \begin{cases} \frac{[T + (\beta - 1)t]^{\frac{\beta - \sigma - 1}{\beta - 1}}}{\beta - \sigma - 1}; & \text{agar } \beta \neq \sigma + 1 \\ \frac{1}{\beta - 1} \ln |T + (\beta - 1)t|; & \text{agar } \beta = \sigma + 1 \end{cases}$$

$\eta_x = 1$  va  $w(\eta, \tau) = f(\xi)$  deb o'gartirish kiritiladi va natijada quyidagi avtomodel yechim topiladi:

$$u_A(t, x) = [T + (\beta - 1)t]^{-\frac{1}{\beta-1}} \cdot \left( c - \frac{\sigma}{4} \frac{(x - \gamma t)^2}{\tau(t)} \right)_+^{\frac{1}{\sigma}}$$

Ixtiyoriy nochiziqli issiqlik tarqalish tenglamasini o'zgaruvchan yo'nalishlar usuli orqali quyidagicha tasvirlash mumkin:


$$u_t = u_{xx} + u_{yy} + f(x, y, t), \quad (x, y, t) \in (0, L) \times (0, M) \times (0, T) \quad (1)$$

$$u(x, y, 0) = \psi(x, y), \quad (x, y) \in [0, L] \times [0, M], \quad (2)$$

$$u(x, y, t) = \varphi(x, y, t), \quad (x, y) \in \Gamma, 0 < t \leq T, \quad (3)$$


bu yerda  $f(x, y, t)$  -issiqlik manbai;  $\psi(x, y)$ ,  $\varphi(x, y, t)$  -berilgan funksiyalar;  $L, M, T$  -berilgan sonlar, (2) - boshlang'ich shart, (3) - chegaraviy shart.

O'zgaruvchan yo'nalishlar usuli ko'rinishi quyidagi rasmda keltirilgan.



Berilgan tenglama ikkita ayirmali sxema birlashmasi yordamida approksimatsiya qilinadi, ularning har biri ma'lum fazoviy yo'nalishga ega bo'ladi. Berilgan masalani vizuallashtirish jarayoni C# dasturi yordamida bajarildi va quyidagicha natijalar olindi:

$$t=7, \sigma=1$$



### Adabiyotlar:

1. Aripov M.M., Muhammadiev J.U. Asymptotic behaviour of automodel solutions for one system of quasilinear equations of parabolic type. *Buletin Stiintific – Universitatea din Pitesti, Seria Matematica si Informatica*, no. 3, 1999, 19-40.
2. Арипов М.М. Методы эталонных уравнений для решения нелинейных краевых задач. *Tashkent, Fan*, 1978.
3. Aripov M.M. Asymptotics of Solutions of the non-Newton Polytropic Filtration Equations. // *ZAMM*, vol.80, supl.3, 2000, 767-768.
4. Иванов В.Т., Лубышев В. Ф., Деркеч А.С., Меркушан В.Г. Методы совместных расчетов электрических и тепловых полей в электрoхимических системах. – Москва.: Наука, 1978, 3-31.
5. Зельдович Я.Б., Компанеев А.С. К теории распространения тепла при теплопроводности, зависящей от температуры. Сборник, посвященный 70-летию акад. А.Ф. Иоффе. М. 1950, 61-71.
6. Самарский А.А. Теория разностных схем. – Москва.: Наука, 1977, 656

## FAZODA SFERANI NUQTAGA NISBATAN SIMMETRIK KO'CHIRISH

Z.Z. Xo'jaxonov, N.N. Xasanov

FarPI

Agar bizga fazoda sferaningning umumiy tenglamasi

$$x^2 + y^2 + z^2 + a_{13}x + a_{23}y + a_{33}z + a_{44} = 0 \quad (1)$$

berilgan bo'lsin [1]. (1) sferani biror  $M(x_1; y_1; z_1)$  nuqtaga nisbatan simmetrik ko'chirish masalasi berilgan. Bu masala yechimini quyidagi masala yechimidan hosil qilamiz.

Biror  $z = f(x; y)$  funksiyani  $M(x_1; y_1; z_1)$  nuqtaga nisbatan simmetrik ko'chirish masalasi yechimi quyidagicha edi:

$$z = 2z_1 - f(2x_1 - x; 2y_1 - y). \quad (2)$$

(2) funksiyadan quyidagi tenglikni hosil qilamiz:

$$2z_1 - z = f(2x_1 - x; 2y_1 - y). \quad (3)$$

(3) tenglikni chap tomoni  $z$  ga nisbatan birinchi darajali ko'pxadni hosil qildik. Agar umumiy holda (3) tenglikni chap tomonini  $g(2z_1 - z)$  deb belgilasak, u holda quyidagi tenglik hosil bo'ladi:

$$g(2z_1 - z) = f(2x_1 - x; 2y_1 - y). \quad (4)$$

(4) tenglik umumiy holdagi har qanday egri chiziqning umumiy tenglamasini beradi. Bu (4) tenglik  $g(z) = f(x; y)$  egri chiziqni  $M(x_1; y_1; z_1)$  nuqtaga nisbatan simmetrik ko'chirish masalasi yechimini beradi.

Biz qidirayotgan masala yechimi ham (4) tenglikdan kelib chiqadi. Ya'ni uni yechimi quyidagicha bo'ladi:

$$(2x_1 - x)^2 + (2y_1 - y)^2 + (2z_1 - z)^2 + a_{13}(2x_1 - x) + a_{23}(2y_1 - y) + a_{33}(2z_1 - z) + a_{44} = 0. \quad (5)$$

(5) tenglik (1) tekislikda sferani  $M(x_1; y_1; z_1)$  nuqtaga nisbatan simmetrik ko'chirish masalasi yechimini beradi.

#### Adabiyotlar:

1. Латипов Х. «Аналитик геометрия ва чизикли алгебра» Т. «Ўзбекистон» 1995

## TO INVESTIGATE THE INTERACTION OF NONLINEAR HEAT DISSIPATION PROCESS AND NONLINEAR ENVIRONMENT MOVEMENT SPEED BY THE METHOD OF VARIABLE DIRECTIONS

*A.U. Mamatov*

*National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek*

**Annotation.** This work, exploring the effect of the process of nonlinear thermal conductivity and the speed of nonlinear environment by the variable direction style. The aim of this work is to describe nonlinear thermal conductivity equation linear by diffusion equation. During doing this process, the exact result is taken by building of the equation automodel solution. In this article is taken following result: it has been built automodel solution for nonlinear thermal conductivity equation, from taken automodel solution has been chosen initial function for the condition of Koshi equation. Used the driving method in numbered modeling, during the process of exploration, many results were taken by C#, Mathcad and Matlab and finally presented as graphic forms.

**Key words:** thermal conductivity, nonlinear thermal conductivity equation, speed of nonlinear environment, unevident diagrams, approximation, variable directions, the boundary exercise.

#### Problem the issue, the solution and the results obtained

$Q = \{(t, x): 0 < t < T, a < x < b, c < y < d\}$  let's see the following issue in the field

$$\frac{\partial u}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial x} \left( u^{m-1} \left| \frac{\partial u^k}{\partial x} \right|^{p-2} \frac{\partial u}{\partial x} \right) - v(y, x, u) \frac{\partial u}{\partial x} + \varepsilon u^\beta \quad (1)$$

$$u(x, 0) = u_0(x) \geq 0, a < x < b, c < y < d \quad (2)$$

$$\begin{cases} u(t, a) = \varphi_1(t) \\ u(t, b) = \varphi_2(t) \end{cases}, \begin{cases} u(t, c) = \phi_1(t) \\ u(t, d) = \phi_2(t) \end{cases}, t > 0 \quad (3)$$

here  $m \neq 1, k \neq 0, p \neq 2, \beta \in R^N$  - parameters,  $D\left(y, x, u, \frac{\partial u}{\partial x}\right) = u^{m-1} \left| \frac{\partial u^k}{\partial x} \right|^{p-2}$  - diffusion coefficient,  $\sup_{mess} u(x, y) < \infty, u = u(x, y) \geq 0$  the solution sought,  $u_0(x)$ - initial temperature,  $\varphi_i(t), \phi_i(t)$ - non-negative functions,  $v(y, x, u)$ - environment speed,  $\varepsilon$ - coefficient,  $T, a, b, c, d$ - given numbers.

The equation (1) represents a series of physical processes: reaction diffusion process in non-linear environment, the process of heat dissipation in a non-uniform non-linear environment, expressing the filtration of liquid and gas in a non-linear environment, they represent the existence of the law of politrropy and other non-linear displacement.  $\varepsilon u^\beta$  had ( $\varepsilon = 1$ ) of the source or ( $\varepsilon = -1$ ) corresponding to the presence of ingestion, its capacity is equal  $u^\beta$  to,  $v(y, x, u) \frac{\partial u}{\partial x}$  suitable for the  $v(y, x, u)$  movement of the environment with speed.

The Koshi issue and boundary value issues for the equation (1) have been observed by many authors in one-dimensional and multi-dimensional situations [1-5].  $\varepsilon = \pm 1$  da  $D\left(y, x, u, \frac{\partial u}{\partial x}\right)$  some private values of the parameter were studied in [2-4].

In the processes expressed in the equation (1), the phenomenon of finite distribution of temperature occurs [4]. In the presence of an absorption coefficient, the “rear” front phenomenon can occur, that is, the left front can stop after a certain time and move along the movement of the environment.

In different values of parameters for the (1)-(3) case,  $D\left(y, x, u, \frac{\partial u}{\partial x}\right), u^\beta$  depending on the functions and,  $v(y, x, u)$  different solutions may appear (limited speed, localized, globalition and others).

The solution of the equation (1) automodel is constructed as follows:

if the speed of the environment in the equation is considered constant  $\gamma$  ( $\gamma = const$ ), then (1) the equation will change as follows):

$$\frac{\partial u}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial x} \left( u^{m-1} \left| \frac{\partial u^k}{\partial x} \right|^{p-2} \frac{\partial u}{\partial x} \right) - v(y, x, u) \frac{\partial u}{\partial x} + \varepsilon u^\beta$$

(1) the source  $u^\beta$  in the equation is linear as follows:

$$\frac{d\bar{u}}{dt} = -\bar{u}^\beta$$

As a result (1) the equation changes as follows:

$$\bar{u}(t) = [T + (\beta - 1) t]^{-\frac{1}{\beta-1}}$$

We are looking for the automodel solution in the following view:

$$u(t, x) = \bar{u}(t) \cdot w(\eta(t, x), \tau(t))$$

(1) there are 3 cases in  $m, k, p$  relation to the equation:

$$\tau(t) = \begin{cases} \frac{[T + (\beta - 1)t]^{\frac{\beta - (m+k(p-2))}{\beta - 1}}}{\beta - (m+k(p-2))}; & \text{if } \beta \neq m+k(p-2) \\ \frac{1}{\beta - 1} \ln |T + (\beta - 1)t|; & \text{if } \beta = m+k(p-2) \\ t + c; & \text{if } m+k(p-2) = 1 \end{cases}$$

$\eta_x = 1$  and  $w(\eta, \tau) = f(\xi)$  is introduced into the sit-ups and as a result the following autodel solution is found:

$$u_A(t, x) = [T + (\beta - 1)t]^{-\frac{1}{\beta - 1}} \cdot \left( a - b \left( \frac{\gamma t + x}{\sqrt[p]{\tau(t)}} \right)^{\frac{p}{p-1}} \right)_+^{\frac{p-1}{k(p-2)+m-1}}$$

The optional nonlinear heat dissipation equation can be described by the method of changing directions as follows:


$$u_t = u_{xx} + u_{yy} + f(x, y, t), \quad (x, y, t) \in (0, L) \times (0, M) \times (0, T) \quad (1)$$

$$u(x, y, 0) = \psi(x, y), \quad (x, y) \in [0, L] \times [0, M], \quad (2)$$

$$u(x, y, t) = \varphi(x, y, t), \quad (x, y) \in \Gamma, 0 < t \leq T, \quad (3)$$


here  $f(x, y, t)$  - the heat source;  $\psi(x, y)$ ,  $\varphi(x, y, t)$  - given functions;  $L, M, T$  - given numbers, (2) - the initial condition, (3) - the boundary condition.

The appearance of the method of variable directions is shown in the picture below.



The given equation is approximated using the Union of two separable schemes, each of which will have a certain spatial direction. The visualization process of the given issue was completed using the C# program and the following results were obtained:

$t=10, k=1.7, p=3, m=1.5$



### References:

1. Aripov M.M., Muhammadiev J.U. Asymptotic behaviour of automodel solutions for one system of quasilinear equations of parabolic type. Buletin Stiintific – Universitatea din Pitesti, Seria Matematica si Informatica, no. 3, 1999, 19-40.
2. Арипов М.М. Методы эталонных уравнений для решения нелинейных краевых задач. Tashkent, Fan, 1978.
3. Aripov M.M. Asymptotics of Solutions of the non-Newton Polytrophic Filtration Equations. // ZAMM, vol.80, supl.3, 2000, 767-768.
4. Иванов В.Т., Лубышев В. Ф., Деркеч А.С., Меркушан В.Г. Методы совместных расчетов электрических и тепловых полей в электрохимических системах. – Москва.: Наука, 1978, 3-31.
5. Зельдович Я.Б., Компанец А.С. К теории распространения тепла при теплопроводности, зависящей от температуры. Сборник, посвященный 70-летию акад. А.Ф. Иоффе. М. 1950, 61-71.
6. Самарский А.А. Теория разностных схем. – Москва.: Nauka, 1977, 656

## ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОЦЕССОВ ФИЛЬТРАЦИИ С ПРОЦЕССАМИ ТЕПЛОВЫДЕЛЕНИЯ В НЕЛИНЕЙНОЙ СРЕДЕ МЕТОДОМ ПЕРЕМЕННЫХ НАПРАВЛЕНИЙ

*А.У. Маматов*

*Национального университета Узбекистана имени Мирзо*

**Аннотация.** Эта работа посвящена исследованию процесса нелинейного рассеивания тепла и взаимодействия процессов фильтрации в нелинейной среде с помощью метода переменных направлений. Основная цель работы-изучить, зависит ли от фильтрации процессов неравномерного тепловыделения. В процессе выполнения этой работы был получен результат путем построения уравнения автомодельного решения. В статье были получены следующие результаты: построение автомодельного решения для нелинейного уравнения тепловыделения, выбор исходной функции для исходного условия запуска из полученного автомодельного решения, использование метода вождения при числовом моделировании, получение результатов через программы C#, Matcad и Matlab в процессе запрета и графическое представление.

**Ключевые слова:** теплоотдача, нелинейное уравнение теплоотдачи, нелинейная среда, непрозрачные схемы, аппроксимация, переменные направления, пограничная задача.

### Постановка вопроса, решение и полученные результаты

Давайте посмотрим на следующий вопрос в области:  
 $Q = \{(t, x): 0 < t < T, a < x < b, c < y < d\}$

$$\frac{\partial u}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial x} \left( |x|^n u^{m-1} \left| \frac{\partial u^k}{\partial x} \right|^{p-2} \frac{\partial u^l}{\partial x} \right) - v(y, x, u) \frac{\partial u}{\partial x} + \gamma(x, y) u^\beta \quad (1)$$

$$u(x, 0) = u_0(x) \geq 0, a < x < b, c < y < d \quad (2)$$

$$\begin{cases} u(t, a) = \varphi_1(t) \\ u(t, b) = \varphi_2(t) \end{cases}, \begin{cases} u(t, c) = \phi_1(t) \\ u(t, d) = \phi_2(t) \end{cases}, t > 0 \quad (3)$$

здесь  $m \neq 1, p \neq 2, k \neq 1, l \neq 1, n > 1, \beta > 0 \in R^N$  - параметры,

$D\left(y, x, u, \frac{\partial u}{\partial x}\right) = u^{m-1} \left| \frac{\partial u^k}{\partial x} \right|^{p-2}$  - коэффициент диффузии,  $\sup_{mess} u(x, y) < \infty$ ,

$u = u(x, y) \geq 0$  поисковое решение,  $u_0(x)$  - начальная температура,  $\varphi_i(t), \phi_i(t)$  - отрицательные функции,  $v(y, x, u)$  - скорость окружающей среды,  $\varepsilon$  - коэффициент,  $T, a, b, c, d$  - данные числа.

(1) уравнение представляет собой ряд физических процессов: процесс диффузии реакции в нелинейной среде, процесс рассеивания тепла в нелинейной среде, фильтрация жидкости и газа в нелинейной среде, представляя собой закон политрапии и присутствие других нелинейных перемещений.  $\varepsilon u^\beta$  выражение ( $\varepsilon = 1$ ) соответствует наличию источника или ( $\varepsilon = -1$ ) поглощения и соответствует его мощности, а также движению среды со скоростью.

(1) вопрос коси и пограничные вопросы для уравнения наблюдаются многими авторами в единичных и многомерных случаях [1-5].  $\varepsilon = \pm 1$  в  $D\left(y, x, u, \frac{\partial u}{\partial x}\right)$  некоторых частных значениях параметра [2-4] изучены.

(1) в процессах, выраженных уравнением, происходит предельное явление рассеивания температуры [4]. При наличии коэффициента поглощения может произойти "заднее" событие фронта, то есть левый фронт может остановиться через определенное время и двигаться по окружающему движению.

(1) - (3) в различных значениях параметров для задачи, в зависимости от функций  $D\left(y, x, u, \frac{\partial u}{\partial x}\right)$ ,  $u^\beta$  и  $v(y, x, u)$  могут возникнуть различные решения (ограниченная скорость, локализованная, глобализованная и т. д.).

(1) решение уравнения автомобиль строится следующим образом:

(1) если скорость окружения в уравнении рассматривается как неизменяемая  $\gamma$  ( $\gamma = const$ ), то (1) уравнение изменяется следующим образом:

$$\frac{\partial u}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial x} \left( |x|^n u^{m-1} \left| \frac{\partial u^k}{\partial x} \right|^{p-2} \frac{\partial u^l}{\partial x} \right) - v(y, x, u) \frac{\partial u}{\partial x} + \gamma(x, y) u^\beta$$

(1) источник  $u^\beta$  в уравнении будет линейным следующим образом:

$$\frac{d\bar{u}}{dt} = -\gamma(t) \bar{u}^\beta$$

В результате (1) уравнение изменяется следующим образом:

$$\bar{u}(t) = \left[ T + (\beta - 1) \int_0^1 \gamma(\eta) d\eta \right]^{-\frac{1}{\beta-1}}$$

Мы ищем автомодельного решение следующим образом:

$$u(t, x) = \bar{u}(t) \cdot w(\mu(t, x), \tau(t))$$

В качестве  $\mu_x = 1$  и  $w(\mu, \tau) = f(\xi)$  вводится шлифовальный станок, в результате которого обнаружен следующий автомобильный раствор:

$$u_A(t, x) = \left[ T + (\beta - 1) \int_0^1 \gamma(\eta) d\eta \right]^{-\frac{1}{\beta-1}} \cdot A \left( c - \xi^{\frac{p}{p-1}} \right)_+^{\frac{p-1}{m+l+k(p-2)-2}}$$

Необязательное уравнение неравномерного тепловыделения можно описать методом переменных направлений следующим образом:


$$u_t = u_{xx} + u_{yy} + f(x, y, t), \quad (x, y, t) \in (0, L) \times (0, M) \times (0, T) \quad (1)$$

$$u(x, y, 0) = \psi(x, y), \quad (x, y) \in [0, L] \times [0, M], \quad (2)$$

$$u(x, y, t) = \varphi(x, y, t), \quad (x, y) \in \Gamma, 0 < t \leq T, \quad (3)$$


Здесь  $f(x, y, t)$  - источник тепла;  $\psi(x, y), \varphi(x, y, t)$  - заданные функции;  $L, M, T$  - заданные числа, (2) - начальное условие, (3) - предельное условие.

Внешний вид метода переменных направлений приведен на рисунке ниже.



Данное уравнение будет аппроксимироваться с помощью комбинации двух дифференциальных схем, каждая из которых будет иметь определенную пространственную направленность. Визуализация данного вопроса была выполнена с помощью программы C#, и были получены следующие результаты:

$$t=7, k=1.75, p=3, l=2$$



### Литературы:

1. Aripov M.M., Muhammadiev J.U. Asymptotic behaviour of automodel solutions for one system of quasilinear equations of parabolic type. Buletin Stiintific – Universitatea din Pitesti, Seria Matematica si Informatica, no. 3, 1999, 19-40.
2. Арипов М.М. Методы эталонных уравнений для решения нелинейных краевых задач. Tashkent, Fan, 1978.
3. Aripov M.M. Asymptotics of Solutions of the non-Newton Polytrophic Filtration Equations. // ZAMM, vol.80, supl.3, 2000, 767-768.
4. Иванов В.Т., Лубышев В. Ф., Деркеч А.С., Меркушан В.Г. Методы совместных расчетов электрических и тепловых полей в электрохимических системах. – Москва.: Наука, 1978, 3-31.
5. Зельдович Я.Б., Компанец А.С. К теории распространения тепла при теплопроводности, зависящей от температуры. Сборник, посвященный 70-летию акад. А.Ф. Иоффе. М. 1950, 61-71.
6. Самарский А.А. Теория разностных схем. – Москва.: Nauka, 1977, 656

## TA'LIM JARAYONIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

*N.K. Bahodirov, J.D. Amirov*

*FarPI*

Hozirgi kunda ta'lim tizimini rivojlantirish davlat siyosatining asosiy maqsadlaridan biri sifatida e'tirof etilmoqda. Bugun hayotimizning hal etuvchi muhim masalalari qatorida ta'lim tizimini tubdan o'zgartirish, uni zamon talabi darajasiga ko'tarish asosiy o'rinni egallaydi. Mustaqillikning dastlabki kunlaridan boshlab ta'lim tizimini rivojlantirish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi sifatida e'tirof etilgan. Chunki jamiyatning yangilanishi, hayotimiz taraqqiyoti va istiqboli, amalga oshirilayotgan islohotlar samarasi taqdiri, Respublika mustaqilligi va bozor iqtisodiyotiga mos ijtimoiy-iqtisodiy siyosatni shakllantirish-bularning barchasi zamon talablariga javob beradigan yuqori malakali mutaxassis kadrlar tayyorlash muammosi bilan chambarchas boq'liq. Kadrlar tayyorlash milliy dasturini amalga oshirishdagi asosiy tamoyillardan biri - bu ta'lim tizimini tuzilish va mazmun jihatidan isloh qilish uchun o'qituvchi va murabbiylarni qayta tayyorlash, yuqori malakali, raqobatga qodir mutaxassislar tayyorlash bo'yicha ta'lim muassasalarining faoliyatini uyg'unlashtirish, ilg'or pedagogik texnologiyalarni, pedagogik innovatsiyalarni ta'lim jarayoniga kiritish hisoblanadi. Ammo ilg'or pedagogik texnologiyalar va innovatsiyalar o'z-o'zidan ta'lim tizimiga kirib kelmaydi. Bu o'qituvchi faoliyati va uning motivatsiyasiga boq'liq jarayon. O'qituvchi faoliyatini o'zgartirmay turib, uning mas'uliyati va faolligini oshirmasdan ta'limda bir qadam oldinga siljib bo'lmaydi. Bugungi kunda pedagogika sohasida yangi ilmiy yo'nalish - pedagogik innovatsiya va ta'lim jarayonini yangilash g'oyalarining paydo bo'lishi natijasida o'qituvchining pedagogik faoliyatida ham yangi yo'nalish «o'qituvchining innovatsion faoliyati» tushunchasi paydo bo'ldi. Innovatsion

faoliyat – pedagogning o`z kasbini takomillashtirishdagi mavjud shakl va vositalarni egallashga ijodiy yondashuvini nazarda tutadi. Ta'limdagi innovatsiyalar va innovatsion pedagogik faoliyat haqida barqaror va hammaga ma'qul bo`lgan ilmiy tasavvurlar va tasniflar shu paytgacha mukammal tarkib topgan emasligini ham e'tirof etish lozim. Bunday holatning asosiy sabablaridan biri ta'limga yo`naltirilgan ilmiy bilimlar tizimlari o`rtasidagi qiyinchilik bilan yengib o`tiladigan uzilishlardir. Yana kattaroq sabab esa ta'limiy bilim va amaliy pedagogik faoliyat o`rtasidagi uzilishdir.

Innovatsion faoliyat – uzluksiz ravishda yangiliklar asosida ishlash bo`lib, u uzoq vaqt davomida shakllanadi va takomillashib boradi. O`qituvchi innovatsion faoliyati xususiyatlarini o`rganib chiqqan pedagog olimlar fikrlariga tayangan holda, quyidagilarni innovatsion faoliyatning asosiy belgilari deb hisoblash mumkin:

ijodiy faoliyat falsafasini egallashga intilish;

pedagogik tadqiqot metodlarini egallash;

mualliflik kontseptsiyalarini yaratish qobiliyati;

tajriba-sinov ishlarini rejalashtirish va amalga oshira olish;

o`zidan boshqa tadqiqotchi-pedagoglarning tajribalarini qo`llay olish;

hamkasblar bilan hamkorlik;

fikr almashish va metodik yordam ko`rsata olishlik;

ziddiyatlarning oldini olish va bartaraf etish;

yangiliklarni izlab topish va ularni o`z sharoitiga moslashtirib borish.

«Innovatsion faoliyat – bu yangi ijtimoiy talablar bilan an'anaviy me'yorlarning mos kelmasligi, yoxud amaliyotning yangi shakllanayotgan me'yoring mavjud me'yor bilan to`qnashuvi natijasida vujudga kelgan majmual muammolarni yechishga qaratilgan faoliyatdir», – deb ta'kidlaydi V.I.Slobadchikov. Innovatsion faoliyat bu amaliyot va nazariyaning muhim qismi bo`lib, ijtimoiy-madaniy ob'ekt sifatlarini yaxshilashga qaratilgan ijtimoiy sub'ektlarning harakat tizimi bo`lib, u ma'lum doiradagi muammolarni yechish qobiliyatigina emas, balki har qanday vaziyatdagi muammolarni yechish uchun motivatsion tayyorgarlikka ega bo`lishdir.

Xulosa qilib aytganimizda, innovatsion faoliyat – bu ilmiy izlanishlar, ishlanmalar yaratish, tajriba – sinov ishlari olib borish yoki boshqa fan-texnika yutuqlaridan foydalangan holda yangi texnologik jarayon yoki yangi takomillashtirilgan mahsulot yaratish bo`lib, uning progmatik xususiyati shundaki, u g`oyalar maydonida ham va alohida bir sub'ektning harakat maydonida ham amalga oshirilmaydi, balki bu faoliyatni amalga oshirish tajribasi kishilar hayotida hammabop bo`ladigan holdagina haqiqiy innovatsion hisoblanadi.

Innovatsion faoliyatning asl mazmuni amalda yangi texnologiyaning shakllanishi bo`lib, uning natijasi innovatsiya sifatida yuzaga kelgan ixtironi–loyihaga, loyihani – texnologiyaga aylantirishga yo`naltirilgan faoliyatdir. Innovatsion faoliyatda ilmiy tasavvurlar akademik ilm mantiqi bo`yicha tug`ilmaydi, balki rivojlanish jarayonining modifikatsiyalari qo`llab-quvatlanishi natijasida rivojlanayotgan amaliyot mulohazasidan paydo bo`ladi.

### Adabiyotlar:

1. Uzluksiz ta`lim sifat va samaradorligini oshirishning nazariy-uslubiy muammolar. Ilmiy konferensiya materiallari. – Samarqand: SamDU nashri.
2. F.Zakirova va boshq.Elektron o`quv-metodik majmualar va ta`lim resurslarini yaratish metodikasi. Metodik qo`lkanma, T.: OO`MTV, 2010. – 57b.

## FUNKSIYA TAQRIBIY QIYMATINI C++ DASTURLASH TILI YORDAMIDA $\varepsilon = 0.01$ ANIQLIKDA TOPISH

*D.F. G'aniyev, Sh. Salomiddinov*

*Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU Farg'ona filiali*

Aytaylik  $f(x)$  funksiya  $x=a$  nuqtaning atrofida berilgan bo`lib, shu atrofda istalgan tartibli hosilaga ega bo`lsin.

*Ta'rif.* Ushbu

$$f(a) + \frac{f'(a)}{1!}(x-a) + \frac{f''(a)}{2!}(x-a)^2 + \dots + \frac{f^{(n)}(a)}{n!}(x-a)^n + \dots \quad (1)$$

ko`rinishdagi qatorni  $f(x)$  funksiyaning  $(x-a)$  ayirmaning darajalari bo`yicha, boshqacha aytganda  $a$  nuqta atrofidagi *Taylor qatori* deyiladi.

*Izoh.* Bunda  $f(x)$  funksiyaning (1) qator yig`indisi bo`lishi shart emas.

Agar  $a=0$  bo`lsa, u holda Taylor qatori quyidagi ko`rinishga keladi:

$$f(0) + \frac{f'(0)}{1!}x + \frac{f''(0)}{2!}x^2 + \dots + \frac{f^{(n)}(0)}{n!}x^n + \dots \quad (2)$$

Taylor qatorining xususiy holi bo`lgan bu qator *Makloren qatori* deb yuritiladi.

Agar  $f(x)$  funksiya  $a$  nuqtaning biror atrofida  $(x-a)$  ayirmaning darajalari bo`yicha darajali qatorga yoyilsa, u holda bu qator funksiyaning  $a$  nuqta atrofidagi Taylor qatori bo`ladi.

Bu natija berilgan funksiyaning darajali qatorga yoyish haqidagi masalani yechishga oydinlik kiritadi. Chunki biz darajali qator koeffitsientlarining ko`rinishini bilamiz. Bundan esa  $f(x)$  funksiyaning  $(x-a)$  ayirmaning darajalari bo`yicha qatorga yoyish masalasini  $a$  nuqtada cheksiz marta differensiallanuvchi  $f(x)$  funksiya nisbatan aytish mumkinligi kelib chiqadi. Ammo bu shart  $f(x)$  funksiyaning Taylor qatoriga yoyishning zaruriy sharti bo`lib, yetarli emas.

Aytaylik,  $f(x)$  funksiyaning biror  $(a-r, a+r)$  intervalda cheksiz marta differensiallanuvchi bo`lsin. Bu funksiya va uning hosilalarining  $x=a$  nuqtadagi qiymatlarini hisoblab, Taylor qatorini yozib olamiz:

$$f(a) + \frac{f'(a)}{1!}(x-a) + \frac{f''(a)}{2!}(x-a)^2 + \dots + \frac{f^{(n)}(a)}{n!}(x-a)^n + \dots \quad (5)$$

Ushbu savolga javob izlaymiz: qachon tuzilgan qator  $(a-r, a+r)$  intervalda  $f(x)$  funksiya yaqinlashadi?

Berilgan  $f(x)$  funksiya  $(a-r, a+r)$  intervalda cheksiz marta differensiallanuvchi bo'lganligi sababli, shu intervaldan olingan ixtiyoriy  $x$  va istalgan  $n$  uchun Teylor formulasi o'rinli bo'ladi:

$$f(x) = f(a) + \frac{f'(a)}{1!}(x-a) + \frac{f''(a)}{2!}(x-a)^2 + \dots + \frac{f^{(n-1)}(a)}{(n-1)!}(x-a)^{n-1} + R_n(x)$$

, (6)

bu yerda  $R_n(x)$  bu formulaning qoldiq hadi. Shu formula yordamida yuqorida berilgan savolga javob berish mumkin. Quyida C++ dasturlash tilida dasturini keltiramiz.

1. ni hisoblash dasturi:

```
#include <iostream>

using namespace std;
double fakt(double a)
{
    if (a==0) return 1;
    else return a*fakt(a-1);
}
double daraja(double a,double i)
{
    if (i==0) return 1;
    if (i==1) return a;
    else return a*daraja(a,i-1);
}
int main()
{
    double x,m,a,i=1;
    cout << "ln(x) ni topish dasturi!" << endl;
    cout << "x="; cin>>x;
    if (x>1)
    {
        double k=(x-1)/(x+1);
        while (i<=12)
        {
            a+=2*(daraja(k,i)/i);
            i+=2;
        }
        cout << "a=" << a << endl;
    } else
    {
        double k=(x-1);
        while (i<=12)
        {
            a+=daraja(-1,i+1)*daraja(k,i)/i;
            i++;
        }
        cout << "a=" << a << endl;
    }
    return 0;
}
```

2.  $(1+x)^m$  ni hisoblash dasturi:

```
#include <iostream>
```

```

using namespace std;
double fakt(double a)
{
    if (a==0) return 1;
    else return a*fakt(a-1);
}
double daraja(double a,double i)
{
    if (i==0) return 1;
    if (i==1) return a;
    else return a*daraja(a,i-1);
}
int main()
{
    double x,m,a,i=1,l=0,s;
    cout << "(1+x)^m ni topish dasturi!" << endl;
    cout << "x="; cin>>x;
    cout << "m="; cin>>m;
    double k=(x-1)/(x+1);
    while (i<=12)
    {
        a+=2*(daraja(k,i)/i);
        i+=2;
    }
    a=(1/m)*a;
    while(l<=12)
    {
        s+=daraja(a,l)/fakt(l);
        l++;
    }
    cout << "Natija:" << s;
    return 0;
}

```

## **CHIZIQLI FUNKSIYALARNI NUQTAGA NISBATAN KO'CHIRISH MASALASINI MODULLI CHIZIQLI TENGLAMALAR METODI ORQALI YECHISH VA MASALA YECHIMINI Maple DASTURIDA KO'RISH**

*Z.Z. Xo'jaxonov, J.X. Yuldashev  
FarPI*

Bu ishda chiziqli funksiyani nuqtaga nisbatan simmetrik ko'chirish va masala yechimini Maple dasturi orqali tekshirib ko'rish berilgan.

Tekislikda berilgan

$$y = ax + b \tag{1}$$

to'g'ri chiziqni ordinata o'qiga parallel bo'lgan  $x = c$  to'g'ri chiziqqa nisbatan simmetrik ko'chirish masalasini biz quyida

$$y = |kx + l| + m$$

to'g'ri chiziq simmetriya chizig'i orqali topish metodi yordamida yechdik. Bunda bizga quyida grafiklari berilgan chizmada (1) to'g'ri chiziq  $x = c$  to'g'ri

chiziqqa nisbatan simmetrik bo'lgan to'g'ri chiziqni  $y = a_1x + b_1$  (2) ko'rinishda izlasak. Quyidagi grafikdan ko'rinib turibdiki (1) va (2) to'g'ri chiziqlar bir paytda ham  $x = c$  to'g'ri chiziqqa nisbatan, ham  $y = d$  to'g'ri chiziqqa nisbatan o'zaro simmetrik to'g'ri chiziqlar.  $y = d$  to'g'ri chizig'ning yuqorisida berilgan quyidagi

$$y = |a(x - c) + ac| + b$$

to'g'ri chiziq  $x \in (-\infty; c)$  oraliqda

$$|a(x - c)| + ac + b = ax + b$$

ga,  $x \in (c; +\infty)$  oraliqda esa

$$|a(x - c)| + ac + b = a_1x + b_1$$

ga teng.  $y = d$  to'g'ri chizig'ning yuquyida berilgan quyidagi

$$y = -|a(x - c) + ac| + b$$

to'g'ri chiziq  $x \in (-\infty; c)$  oraliqda

$$-|a(x - c)| + ac + b = a_1x + b_1$$

ga,  $x \in (c; +\infty)$  oraliqda esa

$$-|a(x - c)| + ac + b = ax + b$$

ga teng. Demak,  $y = ax + b$  (1) to'g'ri chiziq va  $y = a_1x + b_1$  (2) to'g'ri chiziq bilan  $d = ac + b$  tenglik o'rinli bo'lgani uchun (1) va (2) to'g'ri chiziqlarni bir paytda ham  $x = c$  to'g'ri chiziqqa nisbatan, ham  $y = d$  to'g'ri chiziqqa nisbatan simmetrik ekanligidan,  $y = a_1x + b_1$  (2) to'g'ri chiziq quyidagi to'g'ri chiziqqa teng bo'ladi:

$$a_1x + b_1 = -ax + 2ac + b$$

Demak, tekislikda berilgan  $y = ax + b$  (1) to'g'ri chiziqni ordinata o'qiga parallel bo'lgan  $x = c$  to'g'ri chiziqqa nisbatan simmetrik to'g'ri chiziq

$$y = -ax + 2ac + b$$

ga teng.  $y = d$  to'g'ri chiziqqa nisbatan simmetrik to'g'ri chiziq esa  $c = \frac{d-b}{a}$  ekanligidan

$$y = -ax + 2d - b$$

ga teng bo'ladi.


Agar tekislikda  $M(c; d)$  nuqtaga nisbatan  $y = ax + b$  (1) to'g'ri chiziqni simmetrik ko'chiradigan bo'lsak, quyidagi to'g'ri chiziq hosil bo'lar ekan:

$$y = ax - 2ac + 2d - b$$

Bu formulalardan foydalanib  $y = \frac{1}{3}x + 2$  to'g'ri chiziqni  $M(1; 1)$  nuqtaga nisbatan simmetrik ko'chirgan  $y = \frac{1}{3}x - \frac{2}{3}$  to'g'ri chiziqlar grafigini Maple dasturi yordamida chizib ko'rishimiz mumkin.

> **with (plots) :**

**animate ( {1/3\*x+2, 1/3\*x-2/3}, x=-3..3, u=1..5 );**



## ДИЭЛЕКТРИКДАГИ ЭЛЕКТР МАЙДОНИ

А.А. Қосимов, Т.Т. Мирзаев

Фарғона “Темурбеклар мактаби” Харбий академик лицей

Диэлектрик ичидагии электр майдонини боғланган ва эркин зарядлар вужудга келтиради. Диэлектрик ичидаги натижавий майдон

$$\vec{E} = \vec{E}_0 + \vec{E}' \quad (1)$$

бунда  $\vec{E}_0$  – эркин зарядлар ҳосил қилган майдон кучланганлиги  $\vec{E}'$  – боғланган зарядлар ҳосил қилган майдон кучланганлиги.

Гаусс теоремасига асосан диэлектрикдаги берк сирт орқали кучланганлик векторининг оқими

$$\Phi_E = \oint_S E_n dS = 1/\epsilon_0 (\sum q_i + \sum q'_i) \quad (2) \quad \text{ёки}$$

$$\oint (\epsilon_0 \vec{E})_n dS = \epsilon_0 \Phi_E = \sum q_i + \sum q'_i \quad (3) \quad \text{Маълумки}$$

$$\Phi_P = - \sum q'_i \quad (4) \quad \text{У ҳолда}$$

$$\epsilon_0 \Phi_E + \Phi_P = \sum q_i = \oint_S \epsilon_0 E_n dS + \oint_S P_n dS = \oint_S (\epsilon_0 \vec{E} + \vec{P}) d\vec{s}$$

$\epsilon_0 \vec{E} + \vec{P} = \vec{D}$  бу ерда  $\vec{D}$  векторни электр индукция вектори дейилади.

$$\Phi_D = \epsilon_0 \Phi_E + \Phi_P = \oint_S D_n dS = \sum q_i$$

Бу ифода электр индукцияси вектори учун Гаусс теоремаси

$$\Phi_D = \oint_S D_n dS = \sum q_i \quad (5)$$

бўлади ва қуйидагича таъриф ланади: электр индукция векторининг ёпиқ сирт орқали оқими шу сирт ичида жойлашган эркин зарядларнинг алгебраик йиғиндисига тенг.

Демак, электр индукцияси  $\vec{D}$  фақат эркин зарядлар вужудга келтирадиган майдонни ифодалайди. (6) формулани қуйидагича ёзиш мумкин


$$\vec{D} = \epsilon_0 \vec{E} + \vec{P} = \epsilon_0 \vec{E} + \chi \epsilon_0 \vec{E} = \vec{E} \epsilon_0 (1 + \chi) = \epsilon_0 \epsilon \vec{E} \quad (7)$$

$$\text{бу ерда} \quad \epsilon = 1 + \chi \quad (8)$$

диэлектрик сингдирувчанлигидир. Вакуумда  $\epsilon = 1$ , чунки  $\chi = 0$ .

$$\text{У ҳолда} \quad \vec{D} = \epsilon_0 \vec{E}_0 \quad (9)$$

(7) ва (9) га асосан  $1 = E_0 / \epsilon E$  ёки  $\epsilon = E_0/E$ ,  $\epsilon$  - электр майдонига киритилган диэлектрик ичидаги майдон вакуумдаги майдонга нисбатан неча марта сусайишини ифодалайди.



4.5-расм

Демак, электр майдонини  $\vec{E}$  билан ёки  $\vec{D}$  билан ҳам ифодалаш мумкин. Лекин,  $\vec{D}$  дан фойдаланишнинг сабаби нима? Бунини тушунтириш учун 4.5-расмда кўрсатилгандек диэлектриклар тизимини олайлик, Бундаги диэлектрикларнинг харбиридаги майдон кучланганликлари куйидагича бўлади:

$$E_1 = E_0/\epsilon_1; \quad E_2 = E_0/\epsilon_2; \quad E_3 = E_0/\epsilon_3;$$

Электр индукция векторлари эса мос ҳолда куйидагиларга:

$$D_1 = \epsilon_0 \epsilon_1 E_1 = \epsilon_0 \epsilon_1 (E_0/\epsilon_1) = \epsilon_0 E_0 \quad D_2 = \epsilon_0 \epsilon_2 E_2 = \epsilon_0 \epsilon_2 (E_0/\epsilon_2) = \epsilon_0 E_0$$

$$D_3 = \epsilon_0 \epsilon_3 E_3 = \epsilon_0 \epsilon_3 (E_0/\epsilon_3) = \epsilon_0 E_0 \quad \text{тенг бўлади.}$$

Демак  $\vec{E}$  нинг қиймати турли диэлектрикларда турлича, лекин,  $\vec{D} = \text{const}$ , яъни ўзгармасдан қолади. Шунинг учун турли жисмлардаги электр майдонини ҳисоблашда  $\vec{D}$  дан фойдаланиш кулай, чунки,  $\vec{E}$  вектор ихтиёрий заряддан, яъни боғланган ва эркин зарядлардан бошланиши ва уларда тугаши мумкин,  $\vec{D}$  вектор эса фақат эркин зарядлардан бошланади ва уларда тугайди.

#### Адабиётлар:


1. М.Абдуллаев. Физика. 1989 й, 6 боб.
2. А.А.Детлаф, Б.М.Яворский. Курс физики. 1989 г, §§ 14.1-14.2
3. О.Ахмаджонов. Физика курси. 2 к. 1988. й. §§ 4.
4. Т.И.Трофимова. Курс физики. 1985 г. §§ 81-82.3

## ДИЭЛЕКТРИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚУТБЛАНИШИ

А.А. Қосимов, Т.Т. Мирзаев

Фарғона “Темурбеклар мактаби” Харбий академик лицей

Ўзидан ток ўтказмайдиган жисмларни диэлектриклар (изоляторлар) деб аталади. Идеал изоляторлар табиатда мавжуд эмас, лекин бу жисмлар ўтказгичларга қараганда  $10^{15}$ - $10^{20}$  марта кам ток ўтказди.



4.1-расм

Агар диэлектрикни электр майдонига олиб кирсак, майдон ҳам , диэлектрик ҳам ўзгаради. Бундай ҳолни тушиниш учун атом ва молекулалар таркибида мусбат зарядланган ядро ва манфий зарядланган электрон борлигини этиборга олишимиз керак.

Ҳар қандай молекула, натижавий заряди нолга тенг бўлган системадан иборат. Бунга электр дипол мисол бўла олади.

Электр майдони атом ва молекулалардаги боғланган зарядларга ҳам Маълум даражада таъсир кўрсатади. Бу ҳолни дипол мисолида кўрайлик. Агар электр майдони бир жинсли бўлса, зарядларга таъсир қилувчи кучлар

$$\left. \begin{aligned} \vec{F}_+ &= +q\vec{E} \\ \vec{F}_- &= -q\vec{E} \end{aligned} \right\} \quad (1) \quad \text{сон жиъатидан ўзаро тенг бўлиб,}$$

диполга

$$M = F\ell \cos\alpha = qE\ell \cos\alpha = pE \cos\alpha \quad (2) \quad \text{жуфт куч моменти таъсир этади.}$$

Агар майдон бир жинсли бўлмаса,  $\vec{M}$  дан ташқари диполга

$\vec{F}_+ + \vec{F}_- = \vec{F}$  куч таъсир этиб, бу куч диполни кучланганлик йўналган томонга қараб ҳаракатга келтиради. Куч моменти  $\vec{M}$  эса дипол моменти  $p$  ни ташқи майдон кучланганлиги  $E$  нинг йўналиши бўйлаб жойлаштиради.

Агар мусбат зарядларнинг маркази манфий зарядлар маркази билан устма-уст тушса, молекулани қутбсиз, аксинча бўлса, бундай молекулани қутбли молекула дейилади. Қутбсиз молекулаларга  $H_2$ ,  $O_2$ ,  $N_2$  (симметрик), қутбли молекулаларга  $CO$ ,  $NH_3$ ,  $H_2O$ ,  $SO_2$  (симметрик бўлмаган) лар мисол бўла олади. Ташқи электр майдони таъсирида қутбсиз молекула зарядлари бир-бирига нисбатан силжийди; мусбат зарядлар майдон йўналишида, манфий зарядлар эса қарама-қарши йўналишда силжийди. Натижада, молекула  $p$  дипол моментига эга бўлади, аксинча  $p = 0$  (яъни  $\ell = 0$ ). Демак, майдон таъсирида молекула қутбланади. Бу қутбланиш электрон орбиталарининг ядрога нисбатан силжиши натижасида содир бўлаётганлиги учун деформацион қутбланиш (электрон қутбланиш) ва бундай молекулани эса эластик дипол деб аталади.

Қутбли молекулалардан иборат бўлган диэлектриклар электр майдони таъсирига учрамагунча, улар молекулаларининг дипол моментлари тартибсиз йўналган бўлаганлиги туфайли, натижавий дипол момент вектори  $\sum p_i = 0$  нолга тенг бўлади. Шунинг учун  $\vec{E} = 0$  бўлса, диэлектрик ичида хусусий электр майдони бўлмайди. Бу диэлектрик, электр майдонга жойлаштирилса, унинг молекулалари майдон йўналишида бурилади ва уларнинг  $p$  дипол моментлари майдон  $\vec{E}$  бўйлаб жойлашади.  $p$  нинг қиймати  $\vec{E}$  га боғлиқ эмас, шунинг учун қутбли молекулаларни ноэластик дипол деб юритилади. Бундай қутбланиш ориентацион қутбланиш ёки дипол қутбланиш дейилади ва у температурага тескари пропорционал равишда камаяди. чунки температура ортиши билан диполларнинг хаотик ҳаракати кучайиб, тартиб бузилади.

Учинчи гуруҳ диэлектрикларга  $NaCl$ ,  $KCl$ ,  $KBr$ , ... кристаллари киради. Уларнинг молекулалари ион тузилишига эга. Ташқи электр майдон бундай диэлектрикларда мусбат ионларни майдон йўналишида, манфий ионларни эса майдонга тескари йўналишда силжитади. Бундай қутбланишни ионли қутбланиш дейилади.

#### Адабиётлар:

1. М.Абдуллаев. Физика. 1989 й, 6 боб.
2. А.А.Детлаф, Б.М.Яворский. Курс физики. 1989 г, §§ 14.1-14.2
3. О.Ахмаджонов. Физика курси. 2 к. 1988. й. §§ 4.

4. Т.И.Трофимова. Курс физики. 1985 г. §§ 81-82.

## КОНДЕНСАТОРЛАР

А.А. Қосимов, Х.Х. Рахматуллаев

Фарғона “Темурбеклар мактаби” Харбий академик лицей

Яккаланганлик шарти бузилганда ўтказгичнинг сифими қандай ўзгаришини аниқлаш учун унинг яқинига бошқа бир ўтказгични жойлаштирамиз. Соддалик учун яккаланган мусбат зарядланган А шар ёнига бошқа ихтиёрий ўтказгични яқинлаштирамиз.

Бизга Маълумки, яккаланган металл шарчанинг заряди унинг сирти бўйича бир текис тақсимланган бўлади. Шарнинг марказидан бирор R масофада жойлашган M нуқтадаги майдон потенциали  $\varphi = q/4\pi\epsilon_0\epsilon r$  ифода билан аниқланади.

Шарчадаги q заряд ҳосил қилган электр майдон таъсирида унга яқинлашган ўтказгичнинг эркин зарядлари қайта тақсимланади (5.3-расм). Ўтказгичнинг шарчага яқин сиртида манфий, узоқ сиртида эса мусбат зарядлар индукцияланади. Мазкур индукцияланган зарядларнинг ўтказгич ичида ҳосил бўлган майдонини компенсациялаш учун шарчанинг ҳам заряди қайта тақсимланади. А ва В ўтказгичлардаги зарядларнинг қайта тақсимланиши оқибатида M нуқтадаги майдон кучланганлиги камаяди:


$$E' < E = q/4\pi\epsilon_0\epsilon r^2; \quad \varphi' = \int E' dr < \int E dr = q/4\pi\epsilon_0\epsilon r; \quad \varphi' < \varphi.$$

Демак, яккаланмаган ўтказгичнинг сифими доимо унинг яккаланган ҳолатдаги сифимидан катта бўлади. Бу ходисадан фойдаланиб заряд тўплашга имкон берадиган “Конденсатор” деб аталган қурилмалар ясалади. Ҳар қандай конденсатор икки ўтказгичдан иборат система бўлиб, ўтказгичларни унинг қопламалари дейилади. Қопламаларнинг геометрик шаклига қараб, уларни ясси, сферик ва цилиндрик конденсаторлар дейилади. Одатда конденсатор қопламалари бир-бирига нисбатан шундай жойлаштириладики, уларга миқдорлари бир хил ва ишоралари қарама-қарши заряд берилганда ҳосил бўладиган электр майдони қопламалар орасида мужассамлашган бўлади. Бунга қопламалар орасидаги масофа d ни, улар қопламаларнинг чизикли ўлчамларига нисбатан анча кичик қилиш йўли билан эришилади.


Ясси конденсатор сифими. Бир биридан d масофада жойлашган, ҳар бирининг юзаси S бўлган икки паралел металл пластинкалардан иборат системани ясси конденсатор дейилади (5.4-расм).  $\sqrt{S} \gg d$ , бўлгани учун конденсатор қопламаларини чексиз заряд

ланган текисликлар деб қараб, улар орасидаги майдон кучланганлигини  $E = \sigma/\epsilon_0$  ифода ёрдамида ҳисоблаш мумкин. У ҳолда қопламалар орасидаги потенциаллар айирмаси:

$$\varphi_1 - \varphi_2 = \sigma d/\epsilon_0\epsilon. \quad \text{Сифими эса} \quad C = \epsilon_0\epsilon S/d \quad (5.6) \quad \text{бўлади.}$$



5.4-расм.




5.5-расм.

Бунда  $\epsilon$  - қопламалар орасида жойлаштирилган диэлектрикнинг диэлектрик сингдирувчанилиги.

Конденсаторнинг сиғими унинг қопламалари орасидаги потенциаллар айырмасини бир бирликка ошириш учун қопламаларга қанча микдорда заряд бериш кераклигини кўрсатади.

Сферик конденсатор радиуслари  $R_2 > R_1$  бўлган иккита концентрик сфера шаклидаги қопламалардан иборат бўлади (5.5-расм).

Ички қопламага  $q > 0$ , ташқи қопламага эса  $q < 0$  заряд берилган бўлсин. Бизга Маълумки, зарядланган сфера фазаси ўзидан ташқарида электр майдон ҳосил қилади. Қопламалар мусбат ва манфий зарядлар билан зарядланганликлари учун улар томонидан ҳосил қилинган электр майдони ташқи қопламанинг ташқарисида бир-бирини йўқотади. Шунинг учун конденсатор қопламалари орасидаги майдон ички қопламанинг  $q$  заряди ҳосил қилган майдондан иборат бўлади:



5.6-расм.

$$E = \frac{q}{4\pi\epsilon_0\epsilon r^2}$$

$$\frac{d\varphi}{dr} = -E_r = -\frac{q}{4\pi\epsilon_0\epsilon r^2}$$

$$\varphi_2 - \varphi_1 = -\frac{q}{4\pi\epsilon_0\epsilon} \int_{R_1}^{R_2} \frac{dr}{r^2} = \frac{q}{4\pi\epsilon_0\epsilon} \left[ \frac{1}{R_2} - \frac{1}{R_1} \right]$$

У ҳолда

$C = q/(\varphi_1 - \varphi_2) = 4\pi\epsilon_0\epsilon R_1 R_2 / (R_2 - R_1)$  (5.7) агар  $R_2 - R_1 = d \ll R_1$  бўлса  $C = \epsilon_0\epsilon S/d$  бунда  $S = 4\pi R^2$  -конденсатор ички қопламасининг юзаси.

Цилиндрик конденсатор -умумий ўққа эга бўлган ва бир-бирига кийдирилган иккита юпқа деворли метал цилиндрдан иборат қурилмадир (5.6-расм).  $R_1$  радиусли ички қопламага мусбат,  $R_2$  радиусли ташқи қопламага манфий  $q$  заряд берилган бўлсин. Сферик конденсаторлар учун кўрсатилган шартларга кўра қопламалар орасида мужассамлашган электр майдон ички қопламанинг зарядлари томонидан ҳосил қилинади.

### Адабиётлар:

1. М.Абдуллаев. Физика. 1989 й, 6 боб.
2. А.А.Детлаф, Б.М.Яворский. Курс физики. 1989 г, §§ 14.1-14.2
3. О.Ахмаджонов. Физика курси. 2 к. 1988. й. §§ 4.

## МАЙДОН ПОТЕНЦИАЛИ ВА КУЧЛАНГАНЛИК ОРАСИДАГИ БОҒЛАНИШ

А.А. Қосимов, Х.Х. Рахматуллаев

Фаргона “Темурбеклар мактаби” Харбий академик лицей

Майдоннинг куч характеристикасини ифодаловчи майдон кучланганлиги билан унинг энергетик характеристикасини ифодаловчи потенциал орасидаги боғланишни аниқлаймиз.

Бирлик  $q_0$  мусбат зарядни  $x$  ўқи бўйлаб, жуда кичик  $x_2-x_1=dx$  масофага кўчиришда бажарилган иш

$$dA=q_0E_xdx \quad (2.17)$$

ёки

$$dA=q_0(\varphi_1-\varphi_2) \quad (2.18)$$

кўринишларда ифодаланиши мумкин.

Шартга кўра  $q_0=+1$ , бўлганда,

$$dA=E_xdx \quad \text{ёки} \quad dA=(\varphi_1-\varphi_2)=-d\varphi$$

хосил бўлади.

Буларни тенглаштириб  $E_xdx=-d\varphi$

формулани топамиз, ёки  $E_x=-d\varphi/dx$ .

Бунда,  $\vec{E}$  майдон кучланганлиги бошқа координаталарга ҳам боғлиқ бўлганлиги учун, ҳосила белгисини хусусий ҳосила белгиси билан алмаштирамиз, яъни

$$E_x = -\partial\varphi/\partial x \quad (2.19)$$

Агар у ва  $z$  ўқларини ҳам ҳисобга олсак (2.16) формулани

$$\vec{E} = -\left(\frac{\partial\varphi}{\partial x}\vec{i} + \frac{\partial\varphi}{\partial y}\vec{j} + \frac{\partial\varphi}{\partial z}\vec{k}\right) \quad (2.20)$$

деб ёзамиз. (2.20) формула электр майдон кучланганлик чизиби йўналишида потенциалнинг ўзгариш тезлигини ифодалайди ва потенциал градиенти деб аталади

$$\vec{E} = -\text{grad}\varphi. \quad (2.21)$$

Формуладаги манфий ишора  $\vec{E}$  вектор фазонинг берилган нуқтасида потенциал энг тез ортиб борадиган томонга тескари йўналганини кўрсатади.

Кучланганлик бирлиги (2.19) формуладан аниқланади, яъни


$$[E]=[q/L]=[V/m].$$

Бу бирлик (В/м) - кучланганлик чизиби бўйлаб бир-биридан 1 м узоқликда жойлашган икки нуқтанинг потенциаллар фарқи 1 В бўлган бир жинсли майдон кучланганлигидир. Бундай майдонга киритилган 1 Кл зарядга 1Н куч таъсир этади.

Электростатик майдон потенциалининг тақсимланишини график равишда изоҳлаш учун эквипотенциал сиртлардан фойдаланилади. Эквипотенциал сиртлар деб, шундай сиртларга айтиладики, бу сиртни ихтиёрый нуқтасида электростатик майдон потенциал бир хил қийматга эга бўлади, яъни

$$\varphi = \text{const} . \quad (2.22)$$

Масалан,  $+q$  нуқтавий заряд учун эквипотенциал сиртлар маркази шу нуқтавий зарядда жойлашган концентрик сфералардан иборатдир (расм-2.2). Кучланганлик чизиқлари доимо эквипотенциал сиртга перпендикуляр бўлади.



2.2-расм

$$E = - \frac{d\varphi}{dx}$$

формуладан фойдаланиб турли шаклдаги

зарядланган жисмларнинг потенциалини ҳисоблаш мумкин.

#### Адабиётлар:

1. А.А.Детлаф, Б.М.Яворский. Курс физики. 1989 г, §13.4
2. О.Ахмаджонов. Физика курси. 2 к. 1988 й. §§ 5,6.
3. Т.И.Трафимова. Курс физики. 1985 г. §§ 80-85
4. А.С.Сафаров. Умумий физика курси. Электромагнетизм ва тўлқинлар. 1992 й. 1 боб. §§ 1.5-1.6.

## РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОВЕДЕНИИ ЗАНЯТИЙ ПО «ВЫСШЕЙ МАТЕМАТИКЕ»

*М.К. Елмуратов, Д.А. Срымбетова*  
ТУИТ

Современное развитие информационных и коммуникационных технологий (ИКТ) входит во все аспекты человеческой деятельности, особенно, таких как производство, медицина, предоставление услуг и т.д.

Основной проблемой в обучении математики является наглядное иллюстрирование. Что мы имеем в виду под «наглядным иллюстрированием»? С повышением этапа обучения усваиваются более абстрактные понятия, чем в предыдущих этапах. Широкоупотребляемыми словами в занятии по математике являются «предположим», «представим себе», а как все это осуществить на практике обычно умалчивается.

Второй проблемой проведения занятия по высшей математике является классический способ проведения занятий, т.е. мелом на руках у доски все занятие.

Одним из решений этих проблем является активное применение средств ИКТ. Таким средствам можно отнести применение интерактивных досок (IP-board, которое вот уже несколько лет практикуется в нашем университете), проведение занятий с помощью презентационных материалов с помощью мультимедийных проекторов, а также разных обучающих прикладных программ.

Использование электронных досок имеет следующие преимущества:

- использование интерактивной доски позволяет создать проблемную ситуацию и возможность разрешить её, выполняя виртуальные мини-исследования;
- использование доски для наглядного воспроизведения качественно нового уровня с возможностями анимации и мультипликации позволяют повысить интерес обучаемых к рассматриваемому материалу;
- оптимизация процесса обучения, экономия времени визуального представления математических формул и теорем;
- использование контролирующей части в виде вопросов, тестов, проверочных заданий;

Основные направления использования компьютерных технологий в обучении математике широко изложены в работе [1].

- демонстрация слайдов (использование презентаций) и интерактивных досок, позволяющих сделать процесс объяснения темы более наглядным;
- использование электронных учебников и обучающих программ для самостоятельного изучения темы или для контроля знаний учащихся;
- использование компьютерных математических пакетов.

Как отмечалось выше, одним из проблем в обучении математике является наглядное иллюстрирование. Изображение простейших фигур менее воспринимается учащимися. Восприятие пространственных фигур, способы их построения проблематичны для учащихся, и если даже они овладели эти понятиями, чертежи, как правило, выполняются с относительными погрешностями [2].

Современные программы дают возможность иллюстрирования сложных пространственных фигур в трех мерной графике. Вот здесь и играет большую роль презентации. Современная трехмерная графика позволяет создавать модели сложных геометрических тел и их комбинаций, вращать их на экране, менять освещенность. Это помогает сделать доступным сложный учебный материал с применением аудио и видео сопровождений большому кругу студентов, имеющих разный уровень пространственного воображения.

В заключении мы бы хотели отметить, что применение ИКТ на уроках использовать надо, это и интересно, и полезно. Но, необходимо придерживаться определенных требований к ее созданию и планирования для проведения занятий.

### Литературы:

1. Лямина И.Х., Применение презентаций при преподавании высшей математики. Интернет-конференция. «Информационно-коммуникационные технологии в управлении качеством профессионального образования».
2. Селевко Г.К. Педагогические технологии на основе информационно-коммуникационных средств. М.: НИИ шк. технологий, 2005.

## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ РОЛИ

*Ш.С. Қўзиев, И. Худойбердиев, Ф. Йигиталиев  
Фаргона политехника институти*

### Аннотация

Ушбу мақолада иқтидорли ёшларни тарбиялашда таълим муассасаларида янги педагогик технологиянинг роли ва таълим муассасаларида электрон таълим ресурслари яратишда технологиялаштиришнинг назарий ва методик асослари хақида фикр юритилган.

**Таянч сўзлар:** технология, янги педагогик технология, электрон таълим, назария, методика.

### Аннотация

В данной статье рассматривается, как создание электронных учебных ресурсов в учебных заведениях окажет положительное влияние на учебный процесс.

**Ключевые слова:** электронное обучение, педагогические технологии, сетевые технологии, база знаний, исследование.

### Annotation

This article discusses how the creation of e-learning resources in educational institutions will have a positive effect on the learning process.

**Key words:** e-learning, pedagogical technologies, network technologies, knowledge base, research.

Янги педагогик технология асосида берилган дарслар ўқувчиларни муҳим ҳаётий ютуқ муаммоларига ўз муносабатларини билдиришга интилишларини қондириб, уларни фикрлашга ўз нуқтаи назарларини асослашга имкон беради.

Демократик жамиятда фарзандларимиз эркин фикрлайдиган қилиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, бу таълим самарасининг паст бўлишига сабаб бўлади. Зеро мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир. Хозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнлар олдидаги, халқ таълими олдидаги янги муаммоларни ҳал этишда янги ахборотни ўзлаштириш ва баҳолашга қодир бўлган зарур қарорлар қабул қилувчи эркин фикрлайдиган иқтидорли ёшлар керак.

Янги педагогик технологиянинг шу кундаги асосий мақсади ўқитиш тизимида ўқитувчи ўрнига талабани аудитория марказига олиб чиқишдир. Биз ёд олишдан авоматик тарзда такрорлашдан, китобдаги саволга жавоб беришдан йироқлашимиз зарур албатта. Иқтидорли ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш уларнинг мустақил фаолиятини ташкил қилиб дарснинг фаол иштирокчиларига айлантириш лозим. Илғор мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибаларини ўрганиш ҳам ҳозирги замон талабидир.

Янги педагогик технологияни иш жараёнига тадбиқ этиш таълим жараёнида узоқ йиллар мобайнида давом этиб келаётган эскича дарслардан бутунлай воз кечишнинг асосий йўли ҳисобланади.

Келажак буюк ватанимизнинг бугунги ва эртанги кунини таъминлайдиган шахсни, яъни мутахасисни жаҳон стандарти талабига жавоб берадиган, ҳар томонлама ривожланган, ўзига, бошқа инсонга, жамиятга, давлатга, тарбияга ва меҳнатга ўзининг тўғри муносабатини билдира оладиган, мустақил фаолият юрита оладиган, ижодкор, тадбиркор шахс этиб шакллантириш кўп жиҳатдан уни ким ўқиётганлиги ва қандай ўқитилишига ҳам боғлиқ. Бу ўринда асосий масала таълим мазмуни ва унинг воситаларини янгилашдир. [1-3]

Ўқитувчи ўз олдига қуйидагиларни мақсад қилиб олиши зарур:

- Ўқувчиларнинг умумий фаолиятида ролларни тўғри тақсимлаш ва ўз ролларидан келиб чиққан ҳолда мажбуриятларни бажара олишга ўргатиш;
- ватанига, халқига ўз ота-оналарига иззат эҳтиром кўрсатиш, ўртоқларига хурмат руҳи билан қараш ҳиссини вужудга келтириш;
- бир-бирлари билан муомалага кириша олиш ҳамда ишчанлик руҳида ўзаро муносабатларга ўргатиш;
- гуруҳда эмоционал, шахсий, ўзаро муносабатларни ўрганишга ўргатиш;
- ҳар бир болани ўз мақсадига етишиши учун мустақил бўлишга, шу билан бирга ўзгаларнинг хоҳиш интилишига зарар келтирмасликка ўргатиш;
- ўқувчиларнинг бахсларини ҳолисона юритишга, ўз фикрини очик, равшан баён этишга ва исботлай олишга ўргатиш;
- ўзаро муносабатлар юзага келадиган зиддиятларни бартараф этишга кўниктириш;

Ўқув иши шундай ташкил этилиши керакки, бунда талабалар ўқиётган материални ўрганишлари учун ёрдам берилаётганини англасинлар. Ўқитувчи талабалар ўқув фаолиятининг ташкилотчиси ва раҳбари талабанинг гуруҳ жамоаси билан муносабатининг назоратчиси бўлиши зарур. Ўқитувчи талабанинг аудиторияда ўзини жуда қулай хис қилиши, шуниндек ўқув фаолиятини унга эмоционал жиҳатдан қониқиш берувчи, лекин бу фаолият ундан етарли лаёқат ва куч талаб этишини талаб этувчи шароит яратиши зарур, ҳамда ўқув жараёнида ноанъанавий усуллардан фойдаланиш, яъни ўқув жараёнини ташкил этишнинг анъанавий усулларида янги педагогик

технологияларга ўтиши керак. Чунки ўқув жараёнини анъанавий ташкил этиш ўқув материални тайёр ҳолда беришга асосланган, яъни ўқитувчи дарсга ҳамма нарсани тайёр қилиб, асосийсини белгилаб, системалаштириб, ўқув мавзусини ўқувчиларга айтиб ёздирishга тайёрланиб келади. Ўқувчиларга фақат конспект ёзиш, ўрганиш ва сўров вақтида айтиб бериш қолади холос, яъни уларнинг фаолияти соф репродуктив характерни, минимал ривожлантирувчи характерни касб этади. Асосий оғирлик хотирага юкланиб, тафаккур минимал даражада жалб этилади, оддий кўр-кўрона ёдлаш устиворлик қилади. Шу боис ўқув жараёнини бундай ташкил этилиши ўқитувчининг хатти-харакати, талабанинг эса кам меҳнати орқали амалга оширилади.

Бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан нафақат билим бериш, балки талабаларни мустақил билим эгаллашга, таҳлил қилишга, қиёслаш, коррекциялаш, ҳаётий муҳим малакаларни хал этиш учун билимини қўллай олиш, бутун умри давомида билимларни оператив тарзда бойитиб, янгилаб боришга ўргатиш, шахсинг тўғри юксалишига олиб келади.

Маълумки, кейинги пайтларди ҳаётда юз берган туб ўзгаришлар одамлар рухиятини сифат жихатидан янги босқичга кўтарди.

Кишилардаги ўта сабр - тоқатлик, итоаткорлик, ташаббускорликнинг етишмаслиги ўрнини эркинлик, ижодкорлик, зарурият, оила бутунлиги ва уларнинг истиқболини таъминлаш каби сифатлар эгаллай бошлади.

Борлиққа ва жамиятга нисбатан муносабатнинг ўзгариши шахсинг фаолиятида, шахслараро муомалада, мулоқат моҳиятида намоён бўлади, уларга йўналтирилган эски мативация ўз аҳамиятини йўқотади.

Ҳозирги кунда шахсга субъектив муносабат муомаласини ижтимоий жиҳатдан турмушда қарор топтириш учун:

- одам - инсон - шахс - индивидуаллик - субъект - комилликка риоя қилиш;
- шахсга субъектив муносабат, яъни уни робот каби барча хусусиятларини бир текис шакллантириш мумкин деган хато назариядан воз кечиш, субъект алоқасини вужудга келтириш;
- ҳар қандай субъект шахс, лекин ҳар қандай шахс субъект эмаслиги муаммосини ечиш;
- шахс субъект бўлиши учун унда мустақиллик, шахсий позиция, қатъийлик, чуқур дунё қараш ва буларни ҳаётга тадбиқ этиш имконияти мавжудлигини тан олдириш керак.

Одам функционал ҳолатининг ўзгариши билан онглилик, онгсизлик (ихтиёрсизлик) қа ўтишши, ижод ташаббус унинг учун муомила фаолият негизига айланса, у ҳолда шахс онгли ҳолатига аста - секин кириб бориши мумкин.

Чунки одам табиий ҳолда ихтиёрий, ихтиёрсиз ва ихтиёрликдан кейинги босқичларга ўтиш ҳукми билан яшайди ва фаолият кўрсатади. Шунинг учун ўқувчилар, талабалар иқтидорини жуда эрта ривожлантириш тўғри шакллантириш мутахасислар учун жуда катта ва масъулиятли ишдир.

Доимий ҳолда одам ҳаётда ўзи учун тўғри йўл танлаши, тўғри фикрлаши, яшаш шароитини тўғри яратишга, яхши инсонлигини йўқотмаслигига эриштириш мутахасислар учун улкан вазифа бўлиб, бу масала XXI асрда ҳам ўз кучида қолади.

#### Адабиётлар:

1. В.Б. Беспалько. “Педагогика и прогрессивная технология обучения”. М.ЧРПО, РФ. 1995.336.
2. Н.Саидахмедов. “Янги педагогик технологиянинг мохияти”. “Халқ таълими” 1999. Ў. 2, 4
3. Ч. Темирова. “Управление познавательными потребностями в творческой деятельности учащихся”, “Халқ таълими”. № 1. 2006 й.


### КИМЁДА ЗАМОНАВИЙ ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

*М.Х. Мамарахмонов, А. Кодиров, Б.Э. Даминова, Р.Б. Холлиева  
Андижон ДУ катта ўқитувчиси, Қарши ДУ*

Кимё фани табиий ҳамда аниқ фанлар жумласига киради. Кимёвий тушунчаларни талабаларга етказиш ва тушунтиришда абстракт тафаккурни ривожлантириш алоҳида ўрин тутди. Чунки бирикмаларнинг фазовий тузилиши, атом ва молекулаларнинг орбиталлари,  $\sigma$  ва  $\pi$  боғларнинг вужудга келиши, гибридланиш каби тушунчалар квант кимёси, стереохимия, назарий химия каби фанлар ёрдамида тўлароқ тушунишга имкон беради.

Замонавий кимёни ўқитишда айниқса, АКТдан унумли фойдаланиш орқали кимёвий объектларнинг физик- кимёвий хусусиятларини олдиндан баҳолаш, реакция қобилятини аниқлаш, шу орқали биологик фаолликни тадқиқ этиш мумкин. Айнан шу мақсадда Winморас дастуридан унумли фойдаланишни тавсия этамиз. Чунки бу дастур биринчидан ҳар бир фойдаланувчи учун очиқ (текин) дастур бўлиб, ундан фойдаланиш учун Z-матрицани тузишни билиш кифоя. Дастурнинг қулайлик томонларидан яна бири унинг Pentium I русумидаги компьютерларда ҳам фойдаланиш мумкинлиги ва Windows OT га созланганидир.


Мисол тариқасида пропан молекуласини тузишни кўриб чиқамиз. Бунинг учун аввало пропан молекуласининг атомлари номерланади:



#### Схема 1. Пропан молекуласи.


Пропан атомларидаги электрон заряд тақсимотини билиш учун квант кимёвий ярим эмпирик PM3 методида ўтказилган квант кимёвий ҳисоблар натижалари дастур ойнасидаги қуйидаги “**Конечные результаты**” - “**Охирги натижалар**” ойнасида келтирилган. Дастлабки барча геометрик параметрлар тўла оптималланган. Бунда пропан молекуласининг фазовий тузилиши,

атомлардаги электрон зарядлар тақсимоти келтирилган. “Краткие результаты” – “Қисқа натижалар” ойнасида эса, молекуланинг энергетик катталиклари: тўла энергия, ионланиш потенциали, молекуляр масса, электронлар билан икки қарра тўлатилган молекуляр орбиталлар сони келтирилади. (Расмга қ.)



Расм. Пропаннинг охирги Z-матрицаси ва энергетик қийматлари.

Молекула симметрик марказли бўлганидан, C1 ва C3 углерод атомларида электрон заряднинг бир хил ( $q=-0,1101e$ ) эканлигини, марказий C2 атомда эса заряд ( $q=-0.0936e$ ) бўлишини кўриш мумкин:



Олинган натижалар адабиёт маълумотларига солиштирилганда, ҳисобларнинг компьютер ёрдамида юқори аниқликда ва тез бажарилганини кўриш мумкин.

### Хулоса.

- Квант кимёвий дастурлар ишончли, тезкор, қулай ва самарали ҳисоб методларидар;
- Назарий ҳисоблар учун молекуланинг реал мавжуд бўлиши ҳам шарт эмас;
- Олинган натижалар асосида молекула реакция қобилятини олдиндан баҳолаш мумкин.
- Квант кимё дастурлари ёрдамида талабаларда абстракт фикрлаш ўсади;
- АКТни кимёни ўқитишда фойдаланиш таълим сифатини оширади.

### Адабиётлар:

1. М.Х.Мамарахмонов, Л.И.Беленький, Н.Д.Чувылкин, Х.М.Шахидоятов. Квантово-химическое исследование пиримидин-4-онов. Сообщение 2./ ХГС.- 2003.- №10. С. 1517-1524.

## **ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ – КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАСИ**

*В.М. Бобоназаров*

*Фаргона вилоят Бағдод туман*

Ҳозирги кунда таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) шиддат билан кириб келиши билан бирга, у таълимнинг самарадорлигини оширишда энг қулай омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам илғор мамлакатлар таълим тизимида компьютер техникасидан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишга қаратилган изланишлар тўхтовсиз кечмоқда. Ўз навбатида, бу ҳолат таълимни бошқариш органлари, таълим муассасалари педагогик жамоалар олдига тегишли тайёргарлик ишларини амалга ошириш талабини қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан замонавий компьютер технологияларидан самарали фойдаланишга доир бир қатор қарорлар қабул қилинди. Уларда асосан, ёшларимизга берилаётган билим ва кўникмаларни янгича усулларда тушунтириш назарда тутилган. Айни чоғда ёш педагоглардан иш фаолиятини пухта режалаштириши, қўйилган масаланинг тўлақонли ечимини топиши учун зарур бўлган ахборотларни тезкор топа олиши, ўрганилаётган объект ёки жараённинг моделини кўра билиши ҳамда янги технологиялардан унумли фойдалана олиши учун етарли малакаларга эга бўлиши талаб этилмоқда.

Республикамизда таълим тизимининг асосини юқори сифатли ва юқори технологияли муҳит ташкил этиб бормоқда. Унинг яратилиши ва ривожланиши техник жиҳатдан мураккаб саналади, аммо бундай муҳит таълим тизимини такомиллаштиришни, таълимда ахборот технологияларини жорий этишга хизмат этишга хизмат қилади.

Бугунги кунда таълим тизими ходимлари олдига қўйиладиган талаб, бу борадаги дунёқарашларни кескин ўзгартиришни, компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияси воситаларидан нафақат “Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари” фанини, балки барча фанларни ўқитишда, синфдан ташқари ўтказиладиган тадбирларда, умуман ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида фойдаланишни талаб этади. Зеро, бу техникада бундай имкониятлар мавжуд ва беқиёсдир, лекин энг асосийси бу имкониятлардан қандай фойдалана олишга боғлиқ.

Ҳозирги замон ўқитувчиси бундай натижаларга эришиши учун нима қилиш ва қандай йўл тутиш керак. Албатта, бунинг учун биринчи навбатда ўз фани бўйича чуқур билимга ва бу билимларни ўқувчиларга етказа олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Ана шу қобилиятни янада яққолроқ намоён қилиш ва янада юқори натижаларга эриша олиш учунэса шубҳасиз ўқитишнинг замонавий воситалари – компьютер ва бошқа ахборот-

коммуникация технологияси воситаларидан фойдалана олиш ва уларни таълим-тарбия жараёнида қўллашни билиши керак.

Маълумки, таълимни компьютерлаштириш ўқув-тарбия жараёни фаолиятидаги, мавзунинг ўқувчилар хотирасида узоқ вақт сақланишини таъминлайди, табақалаштирилган таълимда ўтиш учун замин яратди. Бунда мустақил таълим маданияти ривожланади, ўқитувчининг кўрғазмали қурол тайёрлаш учун сарфланадиган вақти ва маблағи тежалади, ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлиги ортади.

Таълимда компьютер технологияларидан фойдаланишнинг энг асосий жиҳатлари деб қуйидагиларни белгилаш мумкин:

- Компьютер имкониятлари чексиз бўлиб, ҳар бир ўқувчи маълум бир фанни ўзлаштириш жараёнида ва керакли билимларни эгаллашда, шахсий эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда қанча ўқиш талаб қилинса, шунча ўқиб ўрганиши, ўзига мослаштириши мумкин.

- Компьютер технологиялари дастурлари модулли таълим асослари негизида қурилади. Таълим олувчилар, яъни ўқувчилар томонидан алоҳида–алоҳида ўзлаштирилган ҳар бир ўқув фани доирасида амалга оширилади.

- Ўқувчилар ўқув жараёнидан сўнг, ўзига қулай вақтда, иш жараёнидан узилмаган ҳолда фойдаланиш мумкин. Таълимнинг узлуксизлиги таъминланади.

- Ўқувчилар таълим муассасасидан қанчалик узоқда жойлашишидан қатъий назар, ўқув жараёнини ташкил қилинишига, тескари алоқа ўрнатилишига имкони бўлади.

- Ўқув жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ҳар бири ўзи учун қулайжадвал асосида фаолият юритилади.

- Таълим олувчилар, яъни ўқувчиларнинг сони жиддий қийинчиликларни келтириб чиқармаслиги учун, “оммавий жалб” этилади.

- Бу жиҳатнинг фойдалилиги натижасида иқтисодий тежамкорликка эришилади.

- Ўқитувчиларнинг янги вазифалари назарда тутилади. Ўқувчиларга нисбатан талаблар анънавий таълимдан кескин фарқ қилади.

- “АКТ”, Ахборт компьютер технологияларининг барча янги дастурларидан, компьютер тармоқларидан, мультимедиа тизими кабилардан оқилона фойдаланилади.

- Компьютер технологиялари асосида ўқитиш маълум даражада ижтимоий зўриқишнинг олдини олади, чунки яшаш ва моддий шароитдан қатъий назар, ҳамма ўқувчиларга бир хил билим фаолиятини фаоллаштиришга шароит яратади, имкон беради.

- Компьютер технологиялари дастурларини ўқув жараёнига татбиқ этиш йўли билан юқорида қайд этилганларнинг барчасини амалга ошириш мумкинлигини қуйида кўриб чиқишимиз мумкин.

- Жойдан унумли фойдаланиш имкони.

- Кўрғазмалилик баён этиш имкони.

- Вақтдан унумли фойдаланиш имкони.

- Ахборотни мунтазам янгилаб туриш имкони.
  - Ўқувчиларнинг билим даражаларини ҳар томонлама тизимли ва яхлит текшириб кўриш имкони.
  - Замонавий ўқитувчининг такомиллашиш имкони.
  - Ўқувчиларнинг фаоллиги ошиб, фанга, илмга бўлган эътибори ва қизиқишининг кучайиши имкони.
  - Компьютерда ишлаш малакасини ривожлантириш имкони.
  - Илмий-амалий текшириб кўриш, ижодий ёндошиш ва танқидий фикрлаш имкони.
- Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ўқувчилар билим самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

## ГЕЛЬМОГОЛЬЦ ОПЕРАТОРИ ФУНДАМЕНТАЛ ЕЧИМИ

*А.М. Шокиров, Э. Йулчиев*

*ТАТУФФ*

Айтайлик  $\Lambda$   $R_n$  даги Лаплас оператори бўлсин. Гельмогольц тенгламаси

$$\Delta u + \lambda^2 u = 0$$

тенглик билан аниқланади, бу ерда

$$\Delta = \Delta_n = \sum_{i=1}^n \frac{\partial^2}{\partial x_i^2}$$

Хусусий ҳосилали дифференциал оператор

$$D_n = \Delta + \lambda^2$$

Гельмогольц оператори дейилади.

$$D_n \varepsilon = \delta \Leftrightarrow (D_n \varepsilon, \varphi) = \varphi(0), \quad \forall \varphi \in S(R_n)$$

тенглама ечими  $u = \varepsilon$  ечим Гельмогольц оператори фундаментал ечими дейилади. Бу ечимни радиал функция кўринишда излаймиз, чунки у

$$\varepsilon = \varepsilon(|x|)$$

Бу ҳолда координаталарни  $x = r\Theta$  сферик алмаштириш

тенгламага олиб келади. Бу ерда  $B_{n-1}$  -Бесселнинг  $\gamma = n-1$  индексли оператори.

Гельмогольц оператори фундаментал ечимини топиш масаласи

$$H_\gamma u = \delta_\gamma, \quad H_\gamma = B_\gamma + \lambda^2 \quad (1)$$

сингуляр оддий дифференциал тенгламанинг фундаментал ечимини топиш масаласига олиб келади.

$$H_\gamma = B_\gamma + \lambda^2$$

операторни сингуляр оддий дифференциал Гельмогольц оператори дейилади.

### Адабиётлар:

1. Салоҳиддинов М.С., Ўринов А.Қ. Гиперболик ва эллиптик типдаги бузиладиган дифференциал тенгламалар.-Тошкент: Университет, 2006.
2. Салоҳиддинов М. С., Ўринов А. Қ. Аралаш типдаги дифференциал тенгламалар. –Тошкент: Университет. 2006.-272 б.
3. Левитан Б.М. Разложение в ряды и интегралы Фурье по функциям Бесселя. // УМН, 1951, Т.6, і 2, с. 102-143
4. Киприянов И.А. Сингулярные эллиптические задачи. М.: Наука, 1997. 199 с.

## ПОЛУПРОВОДНИКОВЫЕ ТЕНЗОДАТЧИКИ НА ОСНОВЕ ПОЛИКРИСТАЛЛОВ АНТИМОНИДА ГАЛЛИЯ

К. Акбаров

*Ферганский филиал Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хорезми*

Из литературы известно (1), что из всех изученных к настоящему времени полупроводников наибольшим тензоэффектом обладают соединения InSb, GaSb, CdS и др. С целью использования в качестве чувствительных элементов тензодатчиков нами были исследованы поликристаллические образцы антимонида галлия. Результаты эксперимента показали, что наибольшей тензочувствительностью ( $50 \div 70$ ) и лучшими температурными характеристиками обладают образцы антимонида галлия с электронной и дырочной проводимостью.

**Тензорезисторы из p-GaSb.** Коэффициент тензочувствительности при  $300^0$  К, определенный экспериментально составляет  $63 \div 67$  для удельным сопротивлением  $\rho_0 = 0,05 \div 0,06$  ом·см, тензочувствительности  $S$  от температуры напоминает аналогичную зависимость для кремниевых тензорезисторов. Таким образом тензорезисторы из p-GaSb ни по температурной зависимости  $S$ , ни тем более по величине коэффициента тензочувствительности не имеют преимуществ перед кремниевыми тензорезисторами. Однако, тензорезисторы из Si присущ такой существенный недостаток, как зависимость  $S$  от относительной деформации  $\varepsilon$ . Что же касается зависимости  $S$  от  $\varepsilon$  тензорезисторов из p-GaSb, то о ней нет достаточных литературных данных, позволяющих провести сравнение по этому свойству с кремниевыми тензорезисторами. Поэтому целесообразно выполнить измерение зависимости  $S$  от  $\varepsilon$ , и если p-GaSb будут иметь преимущества перед кремниевыми, то перейти к более полному изучению их тензометрических характеристик.

**Тензорезисторы из n-GaSb.** Коэффициент тензочувствительности при  $300^0$  К для образцов с  $\rho_0 = 0,004$  ом·см составляет – 124 (при растяжении) и – 153 (при сжатии), а также  $(-113) \div (-116)$  для образцов с  $\rho_0 = 0,004 \div 0,0012$  ом·см (при сжатии).

Таким образом, по коэффициенту тензочувствительности тензорезисторы из n-GaSb не уступает кремниевым тензорезисторам. Что же касается зависимости  $S$  от  $T$  в n-GaSb, проявляющаяся в наличии температуры  $T$  ниже и выше которой значение  $|\pi|$  коэффициент пьезосопротивления монотонно уменьшается, позволяет предположить, что из n-GaSb удастся изготовить тензорезисторы с небольшим температурным коэффициентом тензочувствительности (ТКЧ) в области температур, примыкающей к  $T_{\max}$ .

Другим примером использования отмеченной особенности зависимости  $\pi$  от  $T$  является предлагаемый нами путь решения задачи активной термокомпенсации  $S$  кремниевых тензорезисторов: рост  $|S|$  кремниевого тензорезистора, происходящий по мере понижения температуры, компенсировать уменьшением  $|S|$  тензорезисторов из n-GaSb. Очевидно, что такая компенсация может иметь место только при  $T < T_m$ .

Итак, отмеченные предположительные особенности тензорезисторов из антимонида галлия убеждают в том, что такие тензорезисторы представляют определенный интерес с точки зрения полупроводниковой тензометрии и говорят о целесообразности подробного изучения их основных тензометрических характеристик.

К числу характеристик относятся:

1. зависимость относительного изменения сопротивления наклеенных и не наклеенных тензорезисторов от деформации;
2. зависимость сопротивления тензорезистора от температуры;
3. зависимость коэффициента тензочувствительности от температуры;
4. вольтамперная характеристика тензорезистора;
5. влияние клевого шва на коэффициент тензочувствительности;
6. максимально допустимая деформация в наклеенном и не наклеенном состояниях;
7. стабильность характеристик во времени.

Целью данной работы и является разработка технологии изготовления тензорезисторов из антимонида галлия, изучение основных тензометрических характеристик таких тензорезисторов, выяснение пригодности тензорезисторов из GaSb для осуществления активной термокомпенсации коэффициента тензочувствительности кремниевых тензорезисторов.

#### **Литературы:**

1. Ю.В.Илисовский. Полупроводниковых тензометры. Вып.6.Л.1963.

# ҚЎШМА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ОПЕРАТОРЛАР ВА БЕССЕЛНИНГ КЛАССИК ВА СИНГУЛЯР ТЕНГЛАМАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛАНИШ

*А.М. Шокиров, Ж. Туйчиев*  
ТАТУФФ

Соддалик учун қуйида келтирилаётган функцияларнинг барчасини ҳақиқий функциялар деб қараймиз.

$L^2(R_1)$  да скаляр кўпайтма кўринишдаги интеграл чизиқли формалардир

$$(u, v) = \int u(x)v(x)dx.$$

Айтайлик  $A: L^2 \rightarrow L^2$

$A^*$  оператор  $A$  операторга қўшма оператор деб аталади, агар

$$(Au, v) = \int Au(x)v(x)dx = \int u(x)A^*v(x)dx = (u, A^*v)$$

$A = A^*$  бўлганда  $A$  оператор ўзига қўшма оператор дейилади.

Дифференциаллаш операторга ўзига қўшма бўлган оператор сифатида бўлаклаб интеграллашни олиш мумкин, бунда  $u$  ва  $v$  функцияларни дифференциалланувчи деб фараз қилинади ва

$$(u', v) = -(u, v'),$$

ни ҳосил қиламиз. Демак

$$\left(\frac{d}{dx}\right)^* = -\frac{d}{dx}$$

ва биринчи ҳосила  $L^2 \cap C_0^2$  да ўзига қўшма оператор эмас.  $L^2 \cap C_0^2$  да ўзига қўшма оператор сифатида иккинчи тартибли ҳосилани олиш мумкин, чунки икки марта бўлаклаб интеграллаш

$$(u'', v) = (u, v'').$$

натижани беради.

Ўзига қўшма оператор сифатида (ҳақиқий) функцияга кўпайтириш операторини олиш мумкин.

$$\frac{d}{dx} \varphi(x) \frac{d}{dx}$$

дифференциал оператор  $L^2 \cap C_0^2$  да ўзига –қўшма оператор бўлади.

$$\varphi(x)y'' + \varphi'(x)y' + \psi(x)y = 0 \quad (1)$$

- иккинчи тартибли бир жинсли чизиқли тенгламани қарайлик.

Бу тенгламани қуйидаги шаклда ёзиш мумкин :

$$\frac{d}{dx} |\varphi(x)y'| + \psi(x)y = 0,$$

У ўзига қўшма оператордир.

Ихтиёрий бир жинсли чизикли иккинчи тартибли дифференциал тенглама

$p_0(x)y'' + p_1(x)y' + p_2(x)y = 0$ , нинг коэффицентлари  $p_0, p_1, p_2$  узлуксиз,  $p_0$  функция эса нолга тенг эмас ва узлуксиз ҳосилага эга ва уни ўзига қўшма шаклга келтириш мумкин, бунинг учун  $\mu = \mu(x)$ , мос кўпайтувчига кўпайтириш кифоя. Бу кўпайтувчини мавжуд деб фараз қилиб. Ва

$$\mu(x)p_0(x)y'' + \mu(x)y' + \mu(x)p_2(x)y = 0$$

тенгламани ўзига қўшма шаклга келтириш мумкин. У ҳолда бу тенгламани (1) тенглама билан солиштириб

$$\varphi(x) = p_0(x)\mu(x), \quad \varphi'(x) = \mu(x)p_1(x),$$

тенгламани ҳосил қиламиз.

Охиргидан

$$p_0'(x)\mu(x) + p_0(x)\mu'(x) = \mu(x)p_1(x),$$

дифференциал тенгламани ёки

$$p_0'(x)\mu'(x)\mu(x)(p_1(x) - p_0(x)).$$

ни ҳосил қиламиз. Бу дифференциал тенглама  $\mu$  кўпайтувчига нисбатан ўзгарувчилари ажраладиган тенгламадир.  $p_0, p_1$  функцияларга қўйилган шартларга кўра бу тенглама ечими мавжуд. Ўзгарувчиларни ажратиб,

$$\mu(x) = \frac{C}{p_0} \exp\left(\int \frac{p_1(x)}{p_0(x)} dx\right).$$

ни топамиз.

Мисол.

$$x^2 y'' + xy' + (x^2 - p^2)y = 0, \quad p \in R$$

Бесселнинг дифференциал тенгламасини ўзига қўшма шаклга келтириш учун уни

$$\mu(x) = \frac{1}{x^2} \exp\left(\int \frac{x}{x^2} dx\right) = \frac{1}{x^2} e^{\ln x} = \frac{1}{x}.$$

кўпайтувчига кўпайтирамиз. Бессел тенгламасининг ўзига қўшма шакли

$$xy'' + y'\left(x - \frac{p^2}{x}\right)y = 0,$$

кўринишга ёки

$$(xy')' - \left(\frac{p^2}{x} - x\right)y = 0.$$

кўринишга эга.

#### Адабиётлар:

1. Салоҳиддинов М.С. Математик физика тенгламалари. - Тошкент: Ўзбекистон, 2002.

2. Салахитдинов М.С., Ўринов А. Қ. Краевые задачи для уравнений смешанного типа со спектральным параметром.–Тошкент: Фан.1992.168б.
3. Салохиддинов М.С., Ўринов А.К. Эллиптик типдаги бузиладиган дифференциал тенгламалар. Фарғона, 2005.

## **MUTAXASSIS FANLARINI O'QITISHDA MUAMMOLI TA'LIM TEKNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH**

*Sh.M. Savriev, A.Yu. Shomurodov*

*Buxoro muhandislik texnologiya instituti, Buxoro tibbiyot instituti qoshidagi 2-son  
akademik litsey o'qituvchisi*

Bugungi kunga Respublikamizda ta'lim va tarbiya jarayonida mustaqil va erkin fikrlaydigan shaxs tarbiyasiga e'tiborning qaratilganligi, fan va texnikaning jadal rivoji ta'lim tizimining tubdan isloh etilishi o'qituvchining kasbiy tayyorgarligiga bo'lgan e'tiborni yanada kuchaytirmoqda. O'qituvchilar darsni yuqori samarali zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan foydalanib, ilg'or xorijiy tajribani keng qo'llagan holda, global internet tarmoqlaridan, ta'limning interfaol usullaridan foydalangan holda, yuksak pedagogik mahoratidan foydalanib tashkil qilishsa, albatta yuqori samaralarga erishiladi. O'qituvchi zamonaviy ta'lim texnologiyalari yordamida mavzuni ta'lim oluvchilarga qiziqarli, tushunarli, ishonarli qilib yoritib beradi.

Muammoli ta'lim – bu mantiqiy fikrlash jarayoni (tahlil, umumlashtirish va boshqa shu kabilar) va o'quvchilarning izlanishli faoliyati qonuniyatlarini (muammoli vaziyat, bilishga qiziqish, ehqtiyoj) hisobga olib tuzilgan ta'lim va o'qitishning ilgari ma'lum bo'lgan usullarini qo'llash qoidalarining yangi tizimidir. Shuning uchun ham muammoli ta'lim ko'proq o'quvchi fikrlash qobiliyatining rivojlanishini, uning umumiy rivojlanish va e'tiqodining shakllanishini ta'minlaydi. Didaktikaning barcha yutuqlarini istisno qilmay, balki ulardan foydalangan holda muammoli ta'lim ilmiy bilim va tushunchalarni, dunyoqarashni shakllantirish, shaxs va uning intellektual faolligini har tomonlama rivojlantirish vositasi sifatida rivojlantiruvchi ta'lim bo'lib qoladi.

Ta'lim jarayonida muammoli vaziyatni vujudga keltirish, undan foydalanish usullarini yaratish ta'lim tizimining har bir bosqichida o'rganiladigan fanlarga xos bo'lib, muammoli vaziyatni fanning mazmuni, o'ziga xos xarakter xususiyatlari, uning o'rganish metodlarini hisobga olgan holda yaratiladi.

Ma'lumki, bir xil yoshdagi ta'lim oluvchilarning jismoniy va aqliy xususiyatlariga ko'ra tushunish, fikrlash, ish bajarish qobilyatlari ham turlicha bo'ladi. Buni, ayniqsa, muammoli holatni yaratish uchun ta'lim oluvchilarni psixologik jixatdan puxta tayyorgarligini hisobga olish kerak. Ta'lim oluvchilar olgan bilimlarini amalda yangi sharoitlarda qo'llaganlarida muammoli holatga duch keladilar. Masalan: “Atmosfera havosini ifloslantiruvchi manbalar va uning salbiy oqibatlari” mavzusida muammoli holat yaratish uchun shunday savollardan foydalanish mumkin.

Atmosfera havosini ifloslanishi qanday oqibatlariga olib kelishi mumkin?

Atmosfera havosini ifloslantiruvchi omillarni nechta turga bo'lish mumkin?

Atmosfera havosini ifloslanishi inson salomatligiga ta'siri qanday?

Ifloslanishni kamaytirish uchun qanday choralar ko'rish mumkin?

Berilgan savollar ta'lim oluvchilarni mustaqil fikrlashga undaydi. Muammoli ta'lim aniq bir mavzu asosida borayotgan bo'lsa, muammo tug'diruvchi savollar ham malum tizimga qaratiladi. Ularning yechimlari bir-birini to'ldirib, asoslab, mustahkamlab boradi. Savollar tushunarli, qiziqarli bo'lishi kerak. Aks holda ko'pchilik ta'lim oluvchilar uni hal etishni o'ylamaydi.

Qo'yilgan muammoni hal etish jarayonini ta'lim oluvchilarning ishlab chiqarish tajribasi va hayotiy kuzatishlaridan foydalanib yechish mumkin.

Dars jarayonida muammoli vaziyatlar yaratish, ularni hal qilish yo'llarini izlash va aniqlash, muammoni hal qilish jarayonining o'zi, chiqarilgan xulosalarning qanchalik to'g'ri ekanligini amalda tekshirib ko'rish o'quv jarayonining muhim elementlaridan hisoblanadi.

Dars jarayonida muammoli vaziyatlarni yuzaga keltirish ta'lim oluvchilar faol aqliy faoliyatning zarur shartidir. Ta'lim oluvchi oldiga muayyan vazifa qo'yiladi, bu vazifa unda qiziqish uyg'otadi va u bu vazifani hal qilishga urinadi, ammo o'z bilimlari hamda tajribalari yetarli darajada to'la va chuqur emasligini payqaydi, ya'ni aniq qiyinchilikka duch keladi. Ta'lim oluvchida hosil bo'lgan vaziyatdan chiqish yo'lini topishga ichki ehtiyoj paydo bo'ladi, qiyinchilikni his etish paydo bo'lgan sharoitni tahlil qilishga va qo'yilgan masalani yechish yo'llarini topishga undaydi. Shunday qilib, bilish lozim bo'lgan va amaliy vazifalar bilan ta'lim oluvchilarning bilim darajasi orasida ziddiyatlar paydo bo'ladi, bu ziddiyatlar yuzaga kelgan qiyinchilikni bartaraf etishga qaratilgan intensiv fikrlash faoliyatini uyg'otadi. Ta'lim oluvchiga taklif etiladigan muammoli vazifa uning intellektual imkoniyatlariga mos kelishi zarur. Vazifaning qiyinlik darajasi ikkita asosiy ko'rsatkich: o'zlashtirilishi kerak bo'lgan o'quv materialining yangilik darajasi va uning umumlashtirilganlik darajasi bilan baholanadi.

Odatda, muammoli vazifa o'zlashtirilishi lozim bo'lgan o'quv materialidan oldin berilishi zarur. Ammo ta'lim oluvchilarda muammoli vazifani hal qilish uchun yetarli darajada bilim va ko'nikmalar bo'lmasa, ularga zarur ma'lumotlarni bayon etish yoki ularni muayyan harakatlarga o'rgatish lozim. Bunday hollarda o'qituvchi jarayonlarning xususiyatlari, aniq ma'lumotlar aytib beradi, ta'lim oluvchilar esa ana shu ma'lumotlar asosida, o'rganiladigan harakatlarning umumiy qonuniyatlarini, bajarish usullari hamda shartlarini ijodiy yondashadilar.

Ta'lim oluvchilarning muammoli masalalar yechish yo'li bilan yangi bilimlarni o'zlashtirish jarayoniga o'qituvchi doimo bevosita rahbarlik qilishi kerak. Bilim va harakatlarning ma'lum darajada murakkab tizimini muammoli o'zlashtirishini ta'minlash uchun muammoli vaziyatlar yaratishda muayyan tizimga rioya qilish kerak.

Shuni ta'kidlab o'tish zarurki, darsda muammoli vaziyatlar hosil qilish natijasida aniq o'quv materialini ongli ravishda o'zlashtirishga qaraganda ancha ko'p narsani bilishga yordam beradi, chunki talabalar ularni hal etib, fikrlashga, mulohaza

yuritishga, xulosalar chiqarishga o'rganadilar. O'qitishning bunday uslubi insonni faol, ijodiy o'ylaydigan qilib tarbiyalashga yordam beradi.

## **ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

*Ш.М. Савриев, А.Ю. Шомуродов, Э. Паноев  
Бухоро мухандислик технология институти*

Таълим самарадорлигини ошириш ва таълим тизимини такомиллаштириш, таълим жараёнига ахборот ва коммуникация технологияларини кенг қўламда жорий этишдан иборат. Малакали мутахассисларни шаклланиши учун таълим ва тарбияни узвий боғлиқликда олиб бориш керак.

Технологиялар жадал суръатлар билан ўсиб бораётган даврда таълим, тарбия соҳасида замонавий ахборот технологияларини, электрон дастурий воситаларни тўғри қўллаш шахсинг мукамал шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Таълимда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этилиши:

- фаннинг барча соҳаларини ахборотлаштиришни;
- ўқув фаолиятни интеллектуаллаштиришни;
- интеграция жараёнларини чуқурлаштиришни;
- таълим тизими инфратузилмаси ва уни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга олиб келади.

Юқорида қайд қилиб ўтилган ўқитишнинг илғор педагогик технологиялари билан биргаликда яна ўйинли ўқитиш, компютерли ўқитиш, фаол ўқитиш технологиялари ҳам мавжудки, улар тавсифланган илғор педагогик технологиялар билан боғлиқликда шахсга йўналтирилган технологиялар деб аталади.

Таълим жараёнида техник воситалардан фойдаланиш жуда муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу воситалар ёрдамида машғулотларни замонавий талабларга жавоб берадиган тарзда олиб бориш ҳамда таълим олувчиларнинг диққатини жалб этишда кенг фойдаланиш мумкин. Таълимда компютерлар, электрон дарсликлар, интернет тизими ва бошқа воситалар ўқув жараёнида ўзлаштирилиши керак бўлган маълумотларни таълим олувчиларга етказиб берувчи техник воситалар ҳисобланади. Ахборот берувчи техник воситаларга турли электромеханик асбоблар, машғулотда кўргазмали тасвирларни кўрсатишга мўлжалланган телевизор, видеопроектор, смартфон мобил алоқа воситалари, товушли мултимедиа технологиялари ва бошқалар киради.

**Ўқув жараёнида ахборот технологияларининг имкониятлари.** Ҳозирги кунда ўқув жараёнига ахборот технологияларини жорий қилмасдан, янги педагогик технологиялар ҳамда таълим методикаси билан боғлиқ бошқа инновациялардан фойдаланмасдан туриб, ижобий натижага эришиб бўлмайди. Замонавий дидактик талабларни, айниқса мутахассислик фанлари бўйича

автоматлаштирилган ўқитиш тизимларининг техник имкониятлари ҳамда компьютерлардан фойдаланган ҳолда муваффақиятли амалга ошириш мумкин.

Мавзуларни чуқур ўзлаштириш учун лаборатория ишларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

**Виртуал лабораториялар. Виртуаллик** — ([лот.](#) virtualis эҳтимолий, мумкин бўлган) - реал мавжуд бўлмаган, аммо маълум шароитларда юзага келиши мумкин бўлган объект ёки ҳолат.

**Виртуал лабораториялар электрон** — таълимий муҳитда реал ҳаётий объектлар ҳатти-ҳаракатини моделлаштириб, таълим олувчиларга асосан мутахассислик фанларидан янги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишга имкон беради. Виртуал лаборатория термини остида мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида лаборатория машғулотида лаборатория қонун-қоидаларини бажариш учун зарур бўлган компьютер ахборотлари жамланмаси тушунилади.

Виртуал лабораторияларни яратишдан мақсад – ўрганиш жараёнини ҳар томонлама, тўлиқ визуаллаштириш, таълим олувчининг ўрганиш жараёнининг мазмун-моҳияти тўлиқ идрок этиш ва тушунишдир.

Виртуал лабораториянинг афзалликларини К.И. Богатиренко қуйидагича изоҳлайди: бу «Методик материалларни ишлаб чиқишга сарфланадиган вақтни кескин камайтириш ва асосий эътиборни ўрганиладиган назариянинг методлари ҳамда олинган натижаларни таҳлил қилишга қаратиш имконини берадиган» воситадир .

**Виртуал лабораториянинг имкониятлари:**

- Лаборатория шарт-шароитларида бажарилиши принципиал мумкин бўлмаган жараёнларни моделлаштириш имконияти
- Хавфсизлик
- Вақт ва ресурсларнинг тежалиши
- Бажарилган лаборатория натижаларининг автоматик тарзда ҳисобланиши
- Виртуал лабораторияларни масофавий таълимда қўллаш имкониятининг мавжудлиги
- Виртуал жараённи бошқариш компьютернинг зиммасига тушишини ҳисобга олиб, киритилаётган параметрларни ўзгартириб, тажрибалар сериясини ўтказиш имконияти мавжудлиги
- Ўтказилаётган лаборатория тажрибасини вақтнинг бошқа масштабларида кузатиш мумкинлиги.

Бундан ташқари, виртуал ахборот-таълим лабораторияси шароитида ўқув моделлаштириш орқали билимнинг янги соҳаларини ўрганишда таълим олувчиларнинг мустақил фаоллиги ортади, фаолияти давомида юзага келадиган муаммоларнинг ечими вариантларини мустақил топиш ва олинган билимларни амалиётда қўллаш малакаси шаклланади. Демак, таълим олувчиларнинг мустақиллигини ривожлантиришга кўмаклашадиган виртуал лабораториялардан фойдаланиш электрон таълимий компьютер маҳсулотини жорий қилишда муваффақиятнинг узвий қисми саналади.

## **РОЛЬ МЕЖДУНАРОДНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ**

*М.Т. Курбанов*

*Инженерно-технологический институт*

В своих выступлениях об образовании в Республике Узбекистан Президент Ш.М. Мирзиёев отметил, что «...в современных условиях, когда главным показателем конкурентоспособности страны всё в большей мере становятся уровень и качество жизни населения, возрастает роль образования – важнейшего фактора прогресса...Вопрос воспитания всесторонне развитых личностей является для нас очень актуальным» [1,2].

Научно-технический прогресс, информационная и компьютерная революция, становление индустрии знаний и идей, развитие новых технологий, экономический кризис диктуют новые задачи образования. Включение высшей школы в процесс Болонских реформ актуализирует задачу обеспечения подготовки высококвалифицированных специалистов. Выход на новое качество образования связано с переориентацией учебного процесса на активизацию самостоятельной учебной деятельности студентов и повышение её эффективности. Умение работать самостоятельно в период получения профессионального образования становится не просто пожеланием, а достаточно очевидной необходимостью. Наличие учебных планов, соответствующих требованиям мировой экономики, становится чрезвычайно важным в нашем глобальном мире. Будучи «глобальными» по своим масштабам и возможностям, эти требования существенно влияют на внутренний экономический рынок государств [3].

Мы являемся свидетелями растущего числа международных совместных предприятий, производственных объектов и международных операций в сфере бизнеса, идущих параллельно с потоками трудовой миграции. Сокращение перечня специальностей высшего специального образования влечёт за собой расширение профиля деятельности выпускников, предполагает повышение возможностей для перехода специалиста из одной отрасли в другую, что диктуется не только планово-распределительными соображениями, но и реальными жизненными ситуациями, связанными с перестройкой и модернизацией производства, личными планами. В результате такой динамики необходимость усовершенствования учебных планов, отвечающих тенденциям постоянно меняющихся требований экономики и рынка, велика как никогда прежде, в особенности, применительно к национальным особенностям и местным условиям.

Развитая система подготовки педагогических кадров и повышения их квалификации в Германии представляет для нас особый интерес. Совместное сотрудничество с Программой Deutsche Gesellschaft für Internationale Zusammenarbeit (GIZ) GmbH «Профессиональное образование в Центральной

Азии» вносит свой вклад в совершенствование системы подготовки педагогических кадров для профессиональных колледжей и дальнейшего повышения их квалификации. Мы совместно с представителями Программы, экспертами из Германии и институтами - партнёрами активно занимаемся разработкой современных учебных планов в области профессионального образования, отвечающих требованиям и нуждам реально существующего рынка труда.

Структура и содержание программы разрабатываются в соответствии с международно-признанными стандартами, такими как Болонские критерии, принципы профессионального образования в Германии и адаптируются к местным условиям и потребностям рынка Узбекистана. В рамках Программы (GIZ) улучшена материальная база института, что способствует повышению качества подготовки студентов. Укрепляется международное и региональное сотрудничество путём обмена информацией по выполняемым научно-исследовательским и методическим работам, совместным проектам и участию в региональных семинарах, по итогам которых получены международные сертификаты соответствия. Материалы семинаров включены в методические указания для проведения лабораторно-практических занятий по специальным дисциплинам.

Разработана и аккредитована Европейским аккредитационным агентством Модельная учебная программа для Центральной Азии в области профессионального образования по пищевым технологиям. При поддержке Программы модернизирован учебный план по направлению бакалавриата «Технология хлеба, макаронных и кондитерских изделий». В современных учебных планах усилена практическая направленность содержания профилирующих курсов: изменены акценты в учебной деятельности, взято направление на интеллектуальное развитие личности, снижена доля репродуктивного труда. В учебной деятельности используется и увеличивается доля заданий, имеющих творческий, поисковый характер.

Таким образом, внедрение зарубежного передового опыта, современных педагогических и информационных технологий в сферу подготовки профессиональных кадров для промышленности в настоящее время особенно актуально для повышения качества образовательных услуг.

#### **Литературы:**

1. Мирзиёев Ш.М. Критический анализ, жёсткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя: Доклад на расширенном заседании Кабинета Министров, посвящённом итогам социально-экономического развития. – Ташкент: «Узбекистан», 2017. – 104 с.
2. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. – Ташкент: ИПТД «Узбекистан», 2018. – 88 с.

3. Мирзиёев Ш.М. Мы все вместе построим свободное демократическое и процветающее государство Узбекистан. – Ташкент: «Узбекистан» НМИУ, 2016. – 56 с.
4. Акулич М. М. Образование в условиях глобализации / М.М. Акулич // Университетское управление. - 2005. - № 5 (38). – С.34-42.

## СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ВОЗОБНОВЛЯЕМЫХ ИСТОЧНИКОВ ЭНЕРГИИ

*М.М. Мирзажонов, К.М. Маликова, М.М. Мирхомитов  
Ферганского филиала Ташкентского университета информационных технологий*

**Аннотация:** В данной статье говорится как о традиционных источниках энергии, так и о возобновляемых. Описывается процесс практического использования возобновляемых источников энергии.

**Ключевые слова:** традиционные источники энергии, возобновляемые источники энергии, солнечная энергия, энергия воды, энергия ветра.

**Annotation:** This article refers to both traditional energy sources and renewable sources. The process of practical use of renewable energy sources is described.

**Keywords:** traditional energy sources, renewable energy sources, solar energy, water energy, wind energy.

Во многих слаборазвитых странах жгут древесину для отопления и освещения жилищ, тогда как в развитых странах для получения электроэнергии сжигают различные ископаемые источники топлива — уголь, нефть и газ, которые сформировались из остатков древних растений и животных, обитавших на Земле миллионы лет назад. Эти виды топлива добываются из недр и сжигаются для получения электроэнергии. Однако использование ископаемых источников топлива создает серьезные проблемы. При современных темпах потребления известные запасы нефти и газа будут исчерпаны уже в ближайшие 50 лет. Запасов угля хватит лет на 250. При сжигании этих видов топлива образуются газы, под воздействием которых возникает парниковый эффект и выпадают кислотные дожди. Результат, природные источники энергии становятся очень дорогостоящими.

Постепенное истощение запасов традиционных источников энергии ставит перед учёным всего мира, актуальную задачу, поиска новых видов возобновляемых источников энергии [1].

Возобновляемая (регенеративная) энергия («зеленая энергия») - энергия из источников, которые, по человеческим масштабам, являются неисчерпаемыми.. В 2006 году около 18% мирового потребления энергии было удовлетворено из возобновляемых источников энергии[2]. В 2010 году 16,7% мирового потребления энергии поступало из ВИЭ. В 2013 году этот показатель составил 21% [3].

Термин возобновляемые источники энергии (ВИЭ) применяется, в первую очередь, по отношению к тем источникам энергии, запасы которых восполняются естественным образом, прежде всего, за счет поступающего на поверхность Земли потока энергии солнечного излучения, и в обозримой перспективе являются практически неисчерпаемыми. Это, главным образом, сама солнечная энергия, а также ее производные: энергия ветра, солнечная, энергия водных потоков и т.п. К возобновляемым источникам энергии относят также геотермальное тепло, поступающее на поверхность Земли из ее недр.

Использование солнечной энергии известно ещё с древних времён, а её эффективное использование уже установилось в наше время.

Данный вид энергетики основывается на преобразовании электромагнитного солнечного излучения в электрическую или тепловую энергию.

На основе данного метода работают солнечные электростанции. Они используют энергию Солнца как напрямую (фотоэлектрические СЭС работающие на явлении внутреннего фотоэффекта), так и косвенно — используя кинетическую энергию пара.

Земля получает громадное количество солнечной энергии. Она ежесекундно заряжается от солнца 2000 Вт. Именно благодаря данной энергии на земле проходят важнейшие циклы, например водный. Так же следует отметить, что цена на солнечную энергию со временем снижается по сравнению с другими источниками. Вскоре она может сделать неэффективным использование других видов энергии [2].

Возникает вопрос, что используют для преобразования солнечной энергии.

**Солнечные коллекторы (СК)** являются техническими устройствами, предназначенными для прямого преобразования солнечного излучения в тепловую энергию в системах теплоснабжения для нагрева воздуха, воды или других жидкостей.

**Солнечные фотоэлектрические установки** осуществляют прямое преобразование энергии солнечного излучения в электроэнергию с помощью фотопреобразователей.

Солнечная фотоэлектрическая установка состоит из солнечных батарей в виде плоских прямоугольных поверхностей, работа которых состоит в **преобразовании энергии солнечного излучения** в электрическую энергию. Электрический ток в фотоэлектрическом генераторе возникает в результате процессов, происходящих в фотоэлементах при попадании на них солнечного излучения. Наиболее эффективны фотоэлектрические генераторы, основанные на возбуждении электродвижущей силы (ЭДС) на границе между проводником и светочувствительным полупроводником (например, кремний) или между разнородными проводниками [4].

Наибольшее распространение получили солнечные фотоэлектрические установки **на основе кремния** трех видов: монокристаллического, поликристаллического и аморфного.

Для фотопреобразователей из монокристаллического кремния в лабораторных условиях на опытных образцах достигнут КПД 24%. На малых опытных модулях — 18%. Для поликристаллического кремния эти рекордные значения равны 17 и 16 %, для аморфного кремния на опытных модулях достигнуты КПД около 11 %.

Энергия воды, так же как и солнца является очень перспективным возобновляемым источником энергии.

Вероятно, не найдется человека, который не имеет хотя бы поверхностного представления о том, что такое гидроэлектростанция. Обычно эти сооружения строятся непосредственно на источнике воды или рядом ним. Они представляют собой электростанции, использующие поток воды в качестве источника энергии. Неотъемлемыми частями любой гидроэлектростанции являются плотина и водохранилище. Эффективность производства ГЭС напрямую зависит от бесперебойного обеспечения водой на протяжении всего года, уклона реки, а так же вида рельефа [5].

Благодаря использованию энергии, получаемой от эксплуатации потока воды, затраты на электроэнергию на ГЭС ниже, чем на тепловых электростанциях более чем в два раза. Работа ГЭС может вестись при работе турбин на любой мощности – от практически нулевой до максимальной. Это делает возможным плавное изменение мощности, необходимое для регулирования выработки электроэнергии. Важной для современного мира является возобновляемость источника энергии ГЭС. Сток реки практически не подвержен никаким изменениям. Специалисты отмечают, что благодаря водохранилищам, строящимся при ГЭС, климат в местности расположения объекта значительно смягчается.

К сожалению, у строительства ГЭС есть свои минусы. Обычно по-настоящему эффективные ГЭС значительно удалены от потребителя. Строительство требует больших затрат по сравнению с теми, что необходимы для возведения тепловой электростанции. Плотины наносят урон рыбному хозяйству, т. к. перекрывают путь к местам нереста.

Следующий вид возобновляемой энергии - энергия ветра используется человеком уже не первое тысячелетие. Ветер надувал паруса и вращал мельницы. Для использования энергии ветра создавались самые разнообразные устройства, предназначенные для выработки электроэнергии и для других целей. Ветер вращает лопасти ветряка, приводящие в действие вал турбины, связанной с электрогенератором [5].

**Энергия ветра** — это кинетическая энергия движущегося воздуха. Ветер, обладающий энергией, появляется из-за неравномерного нагрева атмосферы солнцем, неровностей поверхности земли и вращения Земли. Скорость ветра определяет количество кинетической энергии, которая может быть преобразована в механическую энергию или электроэнергию. Механическая энергия может использоваться, например, для помола зерна и перекачивания воды. Механическая энергия может также использоваться для работы турбин, которые производят электричество. Данная работа

сосредоточена именно на ветровой электроэнергии, а не на других неэлектрических формах энергии ветра.

Существует два основных способа, с помощью которых энергия ветра может быть преобразована (как для механических, так и для электротехнических целей): использование либо силы «аэродинамического сопротивления», либо «подъема». **Способ аэродинамического сопротивления** означает простое размещение одной стороны поверхности против ветра, в то время, как другая сторона находится с подветренной стороны. Движение за счет аэродинамического сопротивления происходит в том же направлении, что и дует ветер. Способ подъема несколько изменяет направление ветра и создает силу, перпендикулярную направлению ветра. Способ аэродинамического сопротивления менее эффективен, чем способ подъема.

Скорость ветра необходимая для выработки электроэнергии должна быть, по крайней мере, 2,5–3 м/с и не более 10–15 м/с. Многие районы Земли не пригодны для размещения ветровых установок, и почти такое же количество районов характеризуется средней скоростью ветра в диапазоне (3–4,5 м/с), что может быть привлекательным вариантом для производства электроэнергии [6].

В общих чертах, потенциал производства ветровой электроэнергии зависит от следующих четырех факторов:

- широта и преобладающие режимы ветра
- рельеф и высота
- водоемы
- растительность и застройка территории

<sup>3</sup> Информатика ва ахборот технологиялари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик // Муаллифлар жамоаси: С.С.Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, Б.А.Бегалов ва бошқ.; С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “-----”, 2010. – 765 б.; Абдуллаев Ё, Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма.-Т.: IQTISOD-MOLIYA. 2009.-548 б.

“рақамли” муҳитга асосланади. Alibaba group компаниясида харидорлар ва сотувчилар муносабатлари рақамларда ифодаланган.

Инсоният глобал ўзгаришлар даврига кирди. Яқин келажакда унинг ҳаётий фаолияти, иқтисодий ва бошқаруви, фан ва техниканинг асосий соҳалари янги шакл ва мазмунга эга бўлади. Инсон тафаккури дунё қараши ижтимоий муносабатларнинг ўзгаришига олиб келади. Рақамли технологияларни, рақамли сўзлашувларни ҳаётга кириб келиши келажакдаги дунёнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Бу микроэлектроника, ахборот технологиялари ва телекоммуникация соҳаларидаги тараққиётга боғлиқ бўлади. Шундай қилиб рақамлаштириш объектив муқаррар жараён дир ва уни тўхтатиш мумкин эмас.

Рақамлаштириш билан боғлиқ энг муҳим таҳдидлардан бири қуйи ва ўрта малака мутахассислари бўйича оммавий ишсизлик бўлиб, ўрта синфнинг тубдан қисқариши эҳтимоли бор, чунки бундай ишлар автоматик тарзда амалга оширилади ва биринчи навбатда улар роботларга алмаштирилади. Масалан, ҳозирда Хитойда тикув фабрикаларида махсус кийимларни ходимлар 5-7 дақиқа ичида тикиб битирса, роботлар эса (сунъий интеллект) 15-17 сонияда бажаради.[4]

Рақамли иқтисодийнинг вужудга келиши янги ахборот технологияларини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу икки жараённи бир-биридан алоҳида муҳокама қилиш мумкин эмас. Бизнинг фикримизча, ахборот технологияларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, рақамли иқтисодийни яратиш учун зарур бўлган асос дир. Тадқиқотнинг ахборот базаси бўлиб Жаҳон банкининг, Осиё тараққиёт банкининг, Ўзбекистон Республикаси статистик қўмитасининг материаллари олинди. Тадқиқотда мантиқий таққослаш, дедактив ва индуктив усуллари, динамик қаторларни статистик усуллар ёрдамида қайта ишлаш, корреляцион регрессион таҳлил кенг қўлланилди.

### **Тадқиқотдан олинган асосий натижалар**

Ҳозирги вақтда рақамли иқтисодийни моҳиятини, хусусиятини ва белгиларини аниқ бир таърифи йўқ. “Рақамли иқтисодий кўп қиррали фаолият бўлиб, унда рақамли ахборот ва билимлар ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида қўлланилади, зарурий фаолият майдони тариқасида замонавий ахборот тармоғи иқтисодий структурасини оптималлаштириш ва унумдорликни оширишнинг етакчи омили тариқасида АКТ лар самарали қўлланилади”<sup>10</sup>.

Рақамли иқтисодий тушунчаси XX аср охири, XXI аср бошларида Николас Негропonte томонидан қўлланилган.[7] У реал иқтисодий билан виртуал иқтисодийни бир-биридан фарқлаб виртуал иқтисодийнинг афзалликларини кўрсатиб берган. Масалан, рақамли иқтисодийда товарлар ва хизматлар кодланади, штрих код 13 та рақамдан иборат бўлади, мисол

<sup>10</sup>How big is China’s Digital economy?, Bruegel, Working Paper, Issue 04, 17 May, 2018

сифатида 8710335230431 кодини оладиган бўлсак, коднинг биринчи икки рақами 87 товарнинг Нидерландияда ишлаб чиқарилганлигини билдирса, кейинги 5 та рақам 10335 товар ишлаб чиқарилган фирманинг бу мамлакатда рўйхатга олинган рақамини билдиради. Кейинги бешта рақам 23043 товарнинг хусусиятлари (сифати) ҳақида маълумот беради. Охирги рақам 1 эса товар кодини назорат қилишни билдиради. Товар ҳақиқий ёки қалбаки эканлиги аниқланади. Реал ва виртуал борлиқнинг қўшилиб, бирлашиб кетиши гибрид, “ҳамкор” иқтисодиётни вужудга келтиради. Бу шароитда корхонада бошқарув ишлари, меҳнат ҳаражатлари, мурожатлар, аризалар, ҳисоботлар, тўлов ҳужжатлари, деклорациялари, солиқ тўловлари, банк билан ишлаш, кредит шартномалар, электрон кўринишда амалга ошади. Интернетда ишлаш, ахборот алмашинувлар очик-ошкора бўлади, кўзбўямачиликлар, найрангбозликлар камаяди. Иқтисодиёт ошкор бўлади, статистик маълумотлар очик бўлади, “яширин” иқтисодиёт кескин камаяди, коррупцияга чек қўйилади, даромад қилаётган фуқаролар оммавий равишда солиқ агентига айланади. Виртуал валюталар – рақамли иқтисодиёт валюталари биткоин, криптовалюталар ва блокчейнлар ҳаётимизда кенг қўлланилмоқда. Биткоинни афзал томони шуки, воситачилар доимо қуриқ қолишади, текин даромад бўлмайди [8].

Миллий бозорларнинг ривожланиб, халқаро иқтисодий тизимларга кириб боришини электрон бизнесиз тасаввур қилиб бўлмайди. Яъни, кенг маънода замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланмасдан савдо операцияларини, яъни товарга буюртма бериш, тўловларни амалга ошириш, товарларни истъеъмолчиларга етказиб бериш, савдо хизматларини бажариш каби ишларни бажариб бўлмайди. Шу ўринда электрон бизнесдан чакана ва улгуржи савдо, савдо биржалари кенг кўламда фойдаланилади. Электрон тижорат усулларини кенг қўлланилиши интернет-технологиялар электрон-логистика, электрон тўловлар электрон шартномалар кўринишида намоён бўлмоқда. Шу маънода электрон бизнес замонавий АКТ хизматларидан савдо-сотик жараёнида унумли фойдаланишини англатади.

Интернет 1982 йилда пайдо бўлган, шу даврда виртуал дунё ҳам шакллана бошлаган. Ўшандан бери форумлар, он-лайн компьютер ўйинлари, ижтимоий тармоқлар ва бошқалар каби тармоқ технологияларининг янги компоненталари билан тўлдирилиб, фаол ривожланмоқда. Ушбу блокларнинг ҳар бири бир вақтнинг ўзида виртуал оламнинг тизимли занжирлари ва уни реал дунё билан боғловчи кўприқдир [7,8].

Рақамли иқтисодиёт бу интернет иқтисодиёти, электрон бизнес ва электрон тижорат ёрдамида ишлаб чиқилган ва сотилаётган рақамли технологияларга асосланган иқтисодий фаолиятдир. Бу ерда товарлар ва хизматлар электрон формада сотилади. Рақамли иқтисодиётда хизматлар ва товарлар учун тўловлар кўпинча электрон пулларда рақамли банклар орқали амалга оширилади. Виртуал (рақамли) электрон валюта – пул сифатида муомалага киритилади, улар моддий эквивалентга эга бўлмаган нақд тангалар ва маълумотлар базасидаги кодлар жамланмасидир. Ҳозирда машҳур

криптовалюта пуллар Bitcoin, Ethereum, Ripple, IOTA, Bitcoin Cash, Stellar, Monero ва Litecoin лар ҳисобланиб, улар блокчейн номини олган (блоклар занжири).

Инновацион ғоялар оламида, иқтисодиёт соҳаларида катта шов-шувларни вужудга келтираётган воқеалар бу криптовалюталарни ҳаётимизга кириб келишидир. Айнан бу виртуал валюталарни ҳаётимизга кириб келиши катта зиддиятларни, тотитувларни вужудга келтирмоқда. Бир гуруҳ одамлар бу валюталар тўлов воситаси бўла олмайди деса, яна бир гуруҳи келажакда бу пуллар анънавий пулларни сиқиб чиқаради, бизнес юритишда асосий тўлов воситасига айланади деб айтмоқдалар. Бу виртуал пулларни жуда кўп тарқалгани Bitcoin рақамли пуллардир. У блокчейн базасида янги ечимларни топиш мақсадида доимий изланишлар олиб бормоқда ва ҳозирги вақтда “рақамли олтин” номини олган. Кейинги виртуал пул Ethereum бўлиб, on-line заминида, смарт шартномлар технологиялари ёрдамида 2015 йилда вужудга келган бўлиб “рақамли нефть” деб юритилмоқда ва унинг капиталлашуви 28 млрд. АҚШ долларига тенг. Кейинги криптовалюта Ripple (2012 й.) бўлиб, реал ҳаётда компаниялар ўртасида молиявий операцияларда тезкор, хавфсиз ва бепул трансакцион харажатларни таъминлаш учун ишга тушурилган.

OECD мамлакатлари ЯИМ даги рақамли иқтисодиётнинг улуши 2011 йилда Австрияда энг кам (3,8%) ва Ирландияда энг кўп (12%) ни ташкил этди. Аҳоли бандлигида унинг улуши Грецияда энг кам (1,8%) ва Финландияда энг кўп (6,3%) ни ташкил этди. 2015 йилда АКТ товарларининг жаҳон экспортидаги Хитойнинг улуши 26,6 %ни, Жанубий Кореянинг улуши 20 %ни, АҚШники 7,5% ни ва Россияники 1,5% ни ташкил қилди. Ҳозирги вақтда Хитойда, Японияда UniCredit Santander ва UBS каби молиявий гигантлар виртуал пулларда актив ҳамкорлик қилмоқдалар. Ripple ўзининг 7 млрд. долларлик капиталлашувига эга. Кейинги виртуал пул Iota бўлиб, бу рақамли пул асосан интернет буюмларини ишлаб чиқаришда муомала воситаси ҳисобланади. Iota билан савдо қилиш асосан Bitfinex биржасида бўлади, унинг капиталлашуви 2 млрд. долларга тенг. Яна бир виртуал пул Litecoin бўлиб, “рақамли кумуш” номини олган, унинг ҳар бир тангаси 50 долларга тенг бўлмоқда. Шунини ҳам айтиш керакки бу виртуал пуллар бирор бир давлат ёки компания, ташкилот жавобгар эмас. Бу виртуал пуллар ҳеч қандай моддий эквивалентга эга эмас, шунчаки маълумотлар базасидаги кодлар жамламасидир. Бир биткоин бир ҳамёндан иккинчи ҳамёнга қанча пул кетганини ёки келганини кўрсатувчи воситадир. Шу ўринда барча ҳамёнлар махфий (эгаси ким эканлиги айтилмайди). Сиз биткоинлар олди сотисини кўришингиз мумкин, бунинг учун сиз криптовалюталар тармоғига уланишингиз керак. Виртуал пулларни яратилишида маълум қонун-қоидалар қўлланилган. Пуллар инфляцияга учрамаслиги учун уларнинг миқдори қатъий чекланган.

Инновацион ривожланиш даврида рақамли иқтисодиётнинг хиссаси ортиб бормоқда. Айниқса, Хитойда рақамли иқтисодиёт тез ривожланиб борапти Алибаба+Алиэкспресс (Alibaba, Ali Express) Тансет ва Хиаоми

компаниялари жаҳонда рақамли иқтисодиёт муҳитида етакчи бўлиб туришибди. Улар жаҳон бозорига рақамли товар ва хизматларни экспорт қилишда олдинда бормоқдалар. “Рақамли иқтисодиёт” кўп қиррали фаолият бўлиб унда рақамли ахборот ва билимлар ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида қўлланилади ва самарадорликни оширишнинг асоси сифатида АКТ қўлланилади [3,4].

2018 йилда Хитой аҳолисининг мобил тўловлари 980 млрд долларни ташкил этиб, АҚШга қараганда 11,5 баробар кўп бўлди. Хитойда мобил технологиялардан фойдаланиб бизнес юритиш оммавийлашган. Буларнинг сабаби Хитойда рақамли бизнес учун рақобат муҳитини мавжудлиги, қолаверса давлатнинг рақамли иқтисодиёт соҳасига берган имтиёзлари ва ниҳоят электрон бизнеснинг катта бозори мавжудлигидир.

Кейинги ўн йилликда Хитой ва Ҳиндистоннинг жаҳонда электрон тижорат трансакцион харажатлардаги салмоғи 40 фоизга ошди. Айниқса, бугун Хитойнинг интернет тижорат трансакциялари Франция, Германия, Япония, Буюк Британия ва АҚШникидан (биргаликда олинганда) кўпдир. Хитойда 2018 йилда 801 млн. интернет хизматидан фойдаланувчилари бўлиб, ундан 700 млн.га яқини мобил технологиялардан фойдаланиб бизнес юритадилар.

Рақамли иқтисодиётнинг Ўзбекистонда ва жаҳонда ривожланиши ўзига хос бўлиб, нотекис тараққи й этмоқда. Мобил алоқалар ҳар 100 кишига Ўзбекистонда 77,3 жаҳонда 100 тани ташкил қилади. Компьютер мавжуд бўлган хонадонлар сони ҳар 100 та хонадондан Ўзбекистонда 44,0 та, жаҳонда 47 та, интернетдан фойдаланувчилар фоизи Ўзбекистонда 46,8 % бўлиб, жаҳонда 46,0 %ни ташкил этмоқда. Интернет тармоғида фойдаланувчилар учун интернет тармоқ тезлиги Ўзбекистонда (kbit/s) 5,7 ни ташкил қилиб, жаҳонда 74,5 бўлганлигини кўриш мумкин[5].

2016 йилги Жаҳон банкининг рақамли иқтисодиётга мослашиш индексида (Digital Adoption Index) Хитой 131 мамлакатлар орасида 50 ўринни эгаллаган бўлса, Ҳиндистон эса 61 ўринни эгаллаб турибди. Бу давлатларда электрон бизнес муҳитида интернет тезлиги яхши таъминланган. Ривожланган давлатларда Ялпи ички маҳсулотда ЯИМ таркибида рақамли иқтисодиётни ҳиссаси ортиб бормоқда, ўртача бу ўсиш 7 фоизга тенг бўлиб Boston Consulting Group компанияси рақамли хизматлар миқдори 2,3 трлн. долларга тенг бўлса, катта G-20 давлатларида 4,1 фоизга тенг бўлган. 2030 йилларга бориб рақамли иқтисодиёт жаҳон ялпи ички маҳсулоти таркибида 40 фоиз улушга эга бўлади деб башорат қилинмоқда.

Биткоин мавжуд валютанинг биринчи ва энг кенг тарқалган тури ҳисобланади, блокчейн технологиясидан фойдаланади. Ҳозирда 1 биткоин 31 млн 25 минг 827 сўм 45 тийинга (31 025 827, 45), ёки 3736.16 долларга (21.01.2019 йил) тенг бўлган бу миқдор нисбий, ўзгарувчан. Биткоин қиймати махсус алмашинувлар бўйича аниқланади. Ҳозир 21 млн.та биткоин пул мавжуд бўлиб у 70 млрд долларни ташкил қилади. Бугун биткоин виртуал ва реал шаклларда мавжуд бўлиб, кундалик тўловларда ишлатилмоқда.

Блокчейн технологияси биткоин учун махсус ишлаб чиқилган ва уни хафвсизлигини таъминлайди. Натижада биткоин тангаларини сохталаштириб бўлмайди ва уни ҳаракат доираси трансчегарага эга эмас.

Кембриж университети мутахассислари маълумотига кўра 2015-2018 йиллар мобайнида биткоин пуллардан фойланувчилар сони 8,5 млн.дан 47 млн.га етган. Келажакда криптовалюталар миқдори давлат бюджетлари билан таққосланиши мумкин. Биргина Forex онлайн молиявий бозорида бир суткада валюталар айланмаси 5 трлн. АҚШ доллари қийматига тенг бўлган.

Савдо соҳасидаги АКТ хизматларидан, интернет хизматларида фодаланиш савдо операцияларидаги харажатларни кескин камайишига, экспорт-импорт операцияларини содалаштиришга олиб келади ва булар қуйидаги кўринишда бўлади: Электрон аукционлар, савдо шаҳобчалари, интернет биржа, товар ва хизматлар каталоги, электрон рақамли банклар, электрон тижорат, мобил телефонлар ёрдамида савдо юритиш, электрон почталар, электрон маркетинг ва х.к. бу ерда электрон банклар мижозларга ҳисоб-рақамларини очишга ва турли ҳил молиявий операцияларни Web сайтлар ёрдамида бажаришга ёрдам беради. Электрон савдо бу виртуал иқтисодий муҳит бўлиб, интернет технологиялари ёрдамида электрон тўловларни амалга оширади.

Электрон бизнес кўринишлари масофавий ўқитиш (e-education) тармоқ (сетевые) кутубхоналари хизмати, тибий хизматларини, маслаҳатларни интернет орқали бериш (e-health), интернет-лизинг. Электрон бизнес жараёнида виртуал магазинлар суткасига 24 соат ишлайдилар ва харидор учун зарур маълумотларни бир дақиқа ичида тайёрлаб беради. Электрон савдода сотувчилар ва харидорлар интернет технологиялари ёрдамида учрашадилар ва келишув шартномаларини тузадилар.

Агар анъанавий магазинлар ва виртуал магазинларни таққосласак қуйидагилар маълум бўлади. Савдо заллар – виртуал магазинлар, харидорлар товарларни томоша қилиши, танлаши, виртуал магазинда сервер саҳифалар билан танишиши, харидорлар товарларни танлаши ва буюртма бериши. Виртуал магазинларда харидорни сотувчидан телефон орқали маслаҳатлар олиши ва буюртмаларни сервер орқали бериши, товар учун тўловларни электрон усулда компьютер орқали бажариши ва ҳоказоларда фаркланади. Бу жараёни содда қилиб тушунтирсак харидор ўзи ёқтирган товарлари учун тўловларни On-line орқали интернет саҳифаларига кириб буюртма беради, тўловларни пластик карталар, рақамли пулда, биткоин тангаларда электрон усулда бажаради.

Сотувчи эса почта хизматидан фодаланиб товар кодини аниқлаб, e-mail ёрдамида товарни мижозни манзилига жўнатади ва бу ҳақида мобил телефон орқали хабар беради. Электрон магазинларни камчилиги бор, сотиб олинган товарлар учун тўловларни бажаргандан сўнг товарларни олиш бир оз қийинчилик туғдиради. Анъанавий магазинлар товар ва хизматларни мижозларга етказиб беришда жуда кўплаб харажатлар килинади, виртуал магазинларда товар ва хизматлар қиймати 30-40 фоизгача арзонлашиб кетади.

Корхона ва фирмаларнинг виртуаллаши жараёнида виртуал бозорлар вужудга келмоқда, улар реал ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда. Бу жараёнларда йирик корхоналар инқирозга учраб, кичик ва ўрта корхоналар ҳаётига яхши мослашмоқдалар. Виртуал корхоналар (фирмалар) катта капитал ишлатмайдилар, улар остида савдо маркаси, брендлардан фодаланиб, “сотувчи-мижоз”, “ишлаб чиқарувчи-истеъмолчи” принципида иш олиб борадилар.

“Рақамли дунё”да ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар, компания ва фирмалар ўртасидаги савдо муносабатлар рақамли банкларнинг асосий фаолиятига айланади. Рақамли банклар ижтимоий тармоқлар орқали мижозлар билан “учрашади” ва мижознинг қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб беради, уларга хилма-хил хизматларни таклиф қилади, мақсадли кредитларни кичик фоизларда таклиф қилади. Ҳар қандай чекловлар йўқ бўлади. Рақамли банкларда мурожаат марказлари, банкоматлар, онлайн ва мобил банк хизматлари ишлаб турибди.

Банк тўлов тизимлари ҳамма қулайликларга эга Uber ва Starbucks карталарда амалга оширади. Facebook ва Skype орқали банк хизматларини барча турлари эълон қилинади. Мулоқот марказларида мижозларни қизиқтиргани саволларга тезкор жавоблар берилади. Мижоз банкка савол бериш учун телефон қилади ва бир неча сония ичида жавоб олади. Банкларда мижозлар билан алоқа қилиш учун Facebook да махсус гуруҳ жамоаси ишлаб туради. Доимий мижозларга йиллик бонуслар таклиф қилинади.

Ҳозирги вақтга келиб корхоналар, компаниялар ва банклар хўжалик фаолиятини акс эттирувчи зарур маълумотларни файлларга киритиб электрон архивларда сақлашмоқдалар. Бу жуда қулай, ишончли ва хавфсиз, узоқ даврга маълумотларни дахлсизлигини сақлаб туради. Масалан, Россияда маълумотлар жамламаси корпоратив шаклда ЭТЛАС электрон библиотекасига жойлашган.

Ҳозирда Ҳиндистонда (ICICI Bank), Туркияда (Akbank, Deniz Bank), Польшада (PKO Bank, mBank, Alior Bank), Украинада (ПриватБанк), Беларуссияда (Insync.by), Россияда (ЯндексБанк) мавжуд рақамли банклар кичик бизнес субъектларига сифатли ва ишончли хизматлар кўрсатиб келмоқда. Россия ва Беларуссия Ўзбекистон билан ҳамкорликда рақамли банклар (7 та) ишга тушуриш бўйича ишларни амалга оширмоқда.

2019 йилга келиб электрон ахборотлаштириш иқтисодиётнинг барча жабҳаларини қамраб олди. Электрон алоқа воситалари орқали давлат идоралари, бизнес муҳит, шунингдек, ҳукумат ва унинг хизматлари истеъмолчилари – бизнес ҳамда аҳоли ўртасида ахборот ҳужжат айланиши таъминланади.

Электрон ахборот, мониторинг ва бошқарув тизимлари барча замонавий ишлаб чиқариш ва йирик хизмат кўрсатиш соҳалари, чунончи, аҳолини электр, сув ва газ билан таъминлаш соҳалари қамраб олинади. Электрон бошқарув барча турдаги транспорт коммуникациялари, шу жумладан, умумдавлат ва

давлатлараро автомобиль йўллари билан таъминланади. Суғориладиган деҳқончилик тизимида электрон бошқарув жорий этилади.

Мамлакатлардаги рақобатчилик муҳитининг кучайиши муносабати билан Интернет хизматлари операторлари ва провайдерлари сони муттасил кўпайиб бормоқда, уларни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

1 – Жадвал

**Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиш ва ривожланиш кўрсаткичлари (2016 йил)**

Кўрсаткичлар	Ўзбекистон	МДХ	Жаҳонда	ХХР да
Стационар телефон алоқаси (ҳар 100 кишида)	11,3	20,7	13,6	14,7
Мобил алоқа (ҳар 100 кишида)	77,3	141,2	101,5	96,9
Фаолмобилтармоқалоқаси ((ҳар 100 кишида)	55,9	59,7	52,2	69,1
3 G доираси (умумийалоқаганисбати)	45,3	77,1	85	98
LTE/WiMAX доираси ((умумийалоқаганисбати)	16,9	45,9	66,5	97
Мобил алоқа нархи (ЯМД нисбати)	2,3	1,7	5,2	0,6
Мобил тармоқнархи 500МВ (ЯМД нисбати)	3,3	1,4	3,7	0,7
Мобил тармоқнархи 1G (ЯМД нисбати)	16,7	3,1	6,8	1,1
Компьютермавжуд бўлган хўжаликлар сони (ҳар 100 хўжаликдан)	43,9	67,4	46,6	52,5
Интернетгауланган хўжаликлар фоизи, %	75,4	68	51,5	55,5
Интернетдан фойдаланувчилар фоизи, %	46,8	65,1	45,9	53,2
Фойдаланувчи учун интернет тармоқ тезлиги (kbit/s)	5,7	59	74,5	14,7

Манба: <http://www.itu.int/eng/ITU-D/>

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, республикада ахборот коммуникация технологиялари ва интернет тизимини ривожлантиришга берилган катта эътибор туфайли соҳа тез ривожланмоқда. Аммо интернет тармоғининг тезлиги, мобил алоқа ва мобил тармоғи нархи, мобил алоқа мавжудлиги бўйича жаҳонда ва мустақил давлатлар ҳамдустлигида орқада бормоқда. Провайдерлар ва операторларнинг асосий қисми Тошкентда жамланган бўлишига қарамай, республика ҳудудларида, айниқса, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида уларнинг сони муттасил ошиб бориши кузатилмоқда. Бу эса бозорнинг ушбу сегментида рақобатнинг кучайиб бораётгани далолат бермоқда. Каналларнинг ўтказувчанлик лаёқати кўпайиши ва операторлар ҳамда провайдерлар сони ортиши баробарида,

Интернет тармоғига коммуникацияланган ва кенг таромқли фойдаланиш тизими абонентлари жадал суръатлар билан ошиб бормоқда [5].

Мамлакатда Интернет тармоғидан жамоавий фойдаланиш шаҳобчалари сони ортиб бормоқда (ЖФШ). Бунга ушбу шаҳобчалар фаолиятини лицензиялаш жараёнининг соддалаштирилиши ёрдам бермоқда. Интернет тармоғида уланиш учун Wi-Fi технологиясидан фойдланиш ҳам кенгаймоқда. Тажриба тариқасида фойдаланиш натижаларига кўра, Давлат радиочастоталар комиссияси томонидан республикада WiMAX технологияси бўйича кенг таромқли симсиз фойдаланиш тармоқларини ривожлантириш мақсадида ҳар бир опреторга частоталар тармоқли ажратиб берилган эди. Бу катта ҳудудларни қамраб олиш билан бирга симсиз тармоқларни яратиш имконини беради (50 километргача). Бунда маълумотларни узатиш тезлиги 32 дан 135 Мбит/с гачани ташкил этади. Шу билан бирга Wi-Fi технологияси бўйича симсиз фойдаланиш тармоқларини ривожлантириш учун частоталар ажратиб берилган. Улар симсиз локал (офис ичидаги) тармоқларни яратишга ва Интернет тармоғига маълумотларни узатиш тезлиги 54 Мбит/с бўлган юқори тезликка эга симсиз уланишларни вужудга келтиришга мўлжалланган.

Wi-Fi технологиясидан фойдаланилган ҳолда Интернет тармоғига уланиш ҳудуди кенгайтирилмоқда. Натижада Wi-Fi фойдаланиш нуқталари сони ортади..

Ўзбекистонда алоқа ва коммуникация соҳаси 2017 йил январь-декабрда алоқа хизматлари ҳажми 7215,7 млрд. сўмни ташкил этди ёки 2016 йил январь-декабрга таққосланганда (амалдаги нархларда) 26,9 % га ўсди. Мобил алоқа хизматлари (интернетни қўшган ҳолда) жами алоқа хизматлари ҳажмида 68,9 % ни ташкил этди ва 4971,2 млрд. сўмга, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани 4405,0 млрд. сўмга тенг бўлди. Алоқа хизматлари таркиби 2016 йил январь-декабрга нисбатан мобил алоқа хизматлари 24,6 % га, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани – 24,5 % га ўсди [5].

2018 йил 1 январь ҳолатига мобил алоқа билан таъминланган абонентлар сони 22504,5 минг. абонентни, шу жумладан аҳолида 21940,9 минг. абонентни ташкил этди. Аҳолини мобил алоқа билан таъминланганлиги ҳар 100 киши ҳисобига 68 бирликни ташкил этди. 2018 йил 1 январь ҳолатига Интернет тармоғига уланиш хизматларини кўрсатиш учун рухсатномага эга хўжалик юритувчи субъектлар сони 618 бирликни, жамоавий уланиш пунктларининг жами сони эса 445 бирликни ташкил этди. Халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказиш қобиляти 104,1 Гбит/с ни ташкил этди [5].

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ўқитиш усулларини жорий қилиш ҳамда олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар (олий ўқув юртларига қўшимча равишда шартнома асосида қабул қилиш, сиртқи ўқиш курсларини жорий этиш) ҳисобот даврида таълим соҳасидаги хизматларнинг ўсишига (120,6 %) таъсир кўрсатди.

Давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва халқнинг

кундалик ҳаётида ахборот-коммуникация технологияларини изчил жорий этиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг (117,3 %) ошишига олиб келди. Айтиш пайтда АКТ соҳаси мамлакат ЯИМ нинг 2,2 фоизини ташкил этади [5].

## 2 -Жадвал

### Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодий кўрсаткичлардаги тенденциялар (2000 – 2018)

Ўзгарувчилар	Ялпи ички маҳсулот	Жами истеъмол	Жами инвестициялар	Жами сарфланадиган даромад	Рақамли (АКТ) иқтисодиёт ялпи маҳсулоти
Тенденция	2.474.887** *	1.249.032***	991.087* **	1.896.820***	15.1123***
	(169.151)	(137.462)	(126.456)	(111.282)	(3.2341)
Эркин ҳад	13.441.939* **	7.325.727***	443.134* *	12.596.184** *	0.31265***
	(1.830.953)	(1.487.938)	(1.368.808)	(1.204.561)	(0.0543)
Кузатувлар сони	18	18	18	18	18
R-квадрат	0.930	0.838	0.793	0.948	0.897

\*\*\*  $p < 0.01$ , \*\*  $p < 0.05$ , \*  $p < 0.1$

Манба: Жаҳон банки ривожланиш индикаторлари, Осиё тараққиёт банки маълумотлари

Республикаимиз салоҳиятини таҳлил этиш ва макроиқтисодий кўрсаткичларни эконометрик моделлар орқали ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва прогнозлаш натижасида (2 жадвал га қаралсин) шуни таъкидлаш зарурки Президентимиз таъкидлаган 2030 йилга бориб рақамли иқтисодиётнинг ЯИМ даги улушини 30 фоизга етказиш тармоқнинг йиллик ўртача ўсиш суръатини 15 фоиздан юқори даражада ривожлантириш зарур бўлади [2]. Бунинг учун республикаимизда илмий салоҳият, моддий ва номоддий ресурслар етарли дейишимиз мумкин. Келажакда инновацияларга асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга туртки беришга қодир инновация институтларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бундай институтларни йирик ва кичик бизнесда турли давлат дастурлари, шунингдек, венчур жамғармалар ифода этади. Давлат инновация сиёсатини самарали амалга ошириш учун бу каби институтларни ташкил этишга қатъий эҳтиёж бор.

### Хулоса

Рақамли иқтисодиётда яшаш учун икки кўникмани ўрганишимиз керак. Биринчиси, фойдали ахборотни саралашни ўрганиш. Содда қилиб айтганда, баъзида оддий нарсаларга эътибор бермасдан, уларга бошқача кўз билан қараш, лозим бўлганда кўнгилчан бўлиш. Бу ҳолатда янгиликлар ва журналлар таҳлилчилари ҳамда шарҳловчиларига ишониш керак. Иккинчиси, биз бошқалар учун сараловчи ролида бўлишни ўрганишимиз лозим. Илм-фан ва таълим ходимлари учун асосийси, бу бизнес ёки кундалик ҳаётини воқеа бўлишидан қатъи назар, ахборотни тўплаш ва саралаш ҳамда уни билим каби бошқаларга беришни билиш. Кўпинча, бир-бири билан боғланмаган ахборотни шунчаки саралаш умумқабул қилинган схемага уни интеллектуал маҳсулот дейиш учун кўшимча қиймат қўшади. Бошқа ҳолларда ахборотдан бошқалар илмий тадқиқот ёки лойиҳа сифатида фойдаланиши учун унга ишлов берамиз.

2. Рақамли иқтисодиётга тегишли инновацион ғоя ва ишланмаларни республикада жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш зурур. Илмий-техник ишланмалар ва икки хил мақсадга мўлжалланган технологияларни тижоратлаштириш воситалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- консультатив инжиниринг –шартномалар асосида муҳандислик-технологик хизматлар кўрсатиш, тадқиқотлар ўтказиш, ишланмалар, лойиҳалашни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришга кўмаклашиш;

- технологик инжиниринг –технологияларни ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш, техник ҳужжатларни бериш;

- комплекс инжиниринг – шартнома асосида аниқ саноат объектини ишга туширишда юқорида кўрсатилганларнинг барчасини қамраб олувчи хизматлар комплексини кўрсатиш;

- ташкilotлар билан томонларнинг ускуналари ва ходимларидан фойдаланиш, ҳар бир томон ўз ишларини бевосита молиялаши асосида ИТТКИқўшма дастурларини бажариш учун битимлар тузиш;Интернетга уланиш имкониятлари, шунингдек, мамлакатдаги компьютерлаштириш даражасига қараб ҳам жамиятни ахборотлаштириш ҳақида хулоса чиқариш мумкин .

3. Республикада АКТларни тартибга солишга доир қонунлар сони ҳозирги кунда 30 тага яқин. Уларнинг асосийлари Ўзбекистон Республикасини “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”, “Электрон тижорат тўғрисида”, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” ги ва бошқа қонунлар ҳисобланади. Ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантиришда, иқтисодиёт тармоқлари ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этишда ҳамда улардан фойдаланишда, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондиришда, жаҳон ахборот ҳамжамиятига киришда ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни

кенгайтиришда “Ахборот технологиялари ва тизимлари” фанини ўқитиш катта аҳамиятга эга.

4. Ахборот - коммуникация технологияларининг (АКТ) тез суръатлар билан ривожланиши мамлакатимиздаги корхоналар, кичик бизнес субъектларига таъсир ўтказибгина қолмай, балки уларнинг бизнес ва иш юритиш фаолиятини тубдан ўзгартириб юборувчи ва четлаб ўтиб бўлмайдиган муҳим омиллардан бирига айланиб бормоқда. Ривожланган мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатадики, маълумотларнинг эркин таъминоти бозор иқтисодига тез суръатлар билан ўтиш ва жамиятнинг ижтимоий ҳаётини яхшилашга ижобий таъсир этади. Интернет тармоғи ва АКТ турмуш тарзимизга тез суръатлар билан кириб келишига асосланган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, бу каби янгиликлар ва инновацияларни, янги билимлар мажмуасини вақтида ўзлаштира олмаган бизнес субъектлари, ҳатто мамлакатлар эртанги кунда бозордаги ўз улушларини сезиларли даражада йўқотишлари ва глобаллашув натижасида юзага келаётган рақобат туфайли инқирозга юз тутишлари табиий.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4749-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Харакатлар стратегияси” тўғрисида”ги фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. “Мамлакатимизни 2016 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. “Ишонч” газетаси. 2017 й. 17 январ. №7-8(3825).
3. How big is China’s Digital economy?, Bruegel, Working Paper, Issue 04, 17 May, 2018
4. China’s Digital Economy a Leading Global Force. MGI Discussion Paper, August, 2017 <http://www.itu.int/eng/ITU-D/>
5. Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси. 2018. [www.scu.uz](http://www.scu.uz)
6. Т.Ш.Шодиев Фаол инновациялардан фойдаланиш жараёнида рақамли иқтисодиётнинг шаклланиш ва ривожланиш муаммолари. Тошкент. Журнал Иқтисодиётда инновацион ривожланиш. 2018 й. 3-4-сон.
7. Паньшин. Цифровая экономика: Особенности и тенденции развития. М. 2018.
8. Электронная экономика. М. 2017, авторский коллектив.
9. Теоритическая экономика: реальность, виртуальность мифотворчество. Москва. М.Г.У.2009
10. <http://Bit.samag.ru/more/67>.
11. <https://ria.ru/science>.

## **AQLLI SHAHARLAR – KELAJAK SHAHARLARI**

*F.M. Mulaydinov*

*Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti  
Farg'ona filiali*

Aqlli shahar (inglizcha - smart city) - Internetdagi narsalar (IoT) bilan aloqa va axborot texnologiyalarining o'zaro bog'langan tizimi bo'lib, uning natijasida shahar ichki jarayonlari soddalashtiriladi va aholi turmush darajasi yaxshilanadi.

Bugungi kunda dunyo aholisining soni 7,4 milliard kishini tashkil etadi, 10 yil avval shahar aholisi ulushi 35 foizni tashkil etgan bo'lsa-da hozirda dunyo aholisining qariyb yarmi - 3,6 milliard kishi shaharlarda yashamoqda.

Ushbu muammoni hal qilish uchun "Smart City" kontseptsiyasi (Smart City) kashf qilindi. Dasturning maqsadi barcha shahar xizmatlari samaradorligini oshirishdan iborat. Kontseptsiya juda keng tarqaldi: hozirgi vaqtda Smart City dunyoning 2500 ta shaharlarida bir yoki bir nechta xizmat ko'rinishida qo'llanilgan.

Smart City uchun aniq ta'rif berish qiyin. Umuman olganda, shahar xizmatlari mavjud resurslari eng maqbul usulda va shahar hayotining maksimal darajada xavfsizligini ta'minlaydigan tizimdir. Bu shahar yoki mintaqa bo'ylab "aqlli shahar" loyihalari (video nazorati, davlat xizmatlari, aqlli transport tizimi va boshqalar) o'rtasida yaqin aloqani talab qiladi.

Smart City kompaniyasining eng muhim tarkibiy qismlaridan biri - "Intelligent Transport System" (ITS) - bu ko'cha axborot paneli va foydalanuvchilarning smartfonlaridagi trafik holatini ko'rsatish orqali ularni optimallashtirish, ularni eng maqbul yo'lga chaqiradi va ko'plab foydali funksiyalarga ega. Keyingi tizim - geoinformatsiya (GIS), barcha Smart City quyi tizimlari uchun umumiy "geografik substrat" vazifasini bajaradi. Elektron politsiya (ePolice) ning yana bir kichik tizimi quyidagicha ishlaydi: "elektron politsiya" konsoliga qo'ng'iroq qilish uchun, qo'ng'iroq qiluvchining joylashuvi GIS xaritasida ko'rsatiladi va xabarni yozib olish, uni qayta ishlash va operativ choralar ko'rish uchun xizmat ko'rsatuvchi monitorida oynalar ko'rsatiladi. Boshqa funksiyasi elektron ta'lim (eEducation). Bu talaba kompyuterda o'tirganda ma'ruzada ishtirok etishga imkon beradi. Talabalar ma'ruza tinglashlari, o'qituvchiga qarashlari va tomoshabinlardagi elektron jadvalga yozib olishlari kerak. Talaba, hatto qo'lidan deyarli uydan turib, o'qituvchiga savol berishi mumkin. Yozilgan barcha ma'ruzalar materialni keyinroq ko'rish va konsolidatsiyalash uchun saqlanadi.

Va nihoyat, eHealth. Bu xususiyat shifokorga elektron ro'yxatga olish jarayonini osonlashtiradi. Tizimning asosi bemorlarning yagona elektron ma'lumotlar bazasi hisoblanadi. Ushbu ma'lumotlar bazasida sizni qaysi testlar bilan tanishishingiz mumkin, qanday davolanish boshqa klinikalarda qayd etilgan.

Smart City-ning samarali ishlashi uchun ko'pgina quyi tizimlardan iborat bo'lgan chuqur integratsiyalashgan tizimga ehtiyoj borligi haqida xulosa chiqarish mumkin. Bunday loyihalarni qisman bajarishda juda kam narsa bor, har qanday shahar xizmatlarining mavjud ehtiyojlarini ham, barcha tashqi omillarni hisobga

olgan holda rivojlanish istiqbollarini hisobga oladigan “aqlii shahar” ning umumiy konsepsiyasini ishlab chiqish kerak. Shu sababli, Smart City loyihalarida kompleks yondashuv zarur bo‘lib, bu konsepsiyani amalga oshirishda asosiy to‘siqdir.

“Aqlii shahar” nima qiladi?

Bir qator mamlakatlarda zamonaviy texnologiyalarni qo‘llagan holda zamonaviy shahar infratuzilmasini rivojlantirish bo‘yicha katta loyihalar amalga oshirilmoqda. Mumkin bo‘lgan salbiy tendensiyalarni iloji boricha aniq tasavvur qilish uchun aqlii shaharda malakali boshqaruv va tahliliy resurs bo‘lishi kerak. Zamonaviy shaharlarning kamchiliklarini bartaraf etish uchun, Big Data analitikasi (shahar fuqarolarining ma`lumotlar majmualari), kompyuterning kompleks modellashi va sotsiologiya hamda insoniy xulq-atvor sohasidagi so‘nggi ilmiy tadqiqotlar yordamida yangi axborot tizimlari ishlab chiqariladi va sinovdan o‘tkazilmoqda. Shu bois, aqlii shaharlardagi loyihalarda turli xil yondashuvlarni hisobga olish - odamlarning xulq-atvorini resurslarni boshqarish va infratuzilmani boshqarishdan iborat. U o‘zida birlashtirilgan mexanizmlar tarmog‘idir va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari shunchaki turli darajadagi shahar tuzilmalarini emas, balki chekka joylarni, ayrim hollarda boshqa shaharlarni qamrab oladigan oqimlarni boshqarishni o‘zlarining o‘zaro ta`sirini tasavvur qilish imkonini beradi. AKT pozitsiyasidan turli sohalarda optimallashtirish, shahar byudjetidan oziq-ovqat va chiqindilarga, shuningdek, nomoddiy - shahar aholisi, energiya, axborotni o‘z ichiga olgan moddiy resurslar balansi muhim ahamiyatga ega.

#### **Smart City xususiyatlari**

##### **Smart iqtisodiyot:**

Innovatsiya, jumladan, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish uchun qulay muhit yaratish;

Onlaynda joylashgan mehmonxona rezervasyon tizimi.

##### **Intellectual nazorat qilish:**

Shahar aholisi va ijro etuvchi hokimiyat vakillari o‘rtasida aloqa tizimining uzluksiz ishlashi, shahar ma`muriyatining axborot ochiqligi;

Fuqarolarning shahar boshqaruvidagi faoliyati;

Strategik rejalashtirish hujjatlari dolzarbligi;

Shahar ma`muriyatining rasmiy saytlariga yuqori darajada qatnashish.

##### **Aqlii moliya:**

ATM mavjudligi;

Davlat tenderlarining shaffofligi;

Naqd pulsiz hisob-kitob qilish uchun to‘lov tizimi.

##### **Zamonaviy infratuzilma:**

Taksi xizmatini chaqirish va to‘lash uchun Internet xizmatining diskvalifikatsiyasi;

Internetda yo‘l harakati xavfsizligini kuzatish qobiliyati;

Elektr uskunalari uchun yoqilg‘i quyish shoxobchalari tarmog‘ining mavjudligi;

Avtoulovlarga xizmat ko‘rsatish.

##### **Aqlii aholi:**

Jahon tarmog'ining foydalanuvchilar soni va foydalanuvchilar soni;  
Elektron talabalar kartalarini ishlatish;  
Mehnat bozori ma'lumotlarining mavjudligi.

**Smart Kunlar:**

Ekologik xavfsizlikni monitoring qilish tizimini ishlab chiqildi;  
Fuqarolar va ma'muriyatning ruxsatsiz chiqindilarni yo'q qilish oqibatlarini bartaraf etishda ishtiroki.

**Aqlli texnologiyalar:**

- Bepul Wi-Fi ulanish nuqtalarining mavjudligi, shu jumladan. jamoat transportida;  
- Mobil keng tarmoqli tarmoqlarning ishlashi.

Smart shaharning asl va futuristik loyihasi Birlashgan Arab Amirliklarining Masdar shahrida joylashgan. Dasturni to'liq amalga oshirish 2030 yilgacha amalga oshiriladi, ammo birinchi uylar va shahar infratuzilmasining asosiy elementlari 2018 yilgacha paydo bo'ldi.

**Adabiyotlar:**

1. <https://robo-sapiens.ru/stati/umnyiy-gorod/>- Умный город -концепция, технологии, перспективы развития
2. <http://city-smart.ru/info/121.html> - Smart City — концепция «идеального города»
3. <http://city-smart.ru/info/124.html> - Мыслящие пространства: почему о концепции «умного города» должен знать каждый

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOLIQ SIYOSATIDAGI  
O'ZGARISHLAR**

*Sh.Sh. To'rayev, N.G'. Sharipov*  
*TATU*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada 2019 yilda O'zbekiston Respublikasida soliq siyosatidagi o'zgarishlar, soliq islohotlari konsepsiyasi va jismoniy shaxslar daromadini soliqqa tortishni takomillashtirish va soliq tizimini yangilashdagi o'zgarishlar bayon etilgan. Ushbu maqolani yozishda turli gazeta, jurnal, soliq kontseptsiya loyihasi va Internet saytlarida O'zbekiston Respublikasining soliq tizimi to'g'risida yozilgan ma'lumotlardan foydalanildi.

**Kalit so'zlar:** Soliq, QQS(qo'shilgan qiymat solig'i), soliq yuk, soliq tizimi, kontseptsiya, yuridik shaxs, jismoniy shaxs, soliqqa tortish, davlat byudjeti, daromad solig'i, foiz, soliq stavkasi, oylik ish haqi;

2019 yilda O'zbekiston soliq siyosatida tarixiy o'zgarishlar davri bo'ladi. 2019-yil 1-yanvaridan soliq islohotlari konsepsiyasiga muvofiq, jismoniy shaxslar daromadini soliqqa tortishni takomillashtirish maqsadida barcha fuqarolar uchun jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'ining yagona stavkasi 12% miqdorida joriy etildi.

Ilgari aholi daromadlari to'rt pog'onali shkala bilan soliqqa tortilar edi. Bu tadbir "konvert" asosida ish haqi to'lashdan voz kechish orqali, tadbirkorlik

subyektlarining xodimlar soni va ish haqi fondini qonuniylashtirilishini rag'batlantirsa, ikkinchi tomondan iqtisodiyotda jamg'arish ulushini ko'paytiradi.

Mehnatga haq to'lash jamg'armasiga soliq yukini kamaytirishning yana bir tadbirlaridan biri, bu — yagona ijtimoiy to'lov stavkalarining 25%dan 12%gacha kamaytirilishi bo'ldi, bunda byudjet tashkilotlari va davlat ulushi 50%dan yuqori tashkilotlar uchun tatbiq qilinmaydi. Natijada soliq to'lovchilar ixtiyorida qoladigan mablag'lar 2,9 trln. so'mni tashkil qiladi. Fuqarolarning mehnatga haq to'lash turidagi daromadlaridan fuqarolarning budjetdan tashqari Pensiya jamg'armasiga sug'urta badallarini (stavkasi 8%) bekor qilindi.

Foyda solig'i to'lovchilarga soliq yukini kamaytirish, investitsiyalar miqdorini oshirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish maqsadida:

tijorat banklari uchun foyda solig'i stavkasi 22% dan 20% gacha;

korxonalar va tashkilotlar uchun — 14% dan 12% gacha;

dividend va foiz ko'rinishidagi daromadlar uchun — 10% dan 5% gacha kamaytirildi. Bu esa soliq to'lovchilar ixtiyorida 582 mlrd. so'm qoldirish imkonini berdi.<sup>11</sup>

Soliq solishning soddalashtirilgan rejimidagi soliq to'lovchilarga soliq siyosatini takomillashtirishning salbiy ta'sirini kamaytirish maqsadida yuridik shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliq stavkasini 5%dan 2%gacha pasaytirilmoqda.

Yillik aylanmasi 1 mlrd. so'mgacha bo'lgan mikrofirmalar va kichik korxonalar uchun yagona soliq to'lovi stavkasi 5%dan 4%gacha kamaytirilmoqda. Ya'ni haqiqatan ham kichik korxonalar bo'lgan to'lovchilar uchun bir yillik soliq to'lovi summasi 10 mln. so'mgacha kamayishi mumkin.

Yillik aylanmasi 100 mln. so'mgacha bo'lgan yakka tartibdagi tadbirkorlar uchun qat'iy belgilangan soliq stavkalari 13–40%ga kamaytirildi. Yillik aylanmasi 100 mln. so'mdan yuqori va 1 mlrd. so'mgacha bo'lgan yakka tartibdagi tadbirkorlarga aylanmadan 4% lik stavkada soliq to'lashga o'tkazish yo'li bilan qat'iy belgilangan soliq bekor qilindi.

2019-yil 1-yanvardan boshlab, o'tgan yil yakunlari bo'yicha yillik aylanmasi (tushumi) 1 mlrd. so'mdan oshgan yoki yil davomida belgilangan chegaraviy miqdorga yetgan korxonalar umumbelgilangan soliqlarni to'lashga o'tkazildi.<sup>12</sup>

Turli ekspertlar tomonidan bildirilgan ko'plab fikrlar va bir necha oy davom etgan muhokamalardan so'ng O'zbekiston yangi soliq tizimini ishlab chiqish haqida Prezident farmoni imzolandi. Prezident farmonida aytilishiga ko'ra, 2019 yilning birinchi yanvaridan boshlab kuchga kirgan O'zbekiston yangi Soliq Kodeksi quyidagi muhim o'zgarishlarni o'z ichiga qamrab olgan:

barcha fuqarolar uchun jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'ining yagona stavkasi — 12 % miqdorida joriy etiladi, undan 0,1 foizini shaxsiy jamg'arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga yo'naltiriladi. Byudjetdan tashqari Pensiya jamg'armasiga ushlab qolinadigan sug'urta badallarini bekor qilinadi;

---

<sup>11</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi to'g'risidagi" 2018-yil 29-iyundagi PF-5468-son farmoni.//www.lex.uz

<sup>12</sup> Soliq solish va buxgalteriya hisobi jurnali №2(230), 2019 yil fevral, 64-bet

Yagona ijtimoiy to'lov miqdori davlat korxonalari va ustav kapitalining 50 %dan ortig'i davlatga tegishli bo'lgan tashkilotlar uchun 25 %, qolgan yuridik shaxslar uchun pasaytirilgan 12-15 % stavka miqdorida belgilanadi;

Yalpi tushumdan yoki aylanma kapitaldan olinadigan soliqlar, xususan, davlat maqsadli jamg'armalariga yuridik shaxslarning aylanmasidan undiriladigan majburiy ajratmalar bekor qilinadi;

Yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig'i stavkasini 12-14 % gacha, tijorat banklari uchun 20-22 % gacha pasaytiriladi. Mobil aloqa kompaniyalari uchun, qo'shimcha foyda solig'i bekor qilgan holda 14 — 20 % soliq solinadi;

Dividendlar va foizlar ko'rinishidagi daromadlardan olinadigan foyda solig'i 5-10 % miqdorida belgilandi (pasaytirildi);

Yalpi tushumi 1 milliard so'mdan oshgan yoki yil davomida shunga yetgan korxonalar umumbelgilangan soliq to'lashga tizimiga o'tkaziladi.

Soddalashtirilgan tartibda soliq to'lovchilar qo'shimcha soliqlar to'lashi kerak bo'ladi:

yillik aylanmasi 1 milliard so'mgacha bo'lgan soliq to'lovchilar uchun aylanmadan soliqni 4 % miqdordagi bazaviy stavkadan kelib chiqib hisoblash va to'lash tartibini hamda ixtiyoriy ravishda qo'shilgan qiymat solig'ini to'lash imkoniyatini belgilanadi;

yagona yer solig'i to'lovchilari uchun amaldagi soliq solish tartibini saqlab qolinadi;

Qo'shilgan qiymat va aktsiz soliqlari bo'yicha berilgan imtiyozlar kamaytiriladi:

qo'shilgan qiymat solig'ini 20 % stavkasi saqlab qolinadi va uni to'liq hisobga olish tizimini joriy qilinadi. Soliq solish bazasini aniqlashtirilib imtiyozlar sonini kamaytiriladi;

asosiy vositalar, qurilishi tugallanmagan ob'yektlar va nomoddiy aktivlar narxiga kiritiladigan qo'shilgan qiymat solig'ini hisobga olish summalariga kiritish huquqini beriladi;

alkogol va tamaki mahsulotlarini ishlab chiqaruvchilarning xar bir ishlab chiqariladigan mahsulot birligiga o'rnatilgan aktsiz va yig'imlarni birlashtiriladi.

Amalga oshirilayotgan soliq islohotlar nafaqat jismoniy shaxslarning, balki, yuridik shaxslar daromadining ortishiga ham xizmat qiladi. Xususan, pensiya tizimining barqarorligini ta'minlash maqsadida yuridik shaxslardan olinadigan yagona ijtimoiy to'lov stavkasi 25 foizdan 12 foizgacha pasaytirilmoqda. Ushbu soliq stavkasining kamayishi tashkilotlarga ishchilarning mehnat shartnomasi asosida rasman to'liq ro'yxatga olinishida hamda ularning ijtimoiy muhofazasi ta'minlanishida muhim ahamiyat kasb etadi. Shuningdek, davlat maqsadli jamg'armalariga yuridik shaxslarning oboroti (tushumi)dan undiriladigan 3,2 foiz miqdoridagi majburiy ajratmalar bekor qilindi.

Xulosa qilib aytganda, soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi doirasida amalga oshirilayotgan o'zgarishlar haqida ko'p gapirishimiz, soliq yuki va stavkalari pasayishi hisobiga jismoniy va yuridik shaxslar foydasida qolayotgan

mablag'lar haqida ko'p yozishimiz mumkin. Shubhasiz, bunday islohotlar iqtisodiyotimiz taraqqiyotiga, mamlakatimiz farovonligiga xizmat qiladi.

#### **Adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi to'g'risidagi" 2018-yil 29-iyundagi PF-5468-son farmoni
2. "Soliq solish va buxgalteriya hisobi jurnali" 2018-2019-yillardagi sonlari
3. "Xalq so'zi gazetasi" 2018-2019-yillardagi sonlari
4. <http://www.soliq.uz>
5. <http://www.lex.uz>

### **СОВРЕМЕННЫЕ, ФИЛОСОФСКИЕ ПОДХОДЫ К ПОНИМАНИЮ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ**

*Г.Д. Кочкорова  
ТУИТ*

В статье рассматриваются философские подходы толкование понятия цифровая экономика, сравнительный анализ взглядов авторов. Анализируются нравственные аспекты цифровизации и ее роль в развитии общества.

The article discusses philosophical approaches, the interpretation of the concept of digital economics, a comparative analysis of views of authors' views, analyzes the moral aspects of a digitalization and its role in the development of society.

Сегодня в науке и среди экспертов существует большое количество определений цифровой экономики, однако общепризнанного определения для термина не существует. Первые дискуссии о концепции цифровой экономики стали возникать в конце XX в. с появлением электронной торговли. В 1994 г. вышла известная книга канадского экономиста, бизнес-консультанта Дона Тапскот-та (Don Tapscott) «Цифровая экономика» ("Digital Economy"), в которой автор одним из первых предложил термин Digital Economy. К важнейшим последствиям цифровизации глобальной экономики исследователь относил резкое снижение транс-акционных издержек (ссылаясь на теорию фирмы Рональда Коуза), возникновение новых бизнес-моделей и, как следствие, исключение посредников за счет прямого взаимодействия между потребителем и поставщиком. Автор предсказал множество частных проявлений предстоящей цифровизации, исходя из теории фирмы и транзакционных издержек. [1]

В 1995 г. американский ученый-информатик из Массачусетского технологического института Николас Негропonte (Nicholas Negroponte) в книге "Being Digital" («Цифровое существование») сформулировал концепцию электронной экономики, заключающейся в переходе от обработки атомов, составляющих материю физических веществ, к обработке битов, составляющих материю программных кодов.

По мнению Негропонте, по сравнению с традиционным рынком к преимуществам цифровизации необходимо отнести:

- отсутствие физического веса продукции, который можно заменить информационным объемом;
- существенно более низкие издержки на производство электронных товаров и меньшая площадь, занимаемая электронными носителями;
- виртуальный характер хозяйственных связей, ведущий к снижению потребности в сырье;
- появление цифровых валют, что сегодня наглядно подтверждается растущим рынком крипто-валют;
- мгновенное глобальное перемещение товаров и услуг через Интернет

На основе проведенного анализа рассмотрим некоторые подходы к определению термина «цифровая экономика», существующие в России и за рубежом. Современная мировая экономика находится на пороге новой трансформации. [2] Продолжающаяся цифровизация приводит к изменению глобальной экономики за счет снижения издержек на сбор, хранение, обработку данных; сокращения производственных цепочек и т.д. Такого рода изменения, безусловно, влияют на требования, которые предъявляются к уровню квалификации работников и к участникам рынка, представляющим бизнес и государство.

Усиливающиеся процессы цифровизации, происходящие в мире, ведут к размыванию как географических, так и физических границ, что, безусловно, открывает новые возможности, как для государств, так и для бизнеса, и способствует развитию конкурентоспособности внутри стран (на региональном

В России цифровая экономика представляет собой хозяйственную деятельность, ключевым фактором производства, в которой являются данные в цифровой форме. В Великобритании Цифровая экономика - производство цифрового оборудования, издательская деятельность, медийное производство и программирование.

Цифровая экономика - экономика, основанная на цифровых технологиях, ведение бизнеса на рынках, опирающихся на Интернет и/или Всемирную паутину.

Цифровая экономика способна предоставить высококачественную ИКТ-инфраструктуру и мобилизовать возможности ИКТ на благо потребителей, бизнеса и государства.

) Цифровая экономика в Организации экономического сотрудничества и развития (ОЭСР) - результат трансформационных эффектов новых технологий общего назначения в области информации и коммуникации.

Российская ассоциация электронных коммуникаций (РАЭК) Экосистема цифровой экономики - все те сегменты рынка, где добавленная стоимость создается с помощью цифровых ИТ.

Цифровая (электронная) экономика - совокупность общественных отношений, складывающихся при использовании электронных технологий, электронной инфраструктуры и услуг, технологий анализа больших объемов данных и прогнозирования в целях оптимизации производства, распределения, обмена, потребления и повышения уровня социально-экономического развития государств.

Сегодня в мире наблюдается быстрое развитие цифровой экономики. По данным Мсйшеу, в период с 2011 по 2015 г. по уровню развития цифровые лидеры это страны ЕС, США, Южная Корея, Япония.

По данным Всемирного банка, влияние цифровизации на рост экономики осуществляется за счет механизмов инклюзии, т.е. вовлечения максимального количества граждан в социальные процессы, повышения эффективности и развития инноваций. Эти механизмы способствуют увеличению объемов торговли, капитала и рабочей силы, что, в свою очередь, приводит к усилению конкуренции, сокращению технологического отставания и будет поспособствовать. [3]

1) повышение конкурентоспособности отрасли за счет внедрения и развития бизнес-моделей и технологий, таких как цифровые платформы, углубленная аналитика больших массивов данных, 3D-печать, роботизация, интернет вещей, искусственный интеллект, нейронные сети, блок-чейн и др.;

2) повышение прозрачности процесса взаимодействия с государством, и, как следствие, улучшение делового климата, что предполагает упрощение процедур предоставления госуслуг (регистрация юридического лица, получение разрешений, декларация налогов, развитие системы цифровых сервисов для бизнеса и онлайн-услуг);

3) государственное финансирование образовательной сферы, подготовка кадров, владеющих цифровыми технологиями, создание центров переподготовки, специальных программ адаптации для высвобождаемого персонала;

4) реализация мер, направленная на повышение качества и удобства получения услуг в сфере медицины, культуры, образования, транспорта, общественной и экономической безопасности;

5) смягчение регуляторного режима, создание песочниц (особых правовых режимов) для пилотных проектов, разработка единых стандартов в области применения цифровых технологий;

6) стимулирование интереса к цифровым инновациям и развитие цифровой культуры, оказывающей положительный социальный эффект.

Қисқа муддатли даврда инфраструктурага инвестицияларни йўналтириш қурилиш комплекси ва саноатнинг пайваста тармоқларида янги иш ўринларини яратишга кўмаклашади. Узоқ муддатли истиқболда инфраструктурани янгилаш меҳнат унумдорлигини ошириш, кўпгина тармоқларда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш кўринишидаги ижобий самарани беради. Буларнинг барчаси мамлакатда иқтисодий фаолликнинг жонланиши ҳамда миллий иқтисодиёт ва айрим ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлилигининг ошишига олиб келади. Бутунжаҳон банкининг маълумотларига қараганда, инфраструктурага қилинадиган харажатларнинг 10 фоизга оширилиши ЯИМнинг 1 фоизга ўсишига (узоқ муддатга) олиб келади (Антонец, 2015).

Бироқ, капитал оқимларини ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура томонга қайта йўналтириш учун даромадларнинг бизнес учун мақбул даражасини таъминлаш механизмлари зарур. Бундай механизмлар, яъни қўлланилаётган ва доимий равишда такомиллашиб бораётган механизмлар орасида давлат-хусусий шерикчилик ва ижтимоий («ўзгартирувчи») инвестициялар технологиялари бор.

Давлат-хусусий шерикчилик (ДХШ) ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли вазифалар (шу жумладан инфраструктура объектларини яратиш, уларнинг ишлашини таъминлаш ва улар негизида ижтимоий хизматлар комплексини кўрсатиш)ни бажариш учун давлат ва бизнес ўзаро ҳамкорлигининг турли шакллари йиғиндисидир. Давлат ва бизнес ҳамкорлигининг мазкур шакли ва ундан фойдаланиш ҳоллари анчадан бери маълум, лекин у ривожланган мамлакатларда 1980-1990 йиллардагина, хусусий сектор ва давлатнинг умуммиллий вазифаларни бажариш учун солидар тарзда (биргаликда) жавобгар эканлигини тан олиш асосида, улар ўртасидаги муносабатлар тизимини кўп мамлакатларда қайта кўриб чиқиш бошланган пайтда кенг қулоч ёзган. Турли лойиҳаларни амалга оширишнинг бу шаклининг оммавий тус олиши, бизнес ижтимоий жавобгарлиги тўғрисидаги ғоялар ва концепцияларнинг кўп мамлакатларга ёйилиши билан бўлгани каби, давлат молияси билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашуви билан ҳам боғлиқдир. Бюджет танқислиги (дефицити) ва давлат қарзи ўсаётган шароитларда ҳукуматлар инфраструктурани ривожлантириш учун жавобгарлик юқини ўз зиммасига тўлиқ олишга ожиз бўлади. Бундан ташқари, инфраструктура соҳасининг ўзи ҳам, иқтисодиёт ва жамиятнинг унга қўйиладиган талаблар ҳам сезиларли равишда ўзгаради, бу эса уни яратиш ва унинг ишлашига янги ёндашувларни талаб қилади.

Ижтимоий «ўзгартирувчи» инвестициялар деганда, ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли муаммоларни ечадиган, айти пайтда сармоядорларга мақбул

даромадларни келтирадиган лойиҳаларнинг оммавий оқимини шакллантиришга йўналтирилган инвестициялар тушунилади (Чернишов).

#### **Адабиётлар:**

1. Тимонина И.Л. Государственно-частного партнёрства в Японии. “Восток”, № 6. 2016 г.
2. Антоненц И.А. Государственно-частного партнёрства, нового правового института. М., 2015 г.
3. Чернишов Г.В. Ижтимоий ўзгарувчи инвестициялар. М., 2016 й.

## **ИНФРАСТРУКТУРА СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ**

*М.М. Акбаров*

*Ташкент давлат иқтисодиёт университети*

Японияда инфраструктурага оид бугунги сиёсатнинг тенденцияларидан бири бўлиб, инфраструктура объектлари қурилишида бозор механизмларини қўллаш ва уларни бошқариш амалиётини кенгайтириш ҳисобланади. Бундай амалиётни мутлақ янги, деб бўлмайди. Японияда тадбиркорлик узок вақтлардан бери ижтимоий фойдали ишларда қатнашиб келган. Бинобарин, йиллик нашр – МЛITда хусусий молиявий ташаббуснинг тарихий мисоли сифатида Эдо даврида бой савдогарлар томонидан каналларнинг қурилиши келтирилади (Токугава сулоласининг ҳукмдорлиги даврида, 1603-1868 йиллар).

Ҳозирги вазиятнинг янгилиги ушбу соҳадаги бизнес-ташаббусларнинг анча фаоллашганидан иборат бўлиб, бу, шерикчиликнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилишни талаб қилади. Японияда давлат-хусусий шерикчиликнинг тизими (ДХШ) 1990 йиллар охирларида институционал тарзда шаклланган. Дастлаб бундай шерикчилик хусусий молиявий ташаббус, деб аталажак шаклга эга бўлиб (ХМТ), унинг асосий мақсади хусусий секторнинг молиявий, технологик, ташкилий ресурсларини инфраструктура объектларини қуриш ва уларни бошқаришда фойдаланишдан иборат бўлган.

ХМТ схемалари бўйича жорий этилган лойиҳаларнинг умумий сони қонун қабул қилинган 1999 йилдан 2013 йилнинг сентябрь ойига қадар бўлган даврда 428 тани ташкил этди (умумий суммаси – 2,3 трлн. иена), шу жумладан, уларнинг 120 таси вазирлик ҳомийлигида амалга оширилган. Бу лойиҳалар асосан давлат муассасалари ва жамоат биноларини қуриш билан боғлиқ лойиҳалардир. Айни пайтда вазирлик экспертларининг маълум қилишича, ХМТ механизмидан йўллар ва шаҳар коммуникацияларини қуришда фойдаланиш ҳоллари камдан-кам учрайди. ХМТнинг кенг тарқалган схемаси «хизматларни сотиш» схемаси бўлиб, унда давлат ташкилоти хусусий операторга хизматлар тўлови кўринишида жамоат иморатлари қурилиши

қийматини тўлаб беради. Хусусан, бу схема бўйича давлат муассасалари, аэропортлар, сув қузури ва канализация тармоқлари, истироҳат боғлари, метеорологик йўлдошлар барпо этилиб, ишлатилади.

ХМТ доирасидаги лойиҳаларнинг бошқа тури – молиявий жиҳатдан мустақил лойиҳалар бўлиб, бунда сармоядор солиққа тортилмайдиган даромад ҳисобидан бунёд этилган объектнинг қурилиши қийматини қоплайди. Концессиялар услуги (2011 йилги ХМТ тўғрисидаги қонунга тузатишларда назарда тутилган)дан фойдаланганда, жамоат объектига бўлган ҳуқуқлар давлатда қолади, хусусий оператор бўлса ушбу объектни ишлатиш ва фойдаланганлик учун тўловни ундириш ҳуқуқини олади, бу эса унга бизнесни ривожлантириш, хизматлар сифатини ошириш ва молиявий жиҳатдан анча мустақил бўлиш имконини беради. Японияда бу услуб иқтисодий жиҳатдан энг самарали, деб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам 2013 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда бундай лойиҳаларнинг қийматини 12 трлн. иенагача етказиш режалаштирилган (энг аввало аэропортлар, шаҳар хўжалиги, йўлларни реконструкция қилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳалар қийматини).

Японияда ХМТдан янада кенг фойдаланиш билан боғлиқ долзарб муаммолардан бири сифатида лойиҳаларни барча молиялаштириш йўлларини диверсификация қилиш ҳисобланади. Бу тадбир, биринчи навбатда, молия бозорининг имкониятларидан фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади. Япониялик экспертларнинг фикрига қараганда, ҳозирги кунда ДХШ ва ХМТ катта бозор потенциалига эга, бундан Япония ташқарисидаги инфраструктура билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштирадиган фондлар сонининг ўсиши ва капитализация миқдорлари далолат беради. Инфраструктура фондлари сармоядорлар маблағларини тўплаб, ундан кейин уларни йўллар, портлар, аэропортларни қуриш лойиҳаларига йўналтиради. Олинган фойда эса кейинчалик сармоядорлар ўртасида тақсимланади. Бундай фондларнинг баъзилари акцияларни фонд биржасига жойлаштиради (Япония ташқарисида жами капитализация 10,4 трлн. иенадан иборат 50 га яқин фонд бўлиб, уларнинг сони 2000 йилдан бошлаб 6 мартаданга кўпроқ кўпайган). Бошқа фондлар институционал сармоядорларнинг маблағларини, шу жумладан, пенсия жамғармалари (умумий миқдорнинг 40 % га яқин) ва банклар (10 %) нинг маблағларини жалб этади. Япония ташқарисида янги ташкил этилган бу турдаги фондлар сони 40 тага яқин бўлиб, улар ҳажми тахминан 30 млрд. долларга тенг бўлмиш маблағларга эга.

Япониядаги инфраструктурани молиялаштириш фондларини шакллантириш структураси ўзига хос хусусиятларга эга. Фондлар капиталининг каттагина қисми мамлакат ичидаги манбалар ҳисобидан шаклланади. Бундан ташқари, ХМТ лойиҳаларининг катта қисми «хизматларни сотиб олиш» шаклида амалга оширилиши боис, маблағлар асосан молия институтларидан жалб қилинади. Бироқ, МЛIT экспертларининг фикрига кўра, мустақил турдаги лойиҳалар сонининг ўсиши билан бозорда,

шу жумладан, Япония ташқарисида ресурсларни жалб қилиш имкониятлари мавжуд бўлади.

Япония инфраструктура лойиҳаларини молиялаштириш бозорини рағбатлантириш мақсадида, 2013 йилда мамлакатда Private Finance Initiative Promotion Corporation of Japan давлат-хусусий фонди ташкил этилган бўлиб, унга ХМТ концессион лойиҳалар, асосан, мустақил турдаги лойиҳаларга молиявий ёрдам бериш вазифаси юклатилган. Корпорациянинг молия ресурслари давлат маблағлари (саноат инвестицияларининг махсус ҳисоби) ҳисобига бўлгани каби, хусусий инвестициялар ва қарзлар (қарзларга давлат кафолат беради) ҳисобига ҳам шакллантирилади. Шундан сўнг корпорация бу маблағларни ХМТ лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириб, шу тариқа уларни инвестициялар ва қарзлар кўринишида жойлаштиради. Молия ресурслари бундай лойиҳаларга бир вақтнинг ўзида бозордан – банклар ва сармоядорлардан ҳам жалб этилиб, шу тариқа кўпканалли молиялаштириш таъминланади.

Инфраструктура лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини диверсификациялашга инфраструктура фондлари листинги кўмаклашиши керак, бу, аслида, Япония фонд бозорининг янги сегментини шакллантирилишини билдиради. Листингга тайёргарлик 2012 йилда бошланган. Ўшанда таркибига Токио ва Осака фонд бозорлари ҳамда ўзини ўзи тартибга соладиган идора кирган Япония фонд бозори гуруҳи ўзининг янги маҳсулотлари учун платформа яратишнинг Ўртамууддатли режаси доирасида муҳим стратегия сифатида инфраструктурани молиялаштириш бозорини яратиш ва унда листингни ўтказишни илгари сурган эди. 2012 йилнинг сентябрь ойида мазкур масала бўйича махсус тадқиқот гуруҳи тузилиб, инфраструктура фондлари ва трастлари (шу жумладан, хорижий) листингининг шартлари ва қоидалари каби бозорни ташкил этишнинг муҳим масалалари бўйича тегишли қоидалар ва тавсияларни ишлаб чиқди. Инфраструктура лойиҳалари акцияларининг биринчи чиқарилиши 2015 йилнинг охирига режалаштирилган ва, Ерлар вазирлиги экспертларининг фикрига кўра, агар бу чора муваффақиятли кечса, унда у мазкур соҳага индивидуал сармоядорлар маблағларини жалб қилиш имконини беради. Инфраструктурани молиялаштириш бозорини яратишга тайёргарлик жараёнида Молия хизматлари агентлиги баъзи институционал меъёрларни қайта кўриб чиқади. Масалан, коммунал хизматлар объектлари, шунингдек энергиянинг қайталанадиган манбалари ҳисобига ишловчи генерациялайдиган қувватлар активлар рўйхатига киритилиши мумкин бўлиб, унга трастлар ва инвестиция корпорациялари инвестицияларни асосий сармоядор сифатида йўналтириши мумкин, аввали эса бунинг иложи бўлмаган.

Аҳолининг инфраструктура лойиҳаларини молиялаштиришда иштирок этишга тайёрлигига келсак, бу масала бўйича Ерлар вазирлиги томонидан ўтказилган ижтимоий фикр сўрови натижаларига мурожаат қиламиз. Уларга кўра, инфраструктура лойиҳаларига инвестицияни йўналтириши мумкин ёки

тайёр бўлганлар (сўровда катнашганларнинг 19,1 % и), бу, йўналганлик мақсади тушунарли бўлган ишончли ва етарли даражада наф келтирадиган инвестиция эканлигини айтадилар. Вазирлик экспертларининг фикрига кўра, потенциал инвесторларнинг бундай позицияси инфраструктурани молиялаштириш бозорининг келажакда ривожланишига нисбатан ишонч ҳосил қилдиради.

Японияда муҳокамага сабаб бўлган инфраструктура лойиҳаларини молиялаштиришнинг фойдаланиш мумкин яна бир жоиз манбаи – бу, пенсия жамғармалари. Давлат пенсиялари ва ёлланма ходимлар пенсияларини бирлаштирадиган Япониянинг давлат пенсия жамғармаси жаҳондаги энг йириклардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда у маблағларни асосан давлат облигацияларига жойлаштиряпти (55 %). Бироқ, жамғарма бошқарувидаги маблағларни жойлаштириш структурасини ўзгартириш имконияти кўриб чиқияпти, яъни маблағларнинг инфраструктура лойиҳаларига йўналтириладиган улушини ошириш режаси муҳокама қилинмоқда.

#### **Адабиётлар:**

1. Тимонина И.Л. Государственно-частного партнёрства в Японии. “Восток”, № 6. 2016 г.
2. Антонец И.А. Государственно-частного партнёрства, нового правового института. М., 2015 г.
3. Чернишов Г.В. Ижтимоий ўзгарувчи инвестициялар. М., 2016 й.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ**

*Г.Х. Райимджанова*

*Фаргона давлат университети*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий

Иқтисодий назария неоклассик ва Кейнесен истиҳдами тушунчасини ўрганади, жаҳон иқтисодий фикрининг асосий йўналиши, неокласик йўналиш, давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашмаслик тарафдори бўлган Жеан Баттиста Сев (1767-1832). Неокласик йўналишнинг сўнгги шаклланиши инглиз иқтисодчиси, Алфред Маршаллнинг Кембриж мактаби (1842-1924) номи билан боғлиқ бўлиб, у турли хил маргинал тушунчаларни ягона назарияга бирлаштирган. Иқтисодий изланишининг асоси сифатида у таклиф ва талабнинг муносабатини олди. Неокласик йўналишни асослашга катта ҳисса қўшган америкалик иқтисодчи Жон Батес Кларк (1847-1938).

Классик ва неокласик йўналишлар орасидаги оралик мавқега эга бўлган жаҳон иқтисодий фикрларининг асосий йўналишларидан бири - асос солувчи инглиз иқтисодчиси, давлат ходими ва публицисти Жон Майнард Кейнес (1833-1946). Ж. Кейнеснинг асосий асари "Умумий бандлик, фоиз ва пул назарияси" (1936), хорижий иқтисодчиларнинг фикрига кўра, XX асрда иқтисодий тафаккурни ўзгартирди. 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози, капиталистик иқтисодиётни тартибга солиш бўйича давлат

аралашувига эҳтиёжни исботлади, унинг назарий қарашларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Кейнсизм иқтисод назариясига кўра, капиталистик иқтисодиёт фақат ўз ресурсларидан тўлиқ фойдаланишни таъминлай олмайди ва фискал ва пул-кредит сиёсати тўлиқ иш билан таъминлаш учун қўлланилиши мумкин. Кейнсизм миллий даромад ва бандлик муаммосини ҳал этиш ресурсларнинг таъминот томонига эмас, балки самарали талаб ва унинг таркибий қисмлари - истеъмол талаби ва инвестиция талаби ҳамда уларнинг динамикасини белгиловчи омиллардан келиб чиқиши кераклигидан келиб чиқади. Кейнес иш масаласини таҳлил қилиш учун бошланғич нуқтаси сифатида танлади. Неокласик назарияга биноан, бандлик меҳнатга бўлган талабни белгилайдиган меҳнатнинг маргинал маҳсулдорлигига ва ишчиларнинг меҳнат ҳақларини аниқлайдиган ҳақиқий иш ҳақи бўйича баҳолаган меҳнат маржинал юкига боғлиқ. Бу боғлиқлик халқ томонидан қуйидагича шакллантирилиши мумкин: реал иш ҳақининг пастлиги, иш билан бандлик даражаси ва аксинча. Кейнесга кўра, иш билан бандлик даражаси самарали талабнинг динамикаси билан белгиланади, бу ўз навбатида кутилаётган истеъмол харажатлари ва киритиш инвестицияларининг суммасидир.

Кейнесга кўра, иш билан бандлик даражаси самарали талабнинг динамикаси билан белгиланади, бу ўз навбатида кутилаётган истеъмол харажатлари ва киритиш инвестицияларининг суммасидир. Кейнесга фикрига кўра, шахсий истеъмолнинг ўсиши даромадларнинг ортиши вазифасидир. Бу ҳолда даромаднинг фақат бир қисми истеъмол учун ишлатилади. Шунинг учун истеъмолга бўлган маргинал мойиллик (истеъмолнинг ўсиши нисбати даромадлар ошишига) нисбати "жамиятнинг асосий психологик қонуни" деб аталадиган ҳаракатлар билан изоҳланади. Бу ерда Кейнс илмий жиҳатдан мос келмаслигини эътироф этади, чунки объектив иқтисодий қонунларни ўрганиш одамларнинг субъектив психологик хусусиятларини ўзгартиради. Кейнс инвестиция талаби бўйича иш билан бандлик даражасини ва миллий даромадни аниқлаш, инвестициялар, истеъмол ва миллий даромадлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш масалаларига эътибор қаратди.

Кейнсизм иқтисодиёт назарияси самарали талабни учта омил таъсирига яқин деб ҳисоблайди:

- 1) истеъмол қилиш мойиллиги;
- 2) сармоялашга мойиллиги;
- 3) ликвидлик имтиёзлари.

Ушбу назарияга кўра, давлат аралашувининг моҳияти мувозанат даражасини тўла иш жойига ўтказишдир, бу нормал ишсизлик даражаси деб аталади (3% дан 7% гача). Жами талабни кенгайтириш икки йўл билан тақдим этилади. Биринчидан, даромадни ошириш. Иккинчидан, солиқларни қисқартириш. Жами талабни кондириш учун давлат ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ходимларнинг сифатини ошириш керак. Ушбу таъсир "мультипликатив таъсир" деб аталади. Давлат солиқ ва фоиз ставкаларини камайтиради, шу билан бирга инвестицияларни ўсишини рағбатлантиради.

Жамиятнинг ўсиш суръатларини ошириш бандлик ўсишининг ҳал қилувчи омилдир. Шундай қилиб, давлат ўсиш ва бандликнинг асосий рағбатлантирувчиси ҳисобланади.

Замонавий бозор иқтисодиёти шиори: жамиятда қанчалик бой одамлар кўп бўлса, шунча камбағал одамлар кам бўлади. Бу асосан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишлаб чиқаришга янги ёки қўшимча иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқаришда илмий ва технологик ютуқларни жорий этиш, истеъмолчилар талабларини яхшироқ қондириш ҳисобига бойланадиган бой маданий бозорда тасдиқланган.

Иш билан шуғулланиш ҳақида ҳам айтиш мумкин: қанчалик кўп одам иш билан банд бўлса, шунча ишсизлик даражаси кам бўлади, одамлар турмуш даражаси ва фаровонлиги юқори бўлади ва аксинча. Шу билан бирга, бандлик, амалдаги қонунчиликка зид келмайдиган ва уларнинг иш ҳақи (даромади) ни қабул қиладиган шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган одамларнинг фаолияти тушунчаси сифатида қабул қилиш мумкин.

“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, ҳар иккала жинсдаги 16 ва ундан катта ёшдаги шахслар ишга қабул қилинади. Улар орасида нафақат ишлаб чиқаришда фойдаланадиган, балки қуролли кучлар, миллий хавфсизлик ва ички хавфсизлик кучлари ва муқобил хизматларни амалга оширадиган органларда хизмат қилувчи, таълим олувчилар (таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришдан ташқари), уюшмалар ва ташкилотлар жамоатчилиқда ишлайдиганлар. Шунингдек, иш билан бандларга мустақил равишда ўз-ўзини иш билан таъминлаган шахслар киради (тадбиркорлар, фермерлар ва улар оила аъзолари).

Соғлиқни сақлаш соҳасида ишлайдиган одамлар, улар кўриб чиқиладиган даврда ҳақ олиш учун ижарага бериладиган, шунингдек, ижарачилар учун даромад келтирувчи ишни, бир ёки бир нечта ҳамкорлардан мустақил равишда, ходимларни жалб қилган ҳолда ёки жалб қилмайдиган шахслардир. Ходимларнинг сони касаллик, парвариш, йиллик нафақа ёки дам олиш, маъмурият ташаббуси билан иш ҳақини сақлаб қолиш ёки қисман сақлаб қолиш билан уқишга кетиш, ўқиш таътиллари, таътилсиз қолдирилган ёки шахсий фойдаланиш учун ишдан вақтинча йўқ бўлган шахсларни оилавий корхонада ишламаган ишларни бажарган шахсларни ўз ичига олади.

Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот тизимида йиллик ўртача банд бўлганлар сони 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича 866,1 мингта одам, фойзаларда қисқодда банд бўлган ўртача йиллик -7,6 фоиз. Ушбу кўрсаткич 20012 йилда 924,1 мингта одамни ташкил этди, ёки 106,6 фоизга ўсди.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мураатномаси, 2018 йил 28 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасини маълумоти. 2015 – 2017 йиллар.

3. “Халқ – Сўзи”, рўзномаси, 2015 – 2018 йиллардаги сонлари.
4. “Народное – Слова”, рўзномаси, 2015 – 2018 йиллардаги сонлари.
5. “Правда Востока”, рўзномаси, 2015 – 2018 йиллардаги сонлари.

## **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТРУДОВАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СИСТЕМЕ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

*Ю.М. Хаджаева*

*Ферганский политехнический институт*

Количество воспитанников в группах и охват дошкольным образованием.

В отношении наполняемости групп, в Узбекистане стандарт - в норме 25 человек в группе, и МДО будет стремиться к его соблюдению. В первую очередь под контролем окажутся пилотные группы по подготовке детей к школе. А раньше обычно было по 30, даже по 40 воспитанников в группах.

"Согласно Поручению Президента Республики Узбекистан от 19 декабря 2017 года перед МДО была поставлена задача по поэтапному переходу на обязательную одногодичную подготовку детей к школе. Будут организованы пилотные группы для детей 6-летнего возраста с 3-часовым посещением, т.е. в неделю ребенок получит 15-часовую образовательную программу. В этих группах у нас создаётся научная воспитательно-образовательная среда. Конечно, мы идём постепенно. Когда мы только приступили к своей деятельности, охват детей школьным образованием было всего 27 процентов, на данный момент уже - 34 процента. МДО поставил перед собой амбициозную задачу - таким образом, постепенно охватить детей дошкольным образованием", - разъясняет министр.

Уже внедрена электронная система EMIS, которая позволяет принимать в группу только по 25 человек. К 2021 году практически во всех группах во всех регионах страны будет такое количество детей.

Проблемы нехватка персонала в ДОУ и их решения.

Педагогические кадры не потянутся, если у них не будет хорошей зарплаты в ДОУ.

По данному министерство дошкольного образование, в течении 27 лет, в системе дошкольного образования ни разу воспитателям и работникам ДОУ не повышались тарифные разряды. Впервые в марте месяце 2018 года МДО вышло с предложением о повышении на 30 процентов всех базовых тарифных ставок педагогов. С сентября 2018 года ещё на 30 процентов поднимаются базовые тарифные ставки для педагогов имеющих высшее образование.

Сейчас разрабатывается проработка о материальном стимулировании дошкольного образования. Победителей конкурсов лучших воспитателей, лучших заведующих, лучший дефектологов планируется премировать суммами от 5 до 15 минимальных окладов.

Кроме этого, МДО выходит с предложением присвоить воспитателям групп по подготовке 6-летних детей к школе статус учителя. Естественно, они попадают под льготы, которые сейчас внедряется в народном образовании.

Также, кто хочет получить дополнительные услуги - это уже будут платные услуги. Есть постановление №414 о том, что нужно развивать не только государство, но и внебюджетную деятельность. Средства будут попадать на счёт ДООУ и педагогический коллектив сам будет распоряжаться ими.

Всем известно, что были проблемы в системе по питанию в ДООУ. Когда организация питания проходила при ДООУ, были определённые нюансы - не все продукты питания доходили до пункта назначения. К тому же, заведующий и педагогический состав отвлекались от основного вида деятельности, т.е. они должны были заниматься ещё организацией питания. Сейчас обращается особое внимание на то, что это уже не детский сад, а дошкольное образовательное учреждение.

"Здесь основная составляющая - образование, - говорит Шин. - Поэтому мы пришли к выводу, попробовать альтернативу организации питания, это - аутсорсинг. Почему в порядке эксперимента? По окончании определённого срока мы должны провести анализ и посмотреть - что же лучше? Здесь обязательно будет учитываться мнение родителей".

Подготовка и переподготовка кадров дошкольное образовательное учреждение.

Кадры решают всё. МДО с первых же дней столкнулся с этой проблемой. В настоящее время идёт увеличение ДООУ, в том числе и негосударственных. Если в январе их было больше 200, то сейчас уже около 600. Эта цифра день за днем увеличивается. Потому что открываются частные сады, открываются ДООУ на основе ГЧП и т.д. Естественно, потребность в кадрах очень велика.

"Если не будет кадров, мы не можем говорить ни о каком качестве дошкольного образования. Мы отработали вопрос переподготовки кадров. Очень много педагогов, которые не имеют дошкольного образования. Сейчас освобождаются педагоги в академических лицеях, колледжах - люди, имеющие педагогический опыт, но не имеющие базовое дошкольное образование. Для них при педуниверситетов были открыты 4-месячные курсы переподготовки, благодаря чему уже более 9 тысяч педагогов влились в состав ДООУ. Плюс к этому мы также продумали и такой гибкий модуль - для людей имеющих непедагогическое образование был организован 6-месячный курс, таких педагогов-неспециалистов - около 1500", - говорит министр дошкольного образования.

А также, нельзя забывать про Университет Пучон в Ташкенте. Уже прошли испытания 540 слушателей. Это будет новое поколение педагогов, которые будут иметь азы музыкального образования, спортивного образования и т.д.

Статистика

В стране сейчас около 2,5 млн детей от 3 до 7 лет. В настоящее время в республике насчитывается 6 154 ДООУ. Из которых 5586 - государственные, 568 - негосударственные ДООУ. На сегодняшний день 859 141 детей охвачены дошкольным образованием, это 34 % от общего количества.

"Мы организовались 30 сентября 2017 года и когда нам были переданы ДООУ, их было 4891. Уже сейчас у нас - 5586. Откуда столько садов? Мы провели полную паспортизацию, инвентаризацию, которые проводились впервые. Это совершенно посторонняя организация - независимая консалтинговая компания, которую мы наняли. В процессе мы узнали, что кроме наших государственных садов, существуют их филиалы, которые никем не контролируются. Поэтому из 800 таких филиалов около 600 преобразовали в самостоятельные ДООУ", - дополняет Шин.

Итого: не охвачено дошкольным образованием - больше 1 млн 600 детей. Где-то к 2030 году ставится планка охватить 85 процентов детей дошкольным образованием.

Новые модели.

Цель МДО - обеспечить равноправный доступ и высокое качество дошкольного образования. В Узбекистане есть отдалённые сельские пункты, там нет детских садов, нет возможности получить дошкольное образование. Для того, чтобы обеспечить охват, со стороны МДО разработана альтернативная форма обучения - постановление о деятельности семейных ДООУ.

"Мы считаем, что именно в сельской местности они очень хорошо себя оправдают. В этом постановлении отмечено, что семейный детский сад имеет право получать прибыль. Кроме того, в помещении своего дома женщины, имеющие высшее образование, (исключение: здесь допускается даже средне-специальное образование) имеют возможности найма. Мы их зачисляем в штат и они получают зарплату. Мебель и методическое обеспечение - полностью берёт на себя МДО", - говорит Агриппина Шин.

Ещё одна модель, который сейчас предлагается и будет разрабатываться, это модель при махаллях, при помощи Исламского банка развития будет пристраиваться одна комната для обеспечения дошкольным образованием детей.

С января 2019 года каждому ребёнку с самого рождения будет присваиваться идентификационный номер и он будет прослеживаться дальше. Сейчас эти цифры берутся у Госкомстата, из Минюста и Министерства здравоохранения.

Дополнительные услуги.

Внесли в проект постановления предложение о том, чтобы дошкольные образовательные учреждения могли оказывать услуги для родителей, которые работают допоздна, но это уже будет отдельная доплата.

Отчётность документаций.

15 июля 2018 года вышло постановление о сокращении отчетности документации, т.е. если раньше педагоги заполняли 9 видов документов, теперь их число сокращено до 4.

Надеемся, что все запущенные реформы в будущем найдут своё отражение на деле и нашим детям будет обеспечено качественное дошкольное образование, а педагогам будет предоставлена соответствующая заработная плата и льготы. Очень хочется, чтобы каждый ребенок пошёл в детский сад без слёз, а хорошие педагоги не покидали свою работу.

### **Литература:**

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 28 декабря 2018 года.
2. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы дошкольного образования» от 9 сентября 2017 года.
3. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему стимулированию и развитию системы дошкольного

## **СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ, ОРГАНИЗАЦИЯ ТРУДА В ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАНА**

*Ю.М. Хаджаева*

*Ферганский политехнический институт*

Известно, что дошкольное образование является начальным звеном системы непрерывного образования. Оно обеспечивает формирование здоровой, развитой личности ребенка, пробуждая тягу к учению, подготавливая к систематическому обучению. Осуществляется дошкольное образование до 6–7 летнего возраста в государственных и негосударственных детских дошкольных учреждениях и в семье. Цель дошкольного образования — подготовка детей к обучению в школе, формирование здоровой, развитой, свободной личности ребенка, раскрытие его способностей, воспитание тяги к учебе, к систематическому обучению.

Охрана жизни и здоровья детей в дошкольных образовательных учреждениях осуществляется штатными медицинскими работниками дошкольного образовательного учреждения, а также медицинскими работниками органа здравоохранения, закрепленного за дошкольным образовательным учреждением.

"Положение о порядке организации охраны жизни и здоровья детей в дошкольных образовательных учреждениях" регламентирует порядок и правила организации охраны жизни и здоровья детей в дошкольном образовательном учреждении, правила посещения детьми дошкольного образовательного учреждения, требования к организации охраны в здании дошкольного образовательного учреждения, требования к организации

пожарной безопасности в дошкольном образовательном учреждении, требования к безопасности территории.

Система дошкольного образования

Детское дошкольное учреждение — это тип образовательного учреждения в Республике Узбекистан, реализующего общеобразовательные программы дошкольного образования различной направленности. Дошкольное образовательное учреждение обеспечивает воспитание, обучение, присмотр, уход и оздоровление детей в возрасте от 2-х до 7 лет.



Сведения о порядке создания, организации деятельности, комплектовании дошкольного учреждения, также об имуществе и денежных средствах, ответственности и управлении дошкольным учреждением и участниках образовательного процесса можно узнать из "Положения о государственном дошкольном образовательном учреждении в Республике Узбекистан".

Современная система детских дошкольных учреждений в Узбекистане

Дошкольные образовательные учреждения, в соответствии с направленностью их деятельности, делятся на следующие типы:

детские ясли, детские ясли-сад, детский сад, надомный детский сад (как самостоятельное учреждение, так и филиал).

учреждение дошкольного воспитания и начального образования (детский сад-школа).

дошкольное образовательное учреждение с приоритетным осуществлением одного или нескольких направлений развития воспитанников (языкового, художественно - эстетического, спортивного и др.).

детский сад компенсирующего типа с приоритетным осуществлением квалифицированной коррекции отклонений в физическом и психическом развитии воспитанников.

детский сад присмотра и оздоровления ослабленных детей с осуществлением медико-гигиенических, профилактических и оздоровительных мероприятий и процедур.

детский сад комбинированного типа (в состав комбинированного детского сада могут входить общеразвивающие, компенсирующие и оздоровительные группы в разном сочетании).



Режим работы дошкольного образовательного учреждения и длительность пребывания в нем детей определяются государственными требованиями к качеству и уровню дошкольного образования, уставом, договором между дошкольным образовательным учреждением и родителями, а также учредителями (собственниками).

Для детей с отклонениями в развитии и здоровье создаются специализированные дошкольные образовательные учреждения, прием в которые осуществляется на основании заключения психолого-медико-педагогической комиссии, создаваемой уполномоченными государственными органами по управлению образованием и органами здравоохранения на местах.

Полная информация о порядке создания, имуществе и финансово-хозяйственной деятельности специализированного дошкольного учреждения, организации учебно-образовательного и лечебно-оздоровительного процесса в специализированном дошкольном учреждении, участниках образовательного процесса и об управлении специализированным дошкольным учреждением указана в "Положении о государственных специализированных дошкольных образовательных учреждениях".

Основные задачи учреждений дошкольного образования

Дошкольное образование, независимо от форм и способов его получения, решает следующие задачи:

целенаправленная и систематическая подготовка детей к обучению в школе;

развитие их индивидуальных способностей и одаренности;

приобщение детей к национальным и общечеловеческим этическим и культурным ценностям, интеллектуальное развитие ребенка;

формирование основ высокой духовности и нравственности;

укрепление физического и психического здоровья детей.

В реализации целей и задач дошкольного образования активно участвуют общественные и благотворительные организации, махалля, международные фонды.

Дошкольное образование в Узбекистане осуществляется на государственном языке, а также на каракалпакском, русском, таджикском, киргизском, казахском.

### **Литературы:**

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 28 декабря 2018 года.
2. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы дошкольного образования» от 9 сентября 2017 года.
3. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему стимулированию и развитию системы дошкольного образования» от 5 апреля 2018 года.

## **ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИНИ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*Ю.Т. Додобоев, Ш.А. Дехканов  
Фаргона политехника институти*

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 11 апрель куни Бирлашган Араб Амирликларининг ҳукумат ва келажак ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқовий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Қабул маросимида Шавкат Мирзиёев, мамлакатимизда бўлиб турган нуфузли делегацияни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар изчил ривожланиб бораётганига юксак баҳо берди.

2019 йил март ойида Абу-Даби ва Дубай шаҳарларида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги шерикликни мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришда янги босқични бошлаб бергани қайд этилди.

Ташриф якунида муҳим келишувларга эришилди, жумладан, иқтисодийнинг турли тармоқларида умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича икки томонлама салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланди. Уларни тўлиқ амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда тегишли “Йўл харитаси” қабул қилинди.

Қабул давомида давлат ташкилотлари, илмий марказлар, етакчи компания ва корхоналар, банк-молия институтлари даражасида фаол мулоқот ва алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Бирлашган Араб Амирликларининг давлат бошқаруви ва инновацион ривожланиш соҳасидаги илғор тажрибасини жорий этишда ўзаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатларимиз экспертлари ҳамкорлигида устувор йўналишларда ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш юзасидан келишувга эришилди.

Вазир самимий қабул учун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди ҳамда БАА Президенти Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, БАА Қуролли Кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён ва БАА Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Муҳаммад ал-Қарқовий Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли янгиланишлар, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни юксак баҳолаб, Бирлашган Араб Амирликлари раҳбариятининг мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатларини изчил ривожлантириш борасидаги интилиши қатъий эканини таъкидлади.

Юқоридаги келишувларга асосан Ўзбекистон давлат бошқарув тизими самарадорлигини оширишда БАА тажрибасидан фойдаланади, бунинг учун барча шарт шароитлар мавжуддир.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқарув органлари ва таълим муассасалари вакилларида иборат Ўзбекистон делегацияси "Давлат бошқарув тизими самарадорлигини ошириш" ҳукуматлараро дастурининг ишчи гуруҳларининг иккинчи йиғилишида иштирок этиш учун Бирлашган Араб Амирликларига ташриф буюрди.

Ташрифдан асосий мақсад - БААнинг давлат бошқаруви тизимини яратишга доир тажрибасини ўрганиш ва келгусида Ўзбекистонда муқобил концепция жорий қилиш, ишчи гуруҳларнинг иккинчи йиғилишини ўтказиш, турли йўналишлар бўйича 2019-2020 йиллар учун "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил март ойидаги БААга ташрифи яқунларига кўра, Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги икки томонлама муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Ташриф давомида томонлар "Давлат бошқарув тизими самарадорлигини ошириш" қўшма дастури ташаббусини мувофиқлаштиришди, май ойида ўтказилиши режалаштирилган семинар эса Дастурнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Шавкат Мирзиёевнинг сўзларига кўра, ҳукуматни модернизация қилиш мамлакатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади ва халқаро тажриба унинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

2019 йил 5 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Азиз Абдуҳақимов, Адлия вазири Русланбек Давлетов, Инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари Шухрат Вафоев ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича директори Ш. Жўрабоев Дубайда БААнинг вазирлар маҳкамаси ва келгусидаги ишлари бўйича вазири М. Ал-Гергавий билан учрашишди.

Учрашув давомида Ал-Гергавий соғлиқни сақлаш, таълим, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда амалий натижаларга эришиш учун томонлар бир жамоа бўлиб ишлари муҳим эканини таъкидлади.

Ўзбекистон делегациясининг БААга ташрифи ҳукуматнинг давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришда икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга бўлган интилишидан далолат беради.

БАА вазирининг сўзларига кўра, ҳукумат фаолиятини ривожлантиришда юқори самарадорликни таъминлаш БААнинг ишончли келажакни таъминлашдаги саъй-ҳаракатларининг муҳим қисми ҳисобланади. БАА томон янги иш моделларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишга оид муваффақиятли тажрибаси билан бажонидил бўлишини маълум қилди.

Тадқиқотларимиз натижалари кўрсатмоқдаким Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳамкорликни кенгайтириш тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Масалан, Тошкентда 2019 йил 10 апрель куни Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматлари делегациялари ўртасида йиғилиш самарали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумат ва келажак ишлари вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқавий раислик қилган йиғилишда икки мамлакатнинг масъул вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқот фаоллашиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 24-26 март кунлари Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтиришда янги босқични бошлаб берди.

Ташриф давомида қатор ҳукуматлараро ва идоралараро келишувлар, шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда умумий қиймати 10 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган ҳужжатлар имзоланди. Мазкур ҳужжатлар сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, инновацион, ҳарбий-техник ва маданий-гуманитар соҳалар бўйича икки томонлама муносабатларни янада фаоллаштиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда барча келишувларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Йиғилишда Бирлашган Араб Амирликларининг давлат бошқаруви тизимидаги эришган ютуқларини Ўзбекистонда татбиқ этиш масаласи кўриб чиқилди. Икки давлат ўртасида Ўзбекистон давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва мамлакат тараққиётининг миллий стратегиясини яратиш юзасидан ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш масаласи муҳокама қилинди. Мазкур ҳамкорлик дастурида ҳукумат акселератори, инновация, давлат бошқаруви ва хизматлари сифати, миллий стратегия, ҳукумат қарорларининг ижро тизими самарадорлиги, раҳбарлар таркибини шакллантириш ва кадрлар

захирасини яратиш каби масалалар бўйича тегишли стратегиялар ишлаб чиқиш режалаштирилган.

– Биз Ўзбекистонга жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган ва бугунги кунда ҳам жадал ривожланаётган мамлакат сифатида қараймиз, – деди Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқавий. – Юртингиз кейинги йилларда иқтисодийни либераллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва давлатнинг халқаро миқёсдаги обрўсини мустаҳкамлаш борасида эришаётган ютуқлари бундан далолат беради. Президент Шавкат Мирзиёевнинг яқинда БААга амалга оширган ташрифи мамлакатларимиз муносабатларида тарихий саҳифа очди. Биз Ўзбекистон билан кўплаб соҳаларда ҳамкорлик қилишга аҳд қилдик.

Тадбирда икки мамлакат ўртасидаги истиқболли ҳамкорликни янада кенгайтириш, ишчи гуруҳлар тузиш ва уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди ва икки томонлама ҳамкорлик учун кенг имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Бирлашган Араб Амирликларининг давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш борасидаги ислоҳотларига бағишланган тақдимот ўтказилди.

Куннинг иккинчи ярмида икки томонлама ишчи гуруҳларни белгиланган йўналишлар бўйича G2G форматдаги учрашувлари ташкил этилди.

Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати делегациясининг мамлакатимизга ташрифи иккала давлатнинг кўп тармоқли ҳамкорлигини кенгайтиришга кенг имкон яратишдан иборатдир.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Президенти Бирлашган Араб Амирликлари делегациясини қабул қилди. Ўзбекистон ахборот агентлиги 11.04.2019.
2. Ўзбекистон давлат бошқарув тизими самарадорлигини оширишда БАА тажрибасидан фойдаланади. [kun.uz](http://kun.uz) / Ўзбекистон.
3. Элмуродов М. Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳамкорликни кенгайтиради. Ўзбекистон ахборот агентлиги. 10.04.2019.
4. “Халқ сўзи” рўзномаси. 2019 йил 04-11 апрель сонлари.

---

## **ЎЗБЕКИСТОН ВА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

*Ю.Т. Додобоев, Ш.А. Дехқонов  
Фарғона политехника институти*

2019 йил 1 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўтган ҳафта бўлиб ўтган Бирлашган Араб Амирликларига расмий

ташриф доирасида эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни амалга оширишни ташкил этиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Аввал хабар қилинганидек, давлатимиз раҳбари Абу-Даби ва Дубай шаҳарларида Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Куролли кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён, БАА Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амири Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум, ушбу мамлакат ҳукумати аъзолари ва қатор етакчи компаниялари раҳбарлари билан сермахсул учрашув ва музокаралар ўтказди.

Икки томонлама тадбирлар якунида Қўшма баёнот ҳамда қатор муҳим келишувлар, жумладан, умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган истиқболли инвестиция лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш бўйича битимлар имзоланди.

Ушбу келишувлар инновациялар, нефть-газ тармоғи, анъанавий ва муқобил энергетика, замонавий инфратузилмани ривожлантириш, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим каби ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини қамраб олган.

Таъкидлаш жоизки, ташриф давомида БААнинг олий даражадаги раҳбарияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва янгиланишларни бир неча бор эътироф этиб, уларни тўлиқ қўллаб-қувватлади. Амирликлар ишбилармон доиралари мамлакатимизга тобора катта қизиқиш билдираётгани Ўзбекистонга ишончнинг ортиб бораётганидан далолат беради.

Президентимиз эришилган келишувларнинг ўз вақтида ва сўзсиз ижросини таъминлаш лозимлигини қайд этиб, самарали усул ва механизмларни жорий этган ҳолда қабул қилинган “йўл харитаси”ни амалга оширишни дарҳол бошлаш муҳим эканини таъкидлади.

БААнинг етакчи компания ва ташкилотлари билан биргаликда амалга ошириладиган устувор қўшма лойиҳалар сифатида «Навоий» куруклик порти ва эркин иқтисодий зонасини ривожлантириш, мамлакатимизда углеводородлар қазиб олишни кўпайтириш ва уларни чуқур қайта ишлаш, Таллимаржон иссиқлик электр станцияси ва бошқа мавжуд ИЭСларни модернизация қилиш ва кенгайтириш, қуёш ва шамол электр станцияларини, Сирдарё вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш заводи барпо этиш ва бошқалар белгиланди.

Бундан ташқари, агросаноат кластерларини ташкил этиш ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг экспорт салоҳиятини юксалтириш, Самарқанд шаҳрида туризм ва коммунал инфратузилмани, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини, жумладан, Абу-Даби тараққиёт фонди иштирокида таъсис этилаётган низом жамғармаси 1 миллиард доллар бўлган инвестиция компанияси маблағларини жалб этган ҳолда қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги шерикликни кенгайтириш, “Масдар” компанияси ва Ал Халифа университети билан кўп

қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида БААда ўз ваколатхонасини очади.

Давлатимиз раҳбари “йўл харитаси”да белгиланган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, тармоқ компаниялари раҳбарларига энг қисқа муддатда инвестиция лойиҳаларининг тармоқ жадвалини тасдиқлаш ва лойиҳаларни амалга оширишни бошлаш, олий даражада эришилган Ўзбекистон-БАА келишувларининг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича самарали механизмларни жорий этиш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 1 апрель куни 2019 йил март ойида Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташриф доирасида эришилган келишув ва битимларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Абу-Даби ва Дубай шаҳарларида Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Куролли Кучлари Олий Бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён, БАА Вице-президенти, Бош вазир, Дубай амири Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум ҳамда ушбу мамлакат ҳукумати аъзолари ва қатор етакчи компаниялари раҳбарлари билан самарали учрашув ва музокаралар ўтказди.

Икки томонлама тадбирлар якунида Қўшма баёнот ҳамда қатор муҳим келишувлар, жумладан, умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган истиқболли инвестиция лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш бўйича битимлар имзоланди.

Ушбу келишувлар инновациялар, нефть-газ тармоғи, анъанавий ва муқобил энергетика, замонавий инфратузилмани ривожлантириш, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим каби ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини қамраб олган.

Таъкидлаш жоизки, ташриф давомида БААнинг олий даражадаги раҳбарияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва янгиланишларни бир неча бор эътироф этиб, уларни тўлиқ қўллаб-қувватлади. Амирликлар ишбилармон доиралари мамлакатимизга тобора катта қизиқиш билдираётгани Ўзбекистонга ишонч ортиб бораётганидан далолат беради.

Йиғилишда Президентимиз эришилган келишувларнинг ўз вақтида ва сўзсиз ижросини таъминлаш лозимлигини қайд этиб, қабул қилинган “йўл харитаси”ни амалга оширишни самарали усул ва механизмларни жорий этган ҳолда дарҳол бошлаш муҳим эканини таъкидлади.

БААнинг етакчи компания ва ташкилотлари билан биргаликда амалга ошириладиган устувор қўшма лойиҳалар сифатида «Навоий» куруқлик порти ва эркин иқтисодий зонасини ривожлантириш, мамлакатимизда углеводородлар қазиб олишни қўпайтириш ва уларни чуқур қайта ишлаш, Таллимаржон иссиқлик электр станцияси ва бошқа ИЭСларни модернизация

қилиш ва кенгайтириш, қуёш ва шамол электр станцияларини, Сирдарё вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш заводини барпо этиш ва бошқалар белгиланди.

Бундан ташқари, агросаноат кластерларини ташкил этиш ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги экспорт салоҳиятини юксалтириш, Самарқанд шаҳрида туризм ва коммунал инфратузилмани, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини, жумладан, Абу-Даби тараққиёт фонди иштирокида таъсис этилаётган низом жамғармаси 1 миллиард доллар бўлган инвестиция компанияси маблағларини жалб этган ҳолда қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги шерикликни кенгайтириш, “Масдар” компанияси ва Ал Халифа университети билан кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида БААда ўз ваколатхонасини очади.

Давлатимиз раҳбари “йўл харитаси”да белгиланган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, тармоқ компаниялари раҳбарларига энг қисқа муддатда инвестиция лойиҳаларининг тармоқ жадвалини тасдиқлаш ва уларни амалга оширишни бошлаш, олий даражада эришилган Ўзбекистон – БАА келишувларининг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича самарали механизмларни жорий этиш вазифаси қўйилди.

#### **Адабиётлар:**

1. Президент БААга ташриф доирасидаги келишув ва битимларни амалга ошириш бўйича асосий вазифаларни белгилаб берди.
2. Бирлашган Араб Амирликларига олий даражадаги ташриф якунида қабул қилинган келишув ва битимларни амалга ошириш бўйича асосий вазифалар белгилаб берилди. 01.04.2019 й.

## **ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ ИННОВАЦИОН МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ**

*Б.Б. Иминов*

*Фарғона Давлат университети*

Янги тараққиёт босқичида фалсафий таълимотларни, шу жумладан тасаввуф таълимоти ғояларини ижтимоий фанлар кесимида ўрганиш, унинг мазмунидан педагогик жараёнда фойдаланиб бўлажак мутахассислар онгида инновацион маданий алоқаларни кенгайтириш, миллатлар аро тотувликни

янада мустаҳкамлаш фикрларини шакллантириш зарурияти мавжуд.<sup>13</sup> Тасаввуф таълимоти жаҳон миқёсидаги, ўзининг амалий ва назарий аҳамияти билан, муҳим фалсафий таълимотлар туркумига мансубдир. Миллий маданиятимиз, тасаввуф фалсафий дурдоналарига хос бўлган кадриятлар мажунинг шаклланиши, таъкидлаш лозимки, ўзликни англаш жараёни уйғунлиги натижасидир ва бу жараён ўз навбатида ҳар бир инсоннинг маънавий камолотга эришишига кўмаклашади, ижтимоий ҳаётни бойитади, жамиятнинг барқарорлигини таъминлашга ёрдам беради. Бу сунъий шакллантирилган жараён эмас, балки кишилик жамиятини ижтимоий сиёсий муаммолар ечими доирасида бирлаштиришга, инсониятнинг комуникатив ўзаро алоқаларини жадаллаштиришга қаратилган ҳаракат бўлиб, инсониятнинг фикран тарқоқлигига барҳам беришга интилувчи омил ҳисобланади. Ҳозирги жадал ривожланаётган плюрализм жараён шароитида, миллий маданиятларнинг ички кадриятлари мазмунини, унинг инсон маънавий камолотидаги аҳамиятини англаш ва уни бўлажак мутахассислар тайёрлаш жараёнида, ижтимоий фанлар кесимда, янги педагогик технологиялар орқали талабаларга тушинтириш зарурияти вужудга келди. Миллий маданиятлар тарихи, мазмуни, моҳиятига нисбатан янги мунособатларнинг шаклланиши, демократик ислоҳатлар, миллий ўзликни англаш, миллий тил, миллий маданиятлар илдизини, асосларини, ривожланиш хусусиятларини, трансформациясини фалсафий асосда ўрганиш каби тенденцияларнинг кучайиши билан характерланади. Шунинг учун ҳам миллий маданиятлар мазмуни, ўзига хос хусусиятларини янги ривожланиш босқичида фалсафий асосларини ўрганиш, шу жумладан тасаввуф таълимот ғояларини фалсафий қирраларини тадқиқ қилиш демократик ислоҳатлар кесимида муҳим илмий амалий, долзарб аҳамият касб этади.

Тасаввуф таълимоти намояндalари илгари сурган ғоялар, инновацион миллий мунособатлар мазмунида, маданий алоқалар тизимида миллий тилнинг миллатларaro алоқа воситаси сифатида намоён бўлиши, диний бағрикенглик, милларлар аро тотувликни барқарорлаштиришда алоҳида роль ўйнайди. Шу билан бирга қайд этиш лозимки, шахснинг тил дунёсига, комуникатив мунособатларга кириши, ва унинг дунёқарашида маданий алоқаларни янада кенгайтиш ҳақидаги мустақил тушунчаларнинг шаклланиши ҳамоҳанглигини кузатиш мумкин. Ўзининг она тили билан биргаликда, яна бир хорижий тилни билиш, уларда сўзлашиш, умуман олганда икки тиллиликни оммавий ахборот воситалари, махсус дарслик ва ўқув қўлланмаларисиз тасавур қилиш мумкин эмас, чунки бундай тайёргарликга эга бўлиш натижасида, омма орасида толерант маданий мунособатларни тарғиб қилиш учун имконият шаклланади. Маданий мунособатлар тушунчаси, тил ва муайян миллий маданият орасидаги ва унинг раvнақини, кенгайтишини таъминлайдиган, маданий алоқалар воситаси

---

<sup>13</sup> Ўзбекистон республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Халқ сўзи, 8 февраль 2017 йил

сифатида хизмат қиладиган муҳим бўғин ҳисобланади. Ҳозирги маданий мунособатлар тизимида шахс ўзи учун зарур бўлган маданий ўзига хосликни танлайди ва бундай шароитда баъзи ҳолларда миллий этник кўриниш ҳолатларидан чекиниш ҳолатлари кузатилади. Биз яшаётган олам, яъни глобализм шароитида миллатлар аро алоқаларнинг чуқурлашуви, ўзига хос хусусиятларни сақлаб қолаётган миллий маданиятларга глобаллашув ўзининг таъсирини ўтказишга ҳаракат қилади, бундай жараён ўз навбатида тасаввуф таълимотидаги бағрикенглик, ахлоқий юксаклик, жисмоний камолот, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонга беғараз ёрдам ғояларидан миллатлараро мунособатлар ва халқлар орасидаги тотувликни янада мустаҳкамлаш жараёнида самарали фойдаланиш, ислоҳатлар ижросига, натижаларига ижобий натижа беради.

Глобалашув шароитида миллий маданиятлар тараққиёти, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ҳар бир шахснинг умиминсоний қадриятларни ҳурмат қилиши, плюралистик маданий мунособатларнинг ижтимоий ҳаётдаги ифодаси сифатида намойиш бўлади. Фуқоралик жамияти ривожига кузатилаётган ахборот тизимининг кенгайиши, ижтимоий ҳаёт жабҳаларига чуқур кириб бориши, шахс фаолиятига ахборотлар босимининг кучайиши, миллий чегараланганлик кўринишлари ҳам бир тамонлама баҳоланиши мумкин эмас. Ислоҳатлар шароитида миллий онг ва ҳар бир шахс индивидуал маънавий юксалишида устивор аҳамият касб этади, шу мунособат билан бўлажак мутахассисларнинг тасавуф таълимоти ғояларини, унинг илдизлари, ривожланиш хусусиятлари ва провард натижада ушбу таълимотни мустақил ўрганиш ҳам улар камолотдаги муҳим омиллардан биридир.

Янги ривожланиш даврида тасаввуф таълимоти буюк намоёндалари асарларини мустақил таҳлил қилиш, уларни оригинал нусхаларини топиш, таржима қилинганларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, тасаввуф намоёндалари илгари сурган, яъни инсон учун зарур бўлган психологик, ўз ўзини чиниқтириш, тарбиялаш ҳозирги талаба ёшлар учун муҳим амалий аҳамият касб этади ва бу тадбирлар миллатлараро мунособатларда ҳам муҳимдир. Шунингдек тасаввуф намоёндалари маърифат ва ҳақиқат тушунчасини инсонларга тушинтириш, улар онгига сингдириш ғоясини тарғиб қиладилар. Тасаввуфчилар томонидан асосланган, яъни инсоннинг одоби, уни шакллантириш зарурияти ва ниҳоят унинг шахс камолотдаги ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Ривожланишнинг янги босқичи даврида ислом динининг жамият аъзолари тарбиясидаги ролининг, унинг шахс маънавий, ахлоқий камолотдаги ўрнини янада англаш, ислом таълимоти имкониятларидан миллатларо тотувлик, диний бағрикенгликни тарғиб этишда қўллаш муҳим амалий аҳамият касб этади.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Халқ сўзи, 8 февраль 2017 йил
2. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Тошкент. 2004, Б.254-255.

3. Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат / Янги топилган намуналар. – Т.: Мовароуннаҳр. 2004. – Б.148.
4. Тариқатга қадам қўйган киши.
5. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. – Т.: Мовароуннаҳр, 2009. – Б. 23.

## **МИЛЛИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИНГ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ДАВРИДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ**

*А.А. Тождалиев*

*Фаргона Давлат университети*

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичи, яъни рақамли иқтисодиёт шаклланиши даврида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим факторларидан бири ҳисобланган рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ишини янги инновациялар асосида ташкил қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Инсоният цивилизациясининг янги босқичга кўтарилиши, фан ва техника соҳасидаги янги ютуқлар бевосита инсон омилига боғлиқ бўлган жараёнدير. Инновацион ривожланиш концепциясининг, рақамли иқтисодиётга ўтишнинг амалий аҳамиятини ва унинг инсон камолотидаги ўрнига алоҳида эътибор бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинган<sup>14</sup>.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи омилларидан бири юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг яратилганлиги билан характерланади. Рақобатбардош кадрларнинг инновацион фикрларини жамият, рақамли иқтисодиётнинг барча жабҳаларида амалиётга жорий этиш давлат, жамият ва шахснинг фаол ва самарали тараққиёти учун янги имкониятларни юзага келтиради. Жамият жадал ривожланиши жараёнида, айниқса рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида малакали, рақобатбардош кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёж ошиб бормоқда. Тайёрланаётган замонавий кадрлар дунёқараши ва онги, тараққиётнинг янги даврига хос бўлган мазмун билан бойиб бориши, социомаданий ўзгаришларнинг таъсирчанлиги ва мослашувчанлиги, фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланиш назариясини гуманистик-концептуал тадқиқ этиш, унинг янги сифат белгиси рақобатбардош кадрларга бўлган талабини назарий-фалсафий тушунишни тақозо қилади. Бу реаллик ва инновацион ривожланиш, рақамли иқтисодиёт шароитида фаолият юритишга мўлжалланган кадрлар тайёрлаш миллий тизимининг мазмуни ва моҳияти илмий тамойилига киритилиб, фалсафа, социология, маданиятшунослик ва бошқа фанлар тадқиқотчиларида катта қизиқиш уйғотаётган бўлсада, уни илмий жиҳатдан мустақил тадқиқот сифатида ўрганиш заруриятини вужудга келтирди.

<sup>14</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон.

Фуқаролик жамияти ривожланиш концепцияси, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг рақамли иқтисодиётга ўтиши хусусан, унинг социомаданий хусусиятлари, дунёвий билимлар кўламининг ортиши, инновацион технологияларни кадрлар тайёрлаш миллий тизими мазмунига татбиқ этиш ва уларнинг рақобатбардош кадрлар салоҳиятига бевосита таъсирини англаб етишнинг объектив зарурияти билан боғланганлигидадир. “Олий ўқув юртлари нуфузини ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш лозим. Ёшларимизга бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имкониятини беришимиз, ўйлайманки, уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини кенгайтиришга хизмат қилади”<sup>15</sup>.

Шу муносабат билан айтиш лозимки, мамлакатимизда олий таълим соҳасида кенг қамровли ислохотларнинг амалга оширилиши жамиятда юқори малакали кадрларга бўлган ижтимоий талабнинг қондирилишига, иқтидорли ёшларнинг фуқаролик жамияти шароитида ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда муносиб ўрин эгаллашларига, ёшларнинг тенглик ҳолатида ўз билимларини синаш имкониятларини яратишга йўналтирилган ва замонавий инновацион билимлар мажмуини малакали кадрлар тайёрлаш ишига жалб этилишида ҳам намоён бўлади. Инновацион ривожланиш концепциясининг ва рақамли иқтисодиёт шароитида рақоботбардош кадрлар тайёрлашнинг амалий аҳамиятини ва унинг инсон камолотидаги ўрнига алоҳида эътибор бериш мақсадида “Ўзбекистонда умумтаълим ва ўрта махсус таълим масканлари битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш ўтган даврда 9-10 фоиз даражасида бўлиб келаётган эди. Сўнгги икки йилда кўрилган чора-тадбирлар туфайли, биз бу рақамни 15 фоиздан оширишга эришдик. Лекин бу ҳали етарли эмас. Чунки дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич уларда 60-70 фоизни ташкил этади. Шунинг учун 2019 йилда мамлакатимизда битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 20 фоизга етказиш ва келгуси йилларда ошириб бориш – муҳим вазифамиздир”<sup>16</sup>.

Фуқаролик жамиятининг аксарият белгилари ҳозирги янги, рақамли иқтисодиётга хос бўлган тараққиёт босқичини ўз бошидан кечираётган Ўзбекистон жамияти учун ҳам хосдир. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, миллий кадрлар тайёрлаш ишида зарур бўлган илмий, инновацион билимлар оқимининг ўсиши, янги педагогик технологияларни малакали кадрлар тайёрлаш ишига қўллаш, олий таълим соҳасидаги модернизациялашувни тезлаштирмоқда, рақамли иқтисодиёт шароитида ишлайдиган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш муҳити ва методлари, ихтиссослик моделлари, бўлажак бакалавр ва магистрларнинг ижтимоийлашуви шаклланмоқда, уларнинг ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда муносиб ўрин эгаллаши учун рақобат майдони вужудга келмоқда. Инновацион

<sup>15</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси. Халқ сўзи, 28 декабрь 2018 йил.

<sup>16</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2018 йил 28 декабрь.

ривожланиш жараёни, рақамли иқтисодиёт шароитида малакали кадрларнинг янги корпуси учун зарур бўлган иш жойи ва унинг ижтимоий характери, ижтимоий структураси тез ўзгармоқда, кадрларнинг интеллектуал меҳнат ва шахсий қобилиятига жамиятнинг барча бўғинларида мунтазам эҳтиёж ортиб бормоқда. Глобаллашув ва информацион босимлар, инновацион билимларнинг бевосита таъсирида ўзгараётган меҳнат шароити, мақсади, кадрлар фаолиятининг ўзига хос хусусияти ва жамият ривожининг янги талаблари инновацион ривожланиш, рақамли иқтисодиёт ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими моҳиятини фалсафий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилишни долзарблаштирмоқда.

Инновацион ривожланиш ва рақамли иқтисодиёт учун кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими умуммиллий ҳодиса эканлиги, малакали кадрлар фуқаролик жамияти шароитида социомаданий бошқарувда муҳим ўрин эгаллаётганлиги, жамият ривожини ва бакалавр ва магистрлар салоҳиятининг диалектик алоқадорлигини фалсафий асосларини ўрганиш зарурияти комплекс тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилади.

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги, рақамли иқтисодиёт босқичига хос ўзгаришлар ўзининг узлуксизлиги, шиддаткорлиги, суръати, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олганлиги ва глобал характери билан ўтмиш воқеаларидан тубдан фарқ қилади. Бу хусусиятлар амалда умумжаҳон ҳамда жамият ҳаётининг барча томонларига ҳам хосдир. Бу даврда янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, фуқаролик жамияти институтлари қарор топмоқда, ишлаб чиқаришда кадрлар салоҳиятининг устуворлиги ортиб бормоқда, янги тараққиёт босқичи касбий билимларни ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига татбиқ этувчи ақлий меҳнат тусини олмоқда. Янгиланаётган жамият ўз навбатида тараққиётнинг инновацион билимларга ва кадрларнинг рақобатбардош корпусига таянадиган янги йўналишларини юзага келтирди.

Бинобарин, жамият аъзолари, шу жумладан, шаклланаётган янги кадрлар корпуси, инновацион билимлар оқими, ихтисослик учун зарур бўлган замонавий ахборотлар мажмуасининг янги турларини ўзлаштиришга эҳтиёж сезмоқда. Янги тараққиёт босқичида аксарият мутахассисларнинг жадал ўзгаришларга тайёр эмаслиги, уларнинг билими, малакаси ва кўникмаси ислохотлар талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Бундай ҳолат фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида ислохотлар тизимида малакали кадрлар ролининг муҳимлиги ва улар салоҳиятининг мунтазам юксалтириш заруриятини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, индустриал цивилизациядан инновацион тараққиётга ўтиш жараёни чуқурлашиб бормоқда. Бу жараён бевосита янги инновацион билимларга эга бўлган малакали кадрлар фаолиятига боғлиқ. Бундай мураккаб ижтимоий вазифа ечимида хорижий тажрибадан самарали фойдаланиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “Қандай оғир бўлмасин, тан олишимиз керак, юртимиз равнақи учун энг зарур йўналишлар бўйича изланувчан, истеъдодли ёш кадрларни четда, ривожланган давлатларда ўқитишга мажбурмиз. Шунинг учун ҳам олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртлири,

мамлакатимиздаги илмий марказлар “Эл юрт умиди” жамғармаси билан яқин ҳамкорликда самарали иш олиб бориши керак”<sup>17</sup>.

Юқоридагиларга асосланиб қуйидагича хулоса қилиш мумкин.

Биринчидан инновацион тараққиётнинг, рақамли иқтисодиёт қарор топиши ва ривожланиб бориши ҳар бир шахснинг, тайёрланаётган миллий кадрлар корпусининг ўз билим доирасини кенгайтириш, замонавий ахборотлар таъсирида ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг янги турларини эгаллашни тақозо қилади.

Иккинчидан, фуқаролик жамияти қарор топаётган даврдаги ижтимоий тараққиёт маъно-мазмун жиҳатдан илгаригилардан тубдан фарқ қилади. Бунда нафақат инновацияларга эҳтиёжнинг ортиши, шу билан бирга, глобаллашув шароитида мафкуравий, информацион хуружлардан ҳимояланиш, кадрлар корпусининг юксак маънавиятга эга бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида рақамли иқтисодиёт шароитида фаолият кўрсатадиган бўлажак мутахассислардаги миллий ҳамда умуминсоний маънавий меъёрларга мувофиқ илғор маданиятни шакллантиришни долзарб вазифа қилиб қўяди.

Учинчидан, миллий кадрлар онгида баркамолликнинг маънавий фазилатларини шакллантиришда уларнинг дунёвий ва диний билимларга эгаллиги, ўз мутахассислигини чуқур билиши, дунёқараши ва малакалари тизимини, жамият қаърида содир бўлаётган ҳодисаларга онгли муносабати ҳамда салбий мафкуравий таъсирдан ўзини ҳимоялаш қобилиятини тарбиялаш жамиятимиз ҳамда миллий давлатчилигимиз асосини ташкил этадиган рақамли иқтисодиётни мустаҳкамлаш стратегияси асосларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, инновацион ғояларнинг олий таълим тизимида мунтазам жорий этилиши, тайёрланаётган бакалавр ва магистрларнинг юртимиз манфаатларини жаҳон миқёсида ҳимоя қила олиш имкониятларини уларда шакллантириш ғояси ҳам илгари сурилади.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси. Халқ сўзи, 28 декабрь 2018 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 26 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқи. Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь

---

<sup>17</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 26 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқи. Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь

# АБУ АЛИ ИБН СИНО ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИ РАҚОБОТБАРДОШ МУТАХАСИСЛАР ТАЙЁРЛАШДА МУҲИМ МАНБА СИФАТИДА

*И.А. Рустамов*

*Тошкент Ахборт Технологиялари университети Фарғона филиали*

Буюк мутафаккир Абу Али ибн Ибн Сино таълимотида ижтимоий фалсафий қарашлар муҳим ўрин эгаллайди. Ибн Сино яшаган дарнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, XI асрда мамлакатимиз ҳудудида маданий ривожланишга эришилган, натижада бунда ижобий ҳолат ўз навбатида Шарқ Уйғониш жараёнига ижобий таъсир қилган. Алломанинг ижтимоий сиёсий қарашларидаги марказий масала антик дунё файласуфларининг бетакрор фикрлари асосида, улар яратган таълимотнинг моҳиятини тушинтиришдан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам олим антик дунёнинг буюк файласуфлари асарларини мукамал ўрганган. Шарқнинг буюк мутафаккирлари Аль Кинди, Аль Фаробий ижодига мансуб манбаларини чуқур таҳлил қилган. Алломанинг ижодий намуналаридан ҳозирги даврдаги рақоботбардош мутахасислар тайёрлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ҳаракатлар стратегиясида таъкидланадики, “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш” лозим.<sup>18</sup> Аллома ижодида ўйғониш даврининг ўзига хос хусусиятлари, яъни инсон тарбияси ва унинг камолотга эришишида қўлланиладиган воситалар мазмуни таҳлил яққол кўзга ташланади. Унинг ижодида антик маданият моҳиятан гуманистик характерга эга бўлган воқеалик сифатида намоён бўлди. Мутафаккир ўзининг ижтимоий тараққиётга оид қарашларини, антик дунёга хос бўлган фалсафий антропология ва этика асосида талқин қилади. Таъкидлаш лозимки, аллома ижодида инсон муаммоси, унинг фаолиятига хос бўлган воқеаликлар тасвири муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан алломанинг “Соғайиш китоби”нинг “Психология” деб номланган бир боби ушбу масалага бағишланган. Шунингдек ушбу асарда инсоннинг, тирик организм сифатида ҳайвондан асосий фарқини объектив воқелик сифатида тушунтиради. Олимнинг фикрича, ҳайвонлар табиат иномларидан фойдаланиш билан чегараланадилар, инсон эса унга қаноат қилмайди, инсонга озиқ овқат, қийим ва яшаш жойи ҳам зарурдир. Ҳайвон табиат иномларини ўзлаштириш билан чегараланса, инсон ўз меҳнати билан ўзига овқат топади, қийим тикади ва уй қуради, шунинг учун ҳам инсон деҳқончилик ва хунармандлик билан шуғулланади. Ҳайвонлар тўда бўлиб яшайди, яқка умр кўра олмайди, инсон ўз навбатида танҳо ҳолда ўзи учун зарур бўлган ашёларни тайёрлай олмайди, ўз навбатида бундай ҳолат инсондан мулоқат ва ўзаро ёрдам бериш каби хислатлар шаклланиши заруриятини келтириб чиқаради. Мутафаккир ўзининг фалсафий

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-с.

таълимотида инсон ва табиат масалаларига, улар орасидаги мунособатлари масаласига алоҳида эътибор беради ва ушбу ҳолатга шахснинг шаклланиш жараёнини англаши, ҳамда атроф муҳит ривожланиши жараёни билан боғлиқлигини таъкидлайди. Олим атроф муҳит тушинчасига инсон мунособатлари содир бўладиган, шахс фаолият юритадиган вазиятни, ҳолатни киритади. Таъкидлаш лозимки, аллома инсон ҳулқига таъсир ўтказувчи ижтимоий детерминантларни аниқлайди ва инсоннинг ижтимоий соҳа нуқтаи назаридан тадқиқ қилади.

Ибн Сино инсоннинг жамиятда тутган ўрнининг фарқларини аниқлаш масаласини илгари суради ва унинг асосий сабабларини ҳам таҳлил қилади. Даставвал муаллиф одамларнинг, турли элатлар вакиллари маънавий дунёси ва улар яшаётган табиий географик шароитдан келиб чиқиб фарқланишини қайд қилади. Ижтимоий ҳаётнинг ушбу факторлари орасидаги фарқни тушинтириб, аллома ахлоқий принципларнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлайди, унинг фикрича ахлоқий омиллар, халқнинг ахлоқий жиҳатдан барқомоллиги миллий маданиятнинг тараққиёти ва сиёсий стабилликни таъминловчи омиллардан бири эканлигини қайд этади. Уларнинг таъсирида инсон ўз мунособатларини уйғунлаштиради, ўзаро ёрдам бериш хусусиятини шакллантиради ва ахлоқий тубанлик ва жаҳолатга қарши курашади. Ахлоқий принциплар мазмунини инсонларга яхшилик ташкил қилса, жамиятнинг барқомоллиги асоси моддий таъминланганликдан иборатдир. Мутафаккир томонидан билдирилган бу фикр, жамият мазмунига, моҳиятини белгилашда, ёндошувда иқтисодий омилларнинг ўрнини англашда ёрдам беради. Ибн Сино инсоннинг сиёсий фаолияти ҳақида фикр юритиб, унинг жамиятда фаолият кўрсатиши учун асосий фактор ўзаро бирибирини тушиниши, тинч, осойишта муамулода бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Шу мунособат билан ҳамма учун бир хил талабларни қўядиган қонунлар ва ҳуқуқий мунособатлар шакллантирилиши заруриятини таъкидлайди. Алломанинг фикрича жамиятнинг барча аъзолари ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишлари даркор.

Ибн Сино фикрича жамият моддий имконитларига, жамиятдан олаётган фойдасига қараб бир нечта қатламлар ва гуруҳларга бўлинади. Олимнинг фикрича ҳамма одамлар ҳукмдор бўлганларида улар ҳалок бўларди, агар инсонлар фақат бўйсинувчилардан иборат бўлганида ҳам улар яшай олмасдилар, агар инсонлар ўзаро тенг бўлганларида, улар орасида ишловчилар бўлмасдан, яъни бошқалар учун ишлайдиганлар бўлмаганлиги учун ҳам уларнинг бир бирига ёрдами бўлмасди. Шунингдек ҳамма одамлар камбағал, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлса, иқтисодий этишмовчилик ва қашшоқлик туфайли улар ҳалок бўлар эди. Шундай экан, инсонларнинг ижтимоий турмушдаги ҳолати ва эгаллаб турган лавозими уларнинг жамиятдаги ўрнига таъсир кўрсатади. Таъкидлаш лозимки аллома жамиятнинг ўрта қатламига мансуб бўлганлиги учун, жамиятда ижтимоий қатламларнинг муайян ҳолатига, мавжудлигига, уларнинг жамиятда бажарадиган функциясига алоҳида эътибор берган.

Шунингдек алломани инсонлар орасидаги ижтимоий тенгсизлик масаласи ҳам унинг ижодига мансуб бўлган бир қатор асарларда баён қилинган. Жумладан унинг фикрича инсонлар мулкдорлиги ва жамиятдаги ўрнидан ташқари улар шахсий хислатлари, яъни, қизиқишлари, ақлий имкониятлари, хотираси, билими, ҳунармандчиликга мойиллиги, ботирлиги каби хислатлари билан бир биридан мутлақ фарқ қилади. Олимнинг фикрича “аллоҳ инсонни нафақат моддий томондан, балким ақли ва фикрлаши бўйича ҳам турлича яратган”<sup>19</sup>.

Ахлоқий баркомоллик юзасидан фикр билдириб, ҳукмдорларнинг интеллектуал юксалиши масаласига алоҳида тўхталган. Унинг фикрича вазирлар, ҳарбийлар, ҳукмдорлар тарихий воқеаларда асосий роль ўйнайди, ва инсонлар тақдирида ҳам муҳим ўрин эгаллаши мумкин. Ибн Сино ўзининг “Уй хўжалиги ҳақидаги трактати”да ҳукмдорларнинг маънавий, ахлоқий тарбияси ҳақида фикр юритиб, ҳукмдор маънавий, ахлоқий дунёсини мукамаллаштириш, сиёсатнинг асосий принциpidир деган хулосага келади.<sup>20</sup> Мутафаккир ушбу масаладаги фикрларини давом эттириб, таъкидлайдики, ҳукмдорлар мунтазам суратда ўзларининг маънавий комолати устида ишлаши лозим, чунки бу ҳолат улар томонидан ишлаб чиқилган қонунлар ва уларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳукмдорларнинг маънавий, ахлоқий дунёсини юксаклиги учун бўлган ҳаракати давлат аҳамиятига эга бўлган воқелиқдир.

Ибн Сино таъкидлайдики, баъзи ҳукмдорлар ўзларининг атрофига ҳушомадгўйлар, ёлғон сўзловчи инсонларни йиғиб олади, ҳақиқатни тан олишни истамайди. Шунинг учун олим ўзининг қарашларида ақли инсонлар, ва ҳукмдорнинг атрофини ўраб турганлар ҳукмдорга сиёсатда, бошқарувда ва қонунларнинг ижросида тўғри йўлни танлашда ёрдам кўрсатиши лозимлигини алоҳида қайд қилади.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, Ибн Сино ўзининг фалсафий асарларида ҳунармандчиликга алоҳида эътибор беради, унинг фикрича ҳунармандчилик жамият ривожланишининг асосини ташкил қилади. Шунингдек унинг фикрича деҳқонлар жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди, улар меҳнат туфайли жамият ривожланади, шунингдек улар меҳнати натижаларига табиий муҳит катта таъсир кўрсатади. Мутафаккир шаҳардаги ҳаёт тарзига ҳам ўз муносибати билдириб таъкидлайдики, улар учун ҳунармандчилик ва савдо муҳим аҳамият касб этади, чунки ҳунарманчилик туфайли топилган маблағ савдонинг ривожланишига олиб келади, жумладан шаҳарни озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминлайди. Ибн Сино ҳунармандчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини инсоннинг иқтисодий талабларининг вужудга келиши билан боғлаб тушинтиради. Шу муносибат билан ҳунармандчиликнинг жамият ҳаётидаги ролини яъни шаҳардаги фаровонликни таъминлаши, армияни қуроллантиришдаги, савдонинг ривожланишидаги аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Ҳунармандчиликга

<sup>19</sup> Ибн Сина. Освещение. // Избранные произведения. - Том 1 - Душанбе, 1980. с.20.

<sup>20</sup> Ўш манба, 20 бет.

бойлар, савдогарлар, бевосита ҳунармандларнинг ўзи ҳам алоқадор Бойлар учун ҳунармандчилик товар сифатида намоён бўлади, савдогарлар учун ҳунармандчилик маҳсулотлари сотиш учун маҳсулот вазифасини бажаради, ҳунармандлар эса унга ўзининг меҳнати ва иқтидоини сингдиради. Шунингдек ҳунармандлар ўзлари вужудга келтирган маҳсулот учун кетган меҳнатларини мунтазам қадирлайдилар. Ибн Синонинг фикрича, ҳунарманд муайян касбни эгаллаганидан сўнг, ўз ижодий имкониятларини мулкга эга бўлмаса ҳам, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотда намоён қилади.<sup>21</sup> Мутафаккир ўзининг «Уй хўжалиги ҳақида трактати»да ҳунармандчиликни турларга бўлади ва унга ижтимоий фойдалиги нуқтаи назардан баҳо беради. Биринчидан, сиёсатчилар ва ҳукмдорлар ҳунари бўлиб, ақллик ва уддабуронликда намоён бўлади. Иккинчидан, моҳир санъат ҳунари бўлиб, ёзувчилар, астрономлар, шифокорлар, баддий ижодкорлар, рассомлар, ҳайкалторошлар ва ҳарбийлар маҳоратида акс этади. Ибн Синонинг таъкидлашича, биринчи гуруҳга киритилган ҳунарлар ижтимоий аҳволда, мамлакатда тинчлик ҳукмрон бўлишида, шаҳарлар тараққиётида, савдо сотиқнинг муттасил ривожланишида ўз аксини топади. Иккинчи гуруҳга киритилган ҳунарлар инсон танаси саломатлиги ва маънавияти юксалишини таъминлашга хизмат қилади. Учинчи гуруҳ ҳунарлар инсон фаолияти учун фойдали ва қизиқарлидир. Ушбу классификацияга хос бўлган ҳолатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда инсон фаолиятида гуманизмга алоҳида эътибор бериш лозимлиги таъкидланади, ҳунармандчиликга бундай мунособат Шарқ Ўйғониш даврининг моҳиятини, мақсадини ташкил қилган. Шу мунособат билан қайд қилишимиз лозимки, Шарқда Ўйғониш даври Европадаги Ўйғониш даврига нисбатан икки аср илгари бошланган. Ҳунар масаласини Ибн Сино кенг мазмунда талқин қилади, ушбу жараёнга жамиятдаги моддий ишлаб чиқариш ва иқтисодий ҳаёт муаммоларини ҳам киритади. Ҳунармандчилик моддий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш усулидир. Шаҳардаги ижтимоий иқтисодий ҳаёт моддий ишлаб чиқаришни кенгайтиради, савдо эса унинг ўсишига ёрдам беради. Лекин шу билан биргаликда даромод ва харажат ўртасидаги номунатосиблик вужудга келади. Уларни ҳисоблаш жараёнида фақат пулдан эмас балки, моддий, ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан ҳам фойдаланиш лозим. «Уй хўжалиги ҳақида трактати»да олим жамиятдаги иқтисодий жараёнларни мукаммал тушунадиган, биладиган иқтисодчи сифатид фикр юритади. Оила доирасида фойда ва харажат масаласига эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади. Дастлаб мулк оиланинг харажатларига сарфланади, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга ёрдам қилинади, хўжалик учун зарур бўлган нарсалар харид қилинади, ҳамда садақага бир қисми сарфланади. Ушбу жараёнга шаҳар ва давлат мастида қаралса унинг ниҳоятда мураккаблигига ишонч ҳосил қиламиз. Бундай ҳолатда харажатларнинг асосий мақсадларга қаратилганлигига эътибор берилиб, йиғилган моддий бойликнинг

<sup>21</sup> Қаранг .Бертельс Е.Э.Авиценна и персидская литература.// Известия АН ССР. Отд. Общ. Наук.-1938.-№ 1-2, стр.30.

сарфланиши ва молиявий жихатдан унинг харажатларни уддабурунлик билан ташкил қилиш зарурдир. Мамлакатдаги мавжуд қонунларга биноан, яъни жамиятнинг осойишталигини таъминлаш мақсадида, олинаётган даромадлар ва харажатлар орасидаги боғлиқликга эътибор берилиши, ҳамда мамлакатда содир бўлиши мумкин бўлган табиий офатлар, уриш ҳолатлари учун сарфланадиган харажатлар ҳисобга олиниши муҳим аҳамият касб этади. Мутафаккир ҳунармандчилик, савдо, иқтисодиёт, жамиятнинг табақаларга бўлиниши ҳақида фикр юритиб, ўзининг мустақил фикрларини изҳор қилади, яъни идеал монархик давлатнинг моҳиятини аллегорик шаклда тушинтиради.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-с.
2. Абу Али ибн Сина. Избранные философские произведения. Москва. Наука. 1980.
3. Абу Али ибн Сина. О душе. В кн. Избранные философии произведения. Москва. 1980, стр.
4. Абу Али ибн Сина. Избранные произведения. Том I, Душанбе. "Ирфон". 1980, 420.с.
5. Абу Али ибн Сина. Указания и наставления. В кн. Избр-е философские произведения. Москва, Наука, 1980.
6. Абу Али ибн Сино. Фалсафий қиссалар ("Тайр қиссаси", "Саломон ва Ибсол", "Ҳайй ибн Яқзон"). Ташкент. Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти. 1963.48.б.
7. Абу Али ибн Сина. Трактат по гигиене. Ташкент. 1982. 108. с.

## **ЁШЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ ВА МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ**

*Ш.Ж. Холматов, Ш.Назарова*

*ТАТУ Фарғона филиали, Фарғона ижтимоий- иқтисодиёт коллежи*

Иқтисодий маданият ҳаётини кузатувлар орқали, янги тартиб қоидаларга секин-аста кўникиш орқали шаклланади. Бу узок давом этиши мумкин бўлган жараён дир.

Янги иқтисодиётга илдам ўтилиши унинг маданий тамойилларининг ҳам илдам шаклланиб кучга киришини талаб қилади.

Иқтисодиётни жадал ривожлантиришга эришиш учун фаол инвестицияларни жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш талаб этилади.

Тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш иқтисодиётдаги ижобий натижалар самарадорлигига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Иқтисодиёт соҳасида олдимизда турган вазифалар ва вазифалар ҳақида гапирганда, аввало кенг қамровли иқтисодий ислохотлар негизида қуйидаги мақсадлар мужассам эканини қайд этиш лозим:

- Очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

- иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий сеторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш;

- иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;

- “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг хажмини кескин қисқартириш;

- валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш;

- иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш”.

Ушбу юксак мақсадлардан бири бўлган “стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш” соҳасида ҳам мустақиллик йилларида мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилди.

Президентимиз томонидан бундай юксак мақсад ва вазифаларнинг белгилаб берилиши олий таълим тизими профессор-ўқитувчилари ҳамда келажагимиз бунёдкори талаба ёшларга ҳам катта масъулият юклайди.

Шундай экан янги иқтисодий маданият умумахлоқий меъёрлар билан бирга, бозор муносабатларидаги қадриятларни ўз ичига олади. Бинобарин, бугунги ҳаётнинг ўзи бозор талабларига жавоб берувчи янги иқтисодий тафаккур ва иқтисодий ахлоқни талаб этмоқда.

Иқтисодий маданият иқтисодий мустақиллик, эркинлик, ижодий фаоллик, қабул қилинаётган қарорга нисбатан масъулият, ҳамкорларга хурмат ва бошқа жамиятнинг самарали тараққий этиши учун зарур ахлоқий сифат ва фазилатлар билан боғланган.

Замонавий бозор муносабатлари, рақамли иқтисодиёт юқори малакали мутахассисларни талаб қилади ва бунда янги шароитга тез мослашиш қобилиятига эга, ижодий кишиларга устун даражада эътибор қаратилади. Улар очилган имкониятлардан фақат фойдаланибгина қолмай, бу имкониятларни яратишлари ҳам керак бўлади. Бундай ижодий, янги ҳолатларни илгари сурадиган мутахассисларни одатий шароитларда тайёрлаш эндиликда самарасиз бўлиб қолади. Бунинг учун таълим тизимини ўзгартириш керак бўлади, чунки олий таълим муассасаларида олинган билимлар маънан эскириб, янги вазифалар ечимини топиш учун замонавий ёндошув талаб этилади.

Олий таълим муассасалари ноиқтисодий йўналишларидаги иқтисодий таълим бугунги кунда тахсил олувчиларда керакли даражада иқтисодий

маданиятни шакллантирмаётганини кўрсатмоқда. Талабаларда зарур компетенция етарли эмас. Бу хулоса асосан замонавий жамиятдаги иқтисодий муносабатлар, жумладан, мулкка эгаллик, пул-кредит тизими, меҳнат бозори, карьерани режалаштириш усуллари ва бошқалар ҳақида тўла тасаввурга эга бўлмаган ноиқтисодий мутахассислик йўналишларидаги талабаларга тегишли. Олий таълим муассасаларида замонавий иқтисодий таълим таҳсил олувчиларга назарий билимларни юқори сифатда берсада, ўқишни тугатгандан кейинги касбий фаолиятда зарур бўлувчи амалий малака ва қобилиятни шакллантиришда бўшлиқ кузатилмоқда.

Шахс умумий маданиятнинг муаян бир қисми бўлган иқтисодий маданият фақатгина иқтисодиёт соҳасида билимлар ёки ахборотларга эга бўлишдан иборат бўлиб қолмаслиги керак.

Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган аксарият талабаларнинг иқтисодиёт назариясини ўрганишдан мақсади фан ҳақида умумий тушунчага эга бўлиши билангина чекланади. Ижтимоий ўз-ўзини англаш талабларнинг ўзгариши эса келажакда инсонинг шахс сифатида ривожланишида қийинчилик, мураккабликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун олий таълим муассасининг роли нафақат аниқ касбий билимларни узатиш, балки бўлғуси мутахассисларда иқтисодий онгни шакллантиришни ҳам ичига олади.

Иқтисодиёт фанини ўқитиш методикаси, шу билан бирга, маъруза ва семинар машғулотида талабалар хатти-харакатининг чуқурлаштирилган психологик-педагогик таҳлили, кузатишлар талабалар шахсий фикрини ифодалаш, сиёсий таҳлил юрутиш, иқтисодий масалаларни ечиш, иқтисодий вазиятни тушунтиришга оид топшириқларни бажариш, прогнозлаш қобилияти билан боғлиқ саволларга жавоб беришга қийналишларини ҳам кўрсатди.

Бўлажак мутахассиснинг иқтисодий маданияти, назарий билимларни, амалий кўникмалари, қобилияти, шунингдек, ижодий ҳолатлардан қай даражада фойдаланиши каби сифатларини доимий ўрганиб аниқ ва ҳолис баҳолаб бориш керак.

Иқтисодий маданиятнинг юксак даражаси фаолиятни муваффақиятли амалга оширишни таъминлайди, шу боис иқтисодий фанларни ўқитишнинг ахамияти ошиб бораверади .

Ривожланаётган шахс иқтисодий маданияти мураккаб, комплекс, тизимли, барқарор ва ривожланувчи ҳодиса, шахснинг иқтисодий маданиятини вужудга келиши ва ривожланиб боришга тизимли таъсир ўтказилишини талаб қилувчи яхлит бир жараёндир.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2018 й. 29 декабрь.
2. Тешабоев Т.З. Отақўзиева З.М. Ахборотлашган иқтисодиёт. Тошкент 2017 й.
3. Бўтабоев М. Тошматов М. Мўминов А. Бизнес бошқаруви асослари.

4. Коркошко И.О. Особенности экономического сознания студенческой молодежи с разными ценностными ориентациями. (Интеграция образования), 2009, № 4.

## **RAQAMLI IQTISODIYOTGA O'TISH DAVRIDA KADRLAR POTENTIALI**

*A.Kadirov, M.Abduqodirova*  
*TATU FF*

«O'zbekiston Respublikasi raqamli iqtisodiyoti Dasturi» (O'zRID), 2019-2022 yillarda O'zbekiston Respublikasida axborotlashgan jamiyatni rivojlantirish Strategiyasiga amal qilgan holda, raqamli iqtisodiyotning asosiy ishlab chiqarish omili raqamli shakldagi ma'lumotlar bo'lgan, fuqarolar va jamiyatning sifatli va ishonchli ma'lumotlar olishga ehtiyojlarini hisobga olgan holda axborot makoni shakllantirishga, O'zbekiston Respublikasi axborot infratuzilmasini rivojlantirishga, milliy axborot-telekommunikatsiya texnologiyalarini yaratish va qo'llashga, shuningdek, ijtimoiy va iqtisodiy sohalar uchun yangi texnologik asoslar shakllantirishga xizmat qiladigan raqamli xo'jalik yuritish faoliyatini ifodalashi lozim.

SHubhasizki, raqamli texnologiyalar kommunikatsiyalarga ketadigan vaqtni qisqartirish va barcha iqtisodiy jarayonlarni tezlatish imkonini beradi, lekin bu jarayonlar tezlashuvi natijasida konkret xududda nima ro'y berishi – iqtisodiyotning gullab-yashnashi yoki tanazzulga yuz tutishi – inson kapitalining rivojlanish vektoriga bog'liq bo'ladi. Ko'rinib turibdiki, insoniyat rivojlanishining barcha bosqichlari uchun anhanaviy ravishda ajratiladigan asosiy ishlab chiqarish omillari– yer, mehnat va kapital iqtisodiyotni raqamli o'zgartirish davrida, tovarlar, xizmatlar va axborot qiymati shiddat bilan o'sib borayotgan bir paytda tub o'zgarishlarni boshidan kechirmoqda. Raqamli iqtisodiyotda davlatlarning asosiy aktivini inson kapitali bo'ladi. Ammo, umuman ham inson emas, balki asosiy aktiv yangi texnologiyalar sohasida chuqur bilimlarga ega, ularni hayotga tadbiiq eta olishga qodir, eski narsalarni takomillashtira oladigan konkret odamlar hisoblanadi. Hattoki, konkret odamgina ham emas, balki chuqur bilimga ega shaxslarni umumiy jamoaviy intellektga birlashtirish va faollashtirishga qodir bo'lgan odamlar guruhi davlatlarning asosiy aktivini bo'lib hisoblana boshlaydi. SHu munosabat bilan tan olish mumkinki, kelajak iqtisodiyotida asosiy ishlab chiqarish omillari bo'lib, inson va axborot kapitali hisoblana boshlaydi, bunda asosiy omil va harakat qiluchi kuch inson kapitaliga tegishli bo'ladi. Bu nuqtai-nazarni Davos iqtisodiy forumi asoschisi va prezidenti, raqamli iqtisodiyotda asosiy ishlab chiqarish omili baribir kapital emas, balki kadrlar salohiyati bo'lishini Klaus SHvab asoslab bergan. SHu sababdan, kapital mavjudligi emas, balki aynan chuqur bilimga ega kadrlar taqchilligi innovatsiyalar, raqobatbardoshlik va o'sishni chegaralab turadigan cheklov hisoblanadi. SHvabning qayd etishicha, ko'rsatilgan muammolar «yuqori malaka» tushunchasining o'zini to'rtinchi sanoat inqilobi nuqtai-nazaridan qayta ko'rib chiqishga majbur qiladi. Malakali mehnatning anhanaviy tahriflari yuqori darajada ma'lumot yoki ixtisoslashgan ma'lumot mavjudligi hamda ekspertlik

sohasi yoki kasb doirasida belgilangan xususiyatlar to'plami mavjudligiga asoslanadi.

Texnologiyalar jadal taraqqiyotini hisobga olgan holda to'rtinchi sanoat inqilobi xodimlarning doimiy moslashuviga hamda turli nuqtai-nazarlardan yangi ko'nikmalar va yondashuvlarni o'zlashtirishga alohida ehtibor qaratadi. Bu iqtisodiyotni tarkibiy qayta qurishda, turli tizimlar faoliyatida, jumladan, ijtimoiy himoya, soliqqa tortish va tahlim sohasida katta o'zgarishlar talab qilinadi. O'zbekiston Respublikasi hukumati raqamli iqtisodiyot dasturini to'g'ri tuzish va uni muvaffaqiyatli ravishda amalga oshirish juda jiddiy masala hisoblanadi, chunki bu sohada ortda qolish jahon iqtisodiyoti yangi trendlarga muvofiq mamlakatni raqobatbardoshlikni yo'qotishga mahkum qiladi va uzoq muddatli salbiy oqibatlarga olib keladi. Aynan davlat barcha manfaatdor tomonlar (davlat hukumat organlari, biznes, fuqarolik jamiyati va ilmiy-tahlim jamiyatlari) vakillarini raqamli iqtisodiyotni yaratish va rivojlantirishga jalb qilgan holda raqamli iqtisodiyotni optimal boshqarish mexanizmini yaratishi lozim. Bir tomondan, bu fuqarolik jamiyati va biznesning tanlangan o'zgarishlar yo'nalishida rivojlanishini jiddiy rag'batlantirishi, boshqa tomondan esa, shu tariqa yo'naltiriladigan o'zaro aloqalar qarama-qarshiliklarga olib kelishi mumkin bo'lib, ularning orasida sahyi-harakatlarning turli yo'nalishlarda bo'lishi va tashabbuslarning to'xtab qolishi eng muhimlari hisoblanadi. O'ylaymizki, «raqamli iqtisodiyotning eng qimmatli chora-tadbiri» kadrlar tayyorlash va axborot infratuzilmasi yaratish bo'lib chiqishi ham mumkin.

Tahlim bo'yicha yo'l xaritasi tayyorlash katta qiziqish uyg'otadi, va bunda bir qancha qiyinchiliklarga ham duch kelishimiz mumkin. Kadrlar, raqamli innovatsion sektorda ishlaydigan texnik va boshqaruv kadrlari o'ziga xos xislatlarga ega bo'lib, o'ziga xos tarzda tayyorlanishlari lozim, ayniqsa, davlat va biznes kesishuvida bu katta ahamiyatga egadir.

Bunday joylarda faqatgina mavqe yoki professionallikka tayanish mumkin emas. Bu noyob mutaxassislar tayyorlash, kadrlar tayyorlashning umuman boshqacha darajasi, hozirgi paytda tahlimda universallik yo'qolganligi, mahlum bir perspektiv yo'nalishlar borligi va, tahlimning differentsiatsiya qilinganligini aks ettiradi. Nima uchun yo'l xaritasi tayyorlash raqamli iqtisodiyot dasturini amalga oshirishda eng muhim fursat hisoblanishi haqidagi fikrga qaytib, tahlim va mehnat bozori o'rtasidagi o'zaro aloqalarning xrestomatik haqiqatini yodga olmasdan bo'lmaydi. Hozirgi kunda dunyoda mehnat bozorida nimalar ro'y berayotgani haqida nufuzli shaxslarning fikrlariga murojaat qilamiz. Klaus SHvab o'zining mashhur "To'rtinchi sanoat inqilobi" kitobida quyidagilarni yozadi: «to'rtinchi sanoat inqilobi bundan oldingi inqiloblar bilan taqqoslaganda yangi tarmoqlarda kamroq ish o'rinlari yaratadi AQSH mehnat resurslarining atigi 0,5%i asr boshida mavjud bo'lmagan tarmoqlarda band; yangi ish o'rinlarining 8%dan kami o'tgan asrning 80-yillarida va yangi ish o'rinlarining 4,5%i – 1990 yillarda yaratilgan. Axborot va boshqa ilg'or texnologiyalarga investitsiyalar jalb qilish uchun qo'shimcha mehnat talab qiladigan ko'plab mahsulotlar yaratish emas, mavjud ishchilarni almashtirish yo'li bilan unumdorlikni oshirishga hizmat qiladi».

Texnologik innovatsiyalarning ishsizlikka tahsiri tadqiqotlariga havola qilib, K.SHvab ta'kidlaydi: «Mazkur tadqiqot natijalariga ko'ra, AQSHda ish o'rinlarining 47%ga yaqini, ehtimol, keyingi yigirma yil davomida avtomatlashtirish riskiga uchraydi, bu o'tgan sanoat inqiloblari davomida ro'y bergan mehnat bozoridagi o'zgarishlar jarayonidan ko'ra tezroq yakson qilinadigan kengroq doiradagi kasblar bilan tavsiflanadi. Bundan tashqari, mehnat bozorida qutblashuvning o'sish tendensiyasi mavjud. Bandlik yuqori daromad keltiradigan kognitiv va ijodiy kasblarda, kam daromad keltiradigan qo'l mehnatidan ortadi, lekin o'rtacha daromad keltiradigan standart kasblarda talab esa pasayadi».

Yaqinda Jahon iqtisodiy forumida ehlon qilingan The Future of Jobs tadqiqoti ma'lumotlarini ham keltirib o'tamiz, unga ko'ra, 2022 yilga kelib, «jahon mehnat bozorida 2 million ish o'rni qo'shiladi, lekin 7,1 million ish o'rni yo'qolib ketadi. Ish o'rinlari intellektual va yuqori texnologiyali sohalarda paydo bo'ladi, iqtisodiyotning real sektorida va mahmuriy ishlar sohasida qisqaradi». Hisobot mualliflarining hisob-kitoblariga ko'ra, «2022 yil uchun katta ma'lumotlar texnologiyasi matematika va hisoblash texnikasi sohasida ish o'rinlari sonini 4,59%, boshqaruv sohasida 1,39%, moliya sektorida 1,34% va sotuvlarda 1,25% oshiradi. Lekin xuddi shu katta ma'lumotlar sohasi ofis xodimlari ish o'rinlari sonini 6,06% qisqartiradi. SHu bilan bir paytda, buyumlar internet kompyuter ixtisosliklarida bandlikning 4,54%, loyihalashtirish va muhandislik ishlanmalari bo'yicha 3,54% o'sishiga olib keladi. Lekin shu omilning o'zi asbob-uskunalarga texnik xizmat ko'rsatish, tahmirlash va o'rnatish bo'yicha mutaxassislar bandligini yillik 8%, ofis xodimlarining esa 6,2% qisqartiradi. Sanoat sohasida bandlikka yangi ishlab chiqarish texnologiyalari va 3D-bosma (ish o'rinlari soni yiliga 3,6% qisqaradi) va ancha kamroq darajada – robotlashtirish va avtomatik transportni rivojlantirishga (0,83% qisqarish) kuchli tahsir ko'rsatadi. Umuman olganda, bandlik ma'lumotlarni tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, u murakkab texnologik jarayonlarni boshqarish talab qilingan joylarda o'sadi va kundalik zerikarli hamda malakasiz mehnat ulushi katta bo'lgan joylarda tushib ketadi».

#### **Adabiyotlar:**

1. S.S.G'ulomov. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyk texnologiyalari. O'quv qo'llanma. – T., 2019 y. 70 bet.
2. Klaus SHvab. CHetvertaya promqshlennaya revolyutsiya. –M., Eksmo. 2016. S.30
3. <http://www.vedomosti.ru/management/articles/2016/01/27/625618>
4. <http://www.vestifinance.ru/articles/7634110> The OECD Digital Economy Outlook 2017. ʻ. 33.

## **RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA MOLIYAVIY MUNOSABATLAR**

*A.Kadirov, M.Abduqodirova*  
*TATU FF*

Yangi raqamli iqtisodiyotda bir qancha aktivlar bo'lib, ular jumlasiga kriptovalyutalar ham kiradi. Hozirgi paytda turli xil kompaniyalar tomonidan ishlab chiqilgan mingdan ortiq kriptovalyutalar mavjud va ularning har bir kriptoiqtisodiyot sohasida bir qancha muhim funksiyalarni bajaradilar. SHulardan biri – ICO (*Initial coin offering*) bo'lib, uning yordamida biror bir loyiha uchun jamoaviy mablag' yig'ish jarayonini uyushturish mumkin. Bu borada jamoaviy mablag' to'plash mexanizmi kraudfunding vositasida innovatsion mablag'lar topishdir.

Bunday usul yordamida mablag' to'plash uchun original usul taklif yetiladi: kriptovalyutada kafolat shartnomalari, ya'ni, blokcheynga asoslangan ommaviy kraudfanding modeli versiyasi tashkil qilinadi – unda tashkilotchilar qatnashchilarningpul o'tkazmalari kattaligi belgilangan kattalikda bo'lishi aniqlangach, ular investitsion hamyonga oldindan kelishib olingan miqdordagi pul o'tkazmalari qilishadi. Pul mablag'lari o'tkazuvchilarni «ovlash» va to'plangan mablarni himoya qilish uchun shartli depozit schetlar yaratish o'rniga blokcheyn va u bilan bog'liq dasturiy tahminot bu ishni avtomatik ravishda barchaga ko'rinib turgan tarzda bajaradi. Maxsus ajratilgan va buzib kirishdan himoya qilingan, faqat dasturiy nazorat ostida bo'ladigan elektron hamyonda zarur miqdordagi mablag'lar to'plangach, u tashkilotchning zaxira qilingan mablag'lari saqlanadigan boshqa hamyon bilan birlashtiradi. Agar maqsadli investitsion summani to'plashning uddasidan chiqilmasa, pul mablag'lari avtomatik ravishda ortga, pul hadya qilganlarning elektron hamyonlariga qaytarib yuboriladi. SHunday qilib, mablag'lar to'plash, uni himoyalash, saqlash va qaytarish muammosi hal qilinadi.

Endi raqamli texnologiyalar yordamida mulk masalalarini boshqarish tizimini yaratish muammosiga to'xtalamiz. Intellektual shartnomalar faqat moliya sohasidagina ishlash bilan chegaralanmaydi. Agar ularni intellektual mulk bilan birlashtiradigan bo'lsak – bunda mulk huquqi hujjatlari va egalik qilishni tasdiqlaydigan boshqa hujjatlar kompyuter dasturlari foydalanishi uchun raqamli shaklga o'tkaziladi – bu moddiy (masalan, uy yoki avtomobil) yoki nomoddiy (masalan, patentlar) aktivlarga mulkchilik huquqini avtomatik ravishda o'tkazishni tahminlaydi. Xuddi shu tarzda kompyuter dasturimos keluvchi shartnoma shartlariga rioya qilinishi tasdiqlagan hollardagina aktivlar almashinishga ruxsat berishi mumkin.

Hozir kompaniyalar deyarli har bir elektron qurilma yoki tovar birligiga shtrixkodlar, QR-kodlar, mikrochiplar, bluetooth-uzatgichlarni faollik bilan joriy qilmoqdalar, buning natijasida istalgan moddiy boyliklarga mulchilik huquqini aynan shu tarzda berish mumkin bo'lgan «buyumlar interneti» yaratiladi. Blockchain 2.0 asosidagi yechimlarning keng tarqalishi texnik, huquqiy, moliyaviy va madaniy xarakterdagi katta to'siqlarga duch kelmoqda. Hozirgi paytda yuzlab bunday yechimlar mavjud, lekin ularning ko'pchiligi oxirigacha ishlab chiqilmagan va qachonlardir amalga oshirilish imkoniyatiga ega bo'lishi ehtimoli ancha past hisoblanadi. Biroqularga katta energiya va innovatsion intellektual salohiyat sarflangan bo'lib, bu bir qator jiddiy loyihalar va startaplar yaratishda namoyon bo'ldi. Bunday loyihalarning birinchisi 2012 yilning ikkinchi yarmida ishga

tushirilgan *Colored Coins* tizimi bo'ldi. Undan maqsadodamlarga moliyaviy aktivlar va anhanaviy valyutani bevosita bitkoin blokcheyni orqali almashinish imkoniyatini taqdim etishdan iborat bo'lgan (bu tizim orqali ikki kishi, masalan, evroni oltinga to'g'ridan-to'g'ri almashtirish haqida shartnoma tuzishi mumkin). SHundan boshlab mazkur maydonda ko'plab aynan shunday xarakterli loyihalar paydo bo'ldi, jumladan, Next, Ripple, Mastercoin, ethereum, BitSHares, Counter party va Stellar deb nomlangan tizimlar. Ularning barchasiblokcheyn asosida maxsus ishlab chiqilgan o'ziga hos elektron platforma taklif qiladi Kriptovalyuta texnologiyalari kelajagiga optimistik qarashlar ko'plab to'siqlarga duch keladi. Kriptovalyutalar haqidahatto bir daqiqaga esdan chiqaradigan bo'lsak, normarkazlashuv trendi haqiqatda katta salohiyatga ega ekanligini tan olmaslik juda qiyin. Agar uni inqirozdan keyingi davrda Uoll-strit va Vashington doirasida tobora ko'proq kuch-qudrat markazlashuv trendi bilan taqqoslaydigan bo'lsak, bu ikki egizak yonma-yon ketayotgan emas, balki bir-birining qarshisidan kelayotgan poezdlarni eslatib yuboradi. Ehtimol, biz global ijtimoiy o'zgarishlar –uyg'onish davrida bank ishi va milliy davlatlar keyinchalik ularning atrofida jamitning pul va iqtisodiy tizimi vujudga kelishi lozim bo'lgan ikkita asosiy hukumat markazi sifatida shakllangan XVI asrdan keyingi tarix davomida eng kuchli o'zgarishlar bo'sag'asida turgandirmiz.

